

MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN
STATE INSTITUTE OF ART AND CULTURE

ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X

SCIENTIFIC
METHODICAL
JOURNAL

#8 / 2021

KOKAND

MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN

FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN STATE INSTITUTE OF
ART AND CULTURE

ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X

SCIENTIFIC METHODOICAL JOURNAL
VOLUME 2 ISSUE 2 / SEPTEMBER 2021

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2021 yil 31 iyuldagi №303/6-sonli qaroriga asosan “Oriental Art and Culture” ilmiy-metodik elektron jurnali San’atshunoslik fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish uchun tavsiya etiladigan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.



KOKAND

Editor in chief

Usmonov Shamsiddin Yulchiboyevich
Professor

Executive Secretary

Turgunbaev Rashid Muxtorovich
MSE

Bosh muharrir

Usmonov Shamsiddin Yulchiboyevich
Professor

Mas’ul kotib

Turg’unboev Rashid Muxtorovich
MIT

Editorial board

S.Mannopov
National artist of Uzbekistan, Professor
I.Yuldashev
Doctor of Philology, Professor
M.Juraev
Honored Worker of Culture, Doctor of Philology, Professor
R.Maksudov
Doctor of technical sciences
M.Abdullayeva
Honored mentor of youth of Uzbekistan, Professor
R.Shukurov
Candidate of Philology, Associated Professor
R.Xolmatov
Candidate of Historical Sciences, Associated Professor
K.Yuldashev
Honored Artist
G.Xolikulova
Candidate of Art Sciences
A.Eminov
Candidate of pedagogical sciences, Associated Professor
T.Rashidov
Candidate of Art Sciences, Professor
E.Yuldashev
PhD of Art Sciences
O.Xasanov
PhD of Political Sciences
J.Mamatqosimov
PhD of Pedagogical Sciences
Sh.Imomnazarova
PhD of Philological Sciences

Tahririyat

S.Mannopov
O’zbekiston xalq artisti, professor
I.Yo’ldashev
Filologiya fanlari doktori, professor
M.Jo’raev
O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan madaniyat xodimi, filologiya fanlari doktori, professor
R.Maksudov
Texnika fanlari doktori
M.Abdullaeva
O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan yoshlar murabbiyi, professor
R.Shukurov
Filologiya fanlari nomzodi, dosent
R.Xolmatov
Tarix fanlari nomzodi, dosent
K.Yo’ldashev
O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan san’at arbobi
G.Xoliqulova
San’atshunoslik fanlari nomzodi
A.Eminov
Pedagogika fanlari nomzodi, dosent
T.Rashidov
San’atshunoslik fanlari nomzodi, professor
E.Yuldashev
San’atshunoslik fanlari PhD
O.Xasanov
Siyosatshunoslik fanlari PhD
J.Mamatqosimov
Pedagogika fanlari PhD
Sh.Imomnazarova
Filologiya fanlari PhD

Ta’sischi

O’zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining
Farg’ona mintaqaviy filiali

Table of Contents/Mundarija

Art and culture / San'at va madaniyat

1.	М.Е.Жангужина, Б.Акылбекова ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЕКТИРОВАНИИ ЭТНИЧЕСКОГО КОСТЮМА	6
2.	Aydos Jangabayevich Utepbergenov SAHNA NUTQI FANINI O'QITISHDA PEDAGOGIK YONDASHUVNING ANAMIYATI	12
3.	Gulshira Saparbayeva, Asilbek Qolqanatov OMMAVIY BAYRAMLARNI TASHKIL ETISHDA SSENARIYNAVISLIKNING O'RNI	16
4.	Манас Бекполатович Абдреймов ҚОРАҚАЛПОҚ КИНЕМАТОГРАФИЯСИДА ОВОЗ РЕЖИССЁРЛИГИ МУАММОЛАРИ	22
5.	Muslima Mansurovna Aliyeva O'ZBEK XALQ BALERINASI	26
6.	Муслима Мансуровна Алиева ЎЗБЕК МУСИҚАСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ УСЛУБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ	31
7.	Ajiniyaz Ayabergen o'g'li O'tepbergenov AKTYORLIK MAHORATINI SHAKLLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	35
8.	U.Boltaboeva, Y.Xalilov TEATR SAN'ATINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	40
9.	Nozimaxon Mirzayeva MUG'ANNIYLAR ALISHER NAVOIYNING SHE'RIY TA'RIFIDA	49
10.	Эльчинбек Эркинович Юсупов ДОЛГИЙ ПУТЬ К ВЕРШИНЕ	58
11.	Қурбонова Мукамалхон АЁЛЛАР САНЪАТИ: КЕЧА ВА БУГУН	62
12.	Х.Умарова, М.Қурбонов К.С.СТАНИСЛАВСКИЙ ТАЪЛИМОТИДА АКТЁРНИНГ САҲНАВИЙ ТАРБИЯСИ	76
13.	У.Болтабоева БЎЛАЖАК АКТЁРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР	88
14.	Сардор Шухратжонович Маннонов, Фазлиева Зебо Камарбековна ИБТИДОЙ ПАНТОМИМАЛАР: ЎЙИНЛАР ВА СЮЖЕТЛАР	99
15.	Инобат Махкамбаевна Иманкулова ЗАМОНАВИЙ СЦЕНОГРАФИЯ ТАРАҚҚИЁТИДА САҲНА ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	106
16.	Карим Йулдашев РЕЖИССУРА ВА АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ ФАНЛАРИНИ ИНАВАЦИОН ЎҚИТИШ	114
17.	Абдурашид Мадалиев ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ТАРИХИГА НАЗАР	125
18.	У.Болтабоева, Р.Дехқонов ҲАЁТИЙЛИК ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК ДРАМАТИК АСАР, РЕЖИССУРА, АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ АСОСИ	134
19.	Мийрбек Палуаниязов МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МУСИҚА ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	142

20.	Сабохат Чориевна Муратова ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ КИЙИНИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА ОИД ЭСТЕТИК ЖИХАТЛАР ТАВСИФИ	147
21.	Shohistaxon Ravshanjon qizi Rahmatova O‘ZBEKISTONDA BALETMEYSTERLIK SAN’ATINING SHAKLLANISHI	155
22.	Адхамжон Аҳмадович Рисқиев, Насиба Эркиновна Абрайкулова ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ҚЎШИҚЧИЛИК САЪАТИ: АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК	162
23.	Г.Ходжаметова МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ МОДУЛЛИ ТИЗИМ АСОСИДА ЎҚИТИШНИ ҚЎЛЛАШ ТИЗИМИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	166
24.	Z.Abdunazarov HAMZA HAKIMZODA NIYOZIY DRAMATURGIYASI	170
Social sciences / Ijtimoiy-gumanitar		
25.	Dilnoza Murtazoyevna Qodirova YOSH OILALARDA OILAVIY MUNOSABATNING SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	179
26.	Dilafuz To‘ymurodovna Ismatova OILADAGI AJRIMLAR PSIXOLOGIK MUAMMOSI SIFATIDA	184
27.	Nodir Zayniddinovich Jumayev O‘QITUVCHI FAOLIYATIDA AGRESSIV HARAKATLARNING NAMOYON ETILISHINING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	191
28.	Лайло Изатовна Тойирова ЭГИЗАКЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА НУТҚ БИЛАН БОҒЛИҚ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАР	196

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЕКТИРОВАНИИ ЭТНИЧЕСКОГО КОСТЮМА

М.Е.Жангужинова

Б.Акылбекова

Казахская национальная академия искусств имени Т.К.Жургенова

Аннотация: В данной статье рассматриваются проблемы инновационные технологии в проектировании этнического костюма. Целью исследования является проведение теоретико-методологического исследования проблем этнокостюмологии в контексте современного театрального процесса. Объектом исследования является современный этап формирования методологии этнокостюмологии в театральном процессе. Предметом исследования является современный театральный процесс. Актуальностью является исследование инновационных направлений этнокостюмологии в современном театральном процессе. Задачами исследования являются выявить и теоретически обосновать методологию этнокостюмологии, исследовать инновационные направления проектирования сценического костюма в современном театральном процессе. Научно-теоретические основы исследования включают инновационные направления этнокостюмологии. Научная новизна исследования заключается в изучении и выявлении методических аспектов в инновационных направлениях этнокостюмологии в рамках современного театрального процесса. Практическая значимость исследования заключается в применении полученного научно-обоснованных методологических основ в методику проектирования этнического костюма в производственном процессе театра казахской драмы имени С.Сейфуллина города Караганды.

Ключевые слова: этнокостюмология, театральный процесс, инновации в проектировании костюма, театральный костюм, этнический костюм.

INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE DESIGN OF ETHNIC COSTUME

M. Ye. Zhanguzhinova

B. Akylbekova

T. K. Zhurgenov Kazakh National Academy of Arts

Abstract: This article discusses the problems of innovative technologies in the design of ethnic costume. The aim of the study is to conduct a theoretical and methodological study of the problems of ethno-costumeology in the context of the modern theatrical process. The object of the research is the current stage of the

formation of the methodology of ethno-costumes in the theatrical process. The subject of research is the modern theatrical process. The relevance is the study of innovative directions of ethno-costumes in the modern theatrical process. The objectives of the research are to identify and theoretically substantiate the methodology of ethnocostemology, to investigate the innovative directions of ethnocostemology in the modern theatrical process. The scientific and theoretical foundations of the research include the innovative directions of ethno-costumes. The scientific novelty of the research lies in the study and identification of methodological aspects in innovative areas of ethno-costumology within the framework of the modern theatrical process. The practical significance of the study lies in the application of the obtained scientifically grounded methodological foundations in the method of designing an ethnic costume in the production process of the Kazakh Drama Theater named after S. Seifullin in the city of Karaganda.

Keywords: ethno-costumology, theatrical process, innovations in costume design, theatrical costume, ethnic costume.

Введение

Проблема этнокостюмологии в контексте современного театрального процесса определяется достоверностью трансляции традиционных образцов этнической культуры с синтезированием современных методических подходов при визуализации культурных особенностей национальной идентичности персонажей. Рассмотрение проблемы обусловлено факторами: социокультурного развития, историко-культурологическими, эстетическими, семиотическими, научно-педагогическими и теоретико-методологическими основами преподавания этно-костюмологии. Актуальностью исследования является раскрытие инновационных тенденций в методических подходах при визуализации культурных особенностей национальной идентичности персонажей в театральном процессе. Целью исследования является в разработке и теоретико-методологическом обосновании этнокостюмологии в контексте современного театрального процесса.

Задачами исследования являются: проанализировать и обобщить имеющийся в трудах по театроведению, искусствоведению, культурологии, костюмологии, этнографии, этнологии и другим смежным искусствоведческими отраслям науки материал о семантике, генезисе, эволюции, статусной иерархии этнических костюмов, их концептуальном содержании, семиотической системе и интеграции в современный театральный процесс; сформулировать и обосновать понятие этнокостюмология; разработать систему теоретических положений о сущности, структуре, функциях этнокостюмологии; исследовать специфику и определить результаты существующих подходов к преподаванию

этнического костюма на всех ступенях профессионально-педагогического сценографического образования; определить роль этнокостюмологии в современном театральном процессе.

Гипотеза исследования заключается в том, что при разработке и теоретико-методологическом обосновании этнокостюмологии возможен синтез инновационных методов в практике визуализации культурных особенностей этнической идентичности костюмов персонажей в контексте современного театрального процесса.

Методологические основы исследования

Инновационные технологии в проектировании этнического костюма: Арнхейм (2012), Паллотта, Сичкарь (2021), Колиева, Гобеева, Гркиян, Гетманцева, (2021), Сулова (2011), Гусейнов, Ермилова (2003), Игнатъев, Никитин, Никитин, Решетникова (2005), Шехтер (2005), Лаврентьев (2006), Холмянский, Щипанов (1985).

Ниже будут детально раскрыты ключевые аспекты методологии исследования.

Результаты

Исследование работ ученых по *инновационным технологиям в проектировании этнического костюма*: позволило выявить основные направления в проектировании одежды, в том числе и сценического костюма - *сенсорная рефлексия, нейрокоммуникация, технологии 3D моделирования и визуализации* [1, с.12]. Внедрение инновационных методик и технологий в проектирование сценического костюма, в частности этнокостюма базируется на исследованиях ученых в области психологии, психофизиологии, маркетинга, менеджмента, искусственного интеллекта и инновационной инженерии, включая аэро и космические исследования [2, с.5]. Исследованиям европейских ученых в области нейрокоммуникации посвящены работы М. Линдстрема, Кришны. Б., Шмитта, которые рассматривали вопрос *нейрокоммуникации и сенсорной рефлексии* в рамках эмпирического маркетинга. Также в рамках технологии управления эмоциями потребителей изучал сенсорный маркетинг К.Робертс. Адаптацию перехода от традиционных идей проектирования одежды к инновационным технологиям рассматривается в работах Гонзалеса Л., Д.Гилмора и Пайна, Гэда Т., Ламбена Ж-Ж., А.Херрманна, Хирша А., Чебата Д. [3, с.34].

Влияние *психологических аспектов бессознательного* как фундаментальной самостоятельной сферы психической жизни человека и общества были исследованы в работах Выготского Л.С., Жане П., Каруса К.Г., Леонтьева А.Н., Маккузе Г., Рубинштейна С.Л., Симонова П.В., Узнадзе Д.Н., Фрейда З., Фромма Э. [4, с.23] Вопросы исследования «сенсорики» акцентир уют интерес ученых на

влияние психологических аспектов бессознательного на восприятие информации пятью органами чувств, через зрение, слух, вкус, обоняние и осязание [5, с.57]. Исследования в области психологии и нейробиологии выявили эффективные инструменты для воздействия на зрителя через визуальное восприятие, основываясь на гарвардской модели, согласно которой более 90 % психической деятельности человека, включая эмоции, происходит в области подсознания [6, с.4]. Исследователи в области визуальных искусств В.П. Зинченко, Арнхейм выявили две категории визуального восприятия: «*перцептивный*», посредством которого происходит восприятие, и «*изобразительный*», посредством которого художник воплощает свою мысль в материале искусства [7, с.56]. Таким образом, визуальное восприятие пребывает в формировании «*перцептивных понятий*», так же как художественное творчество представляет собой «*формирование адекватных изобразительных понятий*» [8, с.300].

Визуальным инструментом нейрокоммуникации с применением запатентованного метаморфного метода Зальтмана - ZMET, является качественное исследование в области инновационных технологий, широко распространенное во многих областях зрелищных услуг. Тенденцию к развитию в области костюмированных перформансов (цирковое шоу, фестивали, карнавалы, театральные постановки) в сценографии театрального костюма также имеет метод Зальтмана - ZMET [9, с.15].

На ряду с визуальными инструментами *нейрокоммуникации* также широко распространён метод *цветокоррекции*, которому посвящены работы Николаса Коро. Цветокоррекция - один из методов качественного исследования, который заключается в том, что по социальным параметрам человека можно предсказать его реакцию на различные цветовые сочетания [10, с.11]. Сенсорные особенности значащих художественных форм образа персонажа на сцене, которые включают в себя - слово, звук, линию, пятно, цвет, находятся в фокусе внимания разделов научного познания как феноменология, онтология, семиотика, семантика и прагматика [4, с.23]. Гносеологическая ориентация в отношении цвета способствует раскрытию многих ответов на вопросы о воздействии цвета через закономерности метафизики [5, с.16]. Проведя исследование по визуальным инструментам *нейрокоммуникации* была выведена *семиотическая система визуализации образа персонажа*, представленная на рисунке 1.



Рисунок 1. Семиотическая система визуализации образа персонажа

Таким образом, изучение визуальных инструментов нейрокоммуникации и сенсорной рефлексии позволило выявить семиотическую систему визуализации образа персонажа для этнокостюмологии в театральном процессе.

Заключение

Внедрение инновационных технологий в проектировании этнического костюма позволило выявить основные направления в проектировании одежды, в том числе и сценического костюма - сенсорная рефлексия, нейрокоммуникация, технологии 3D моделирования и визуализации. На основе проведенного исследования удалось выявить семиотическую систему визуализации образа персонажа, включающую компоненты: слово, звук, линия, пятно, цвет.

Реализация теоретико-методологических основ проведенного исследования позволит эффективно реализовать в практике современного театрального процесса в Казахстане мировой опыт инновационных тенденций этнокостюмологии.

Использованная литература

- [1] Арнхейм, Р. *Искусство и визуальное восприятие*, М.: Архитектура С, 2012. - 392 с.
- [2] Паллотта, В.И., Сичкарь, Т.В. *Дизайн, сенсорный брендинг и fashion-ритэйл*, Костюмология, 2021. №1. - С.12.
- [3] Паллотта, В.И., Сичкарь, Т.В. *Семиотический аспект в дизайне логотипов и товаров знаков*. Костюмология. 2019. Т. 4. № 3. - 12 с.
- [4] Колиева, Ф.А., Гобеева, А.В., Гркикян, А.О., Гетманцева, В.В. *Перспективы применения 3D печати при проектировании предметов одежды*, Костюмология, 2021. №1. - С.12.
- [5] Сулова, С.В. *История костюма тюркских народов (этнографическое исследование татарской народной одежды)*, Астана: Издательство «Сарыарка», 2011. - 286 с.

[6] Гусейнов, Г.М., Ермилова, В.В., *Композиция костюма*, - М.: «Академия», 2003. - 432с.

[7] Игнатъев, М. Б., Никитин, А. А., Никитин, А. В., Решетникова, Н. Н. *Архитектура виртуальных миров*, СПб., 2005. - 382с.

[8] Шехтер, Т. Е. *Современное искусство как предмет гуманитарного знания, Современное искусство и отечественный художественный рынок*. СПб.: СПбГУП, 2005. - 176 с.

[9] Лаврентьев, А.Н. *История дизайна*. - М.: Гардарики, 2006. - 303с.

[10] Холмянский, Л. М., Щипанов, А. С. *Дизайн: Книга для учащихся*. - М.: Просвещение, 1985. - 241с.

SAHNA NUTQI FANINI O'QITISHDA PEDAGOGIK YONDASHUVNING AHAMIYATI

Aydos Jangabayevich Utepbergenov
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining Nukus filiali

Annotatsiya: Ushbu maqolada sahna so'zi fanini o'qitishda pedagogik mahoratning tarbiyaviy xususiyatlari haqida fikr yuritilgan. Aktyorlik mahoratida obraz yaratishda pedagogik yondoshuvning ahamiyati katta hisoblanadi.

Kalit so'zlar: sahna nutqi, pedagogika, mahorat, obraz, nutq, ovoz, nazariya.

THE IMPORTANCE OF PEDAGOGICAL APPROACH IN TEACHING STAGE SPEECH

Aydos Jangabayevich Utepbergenov
Nukus branch of Uzbekistan State Institute Arts and Culture

Abstract: This article discusses the educational features of pedagogical skills in the teaching of stage speech. The importance of a pedagogical approach in creating an image in acting is great.

Keywords: stage speech, pedagogy, skill, image, speech, sound, theory.

Aktyorlik mahorati uchun mo'ljallangan fanlarni pedagogik usullardan foydalanish orqali dars o'tish yaxshi natija beradi. Shu nuqtayi nazardan kelib chiqqan holda, sahna nutqi fan dasturida ilgari surilgan talablarga muvofiq zamonaviy interfaol metodlardan foydalanish zarur. Sahna nutqi fanini mukkamal o'rgatishdan maqsadi - aktyorlik mahoratining pedagogik tarbiya nazariyasi, nazariy-metodologik asoslarini ochib berish, bo'lajak aktyorlardan kasbiy bilim va ko'nikmalarrini oshirish, chuqur o'zlashtirilishiga erishish, talabalarga pedagogik faoliyatni muvaffaqiyatli tashkil eta olish va malakalarini shakllantirishdan iborat.

Aktyorning vazifasi sahnaviy obraz yaratishdan iborat. Har bir sahnaviy qahramonning o'ziga xos fikrlash va mushohada qilish yo'llari, uning dunyoqarashi va jamiyatdagi o'ngiga, ma'lumoti, madaniyat darajasiga, shuningdek, xarakteri kabi xususiyatlariga bog'liqdir. Qahramonning keng mushohadaga ega bo'lishi, o'z navbatida, aktyorning til va talaffuzi, nutqining temporitmi va ohangi asosidagi nutqiy manerasida o'z ifodasini topadi. Teatr maktablaridagi sahna nutqi mashg'ulotlarida talabalar uzoq vaqt esda qoladigan yorqin sahnaviy obrazlar yaratish uchun obrazli fikrlash va gapirish yo'llarini egallab, o'zlarining mahorat darajalarini kundan kun orttirib borishlari kerak.

Shuning uchun u yoki bu material ustida ishlaganda maqsadga muvofiq keladigan shunday materialni tanlash lozimki, u dialog va monologga o'tish uchun ma'lum bir pog'ona, bosqich vazifasini o'tasin. Shu ma'noda birinchi shaxs nomidan hikoya qilish eng maqbul, maqsadga muvofiq usul hisoblanadi [1:5].

Lekin, obraz yaratish oson ish emas. Murakkab va doimo rivojlanish, ijodiy taraqqiyotni talab qiladigan jarayon. Bu jarayonda talabalar bilan pedagoglar natijali ishlash tizimini shakllantirishi zarur.

Obraz yaratish jarayonida juda ko'p obyektiv va subyektiv omillar katta ahamiyatga ega bo'ladi. Sahna obrazning asosini badiiy so'z, ya'ni badiiy adabiyot mahsuli bo'lgan drama, fojia, komediya matni pyesani tashkil etadi. Badiiy obraz yaratish muammosi ham san'at qonunlari nuqtai nazaridan faqat nazariy ahamiyat kasb etibgina qolmay, balki amaliy ahamiyatga ham egadir [2:3].

Shu sababli amaliy ishlarni tashkil etishda pedagog zimmasiga kata ma'suliyat yuklanadi. Talabning dars davomida ko'zga tashlanmagan kamchiliklarini amaliyot davomida ham ilg'ab olish mumkin bo'ladi.

Aktyor o'z ishi jarayonida syujetni, xarakterni tahlil qiladi. Muallifni o'rganadi, g'oyaviy maqsadini aniqlaydi. Xarakter talqinida atrof tabiatni bir - birga munosabatini aniqlaydi, qahramonning ichki dunyosiga kirib boradi. So'z mohiyati (harakati)ni ochish jarayoni ikkala san'at turida bir xil uslubda kechadi. So'z harakati jarayonini aktyor spektaklni tayyorlash jarayonida o'taydi. voqeani aniqlash ham aktyorni, so'z ustasi - (ijrochi)ning ijodiy jarayoni markazida turadi. Ana shu birlik teatr san'ati uslubiyotining, umumiylikni ko'rsatadi. "Sahna nutqi" mashg'ulotlarida badiiy so'z, faqat nutqiy ifodaviylikni o'rganuvchi vositagina bo'lmay, u ko'rishni, fikrlashni, munosabat bildirishni, baholashni, g'oya bilan qiziqishni, mavzuni aniqlashni, hikoyadagi oliy maqsadni tushunishni ham o'rgatadi.

Yutuqning asosi aktyorlik mahorati bilan sahna nutqi uslubining birligidadir. Spektakldagi so'z harakati bilan badiiy so'z ijrosidagi umumiylik sahna nutqini o'rganish uslubining ham asosini tashkil etadi. Sahna nutqi darslarida hikoya, she'r matnlaridan foydalaniladi. So'z ustida ishlanganda rolni yoki hikoyani o'qibgina qolmay, so'z harakatiga erishish muhim sanaladi. Mashg'ulotlarda adabiy asar mohiyatidan kelib chiquvchi aktyor psixotexnikasi unsurlari ham tarbiyalanadi [3:5].

Talabani aktyor sifatida shakllantirish, rivojlantirish yuksak natijaga erishtirish vazifasi pedagogning mehnat mahsulidir. Jamiyatimizda pedagoglarga bo'lgan hurmat va ehtiromning yuqori ekanligi ham o'z-o'zidan emas. Aktyorni teatr mutaxassis sifatida xalqqa tanitgani bilan, uni pedagog tarbiyalab teatrga mutaxassis qilib shakllantiradi.

Pedagoglik faoliyati jamiyatdagi funksiyalari bo'yicha va kasbiy sifat xususiyatlariga qarab hamda psixologik tomonlar bo'yicha yozuvchi, artist va

olimlarga tomoniga yaqin. Pedagog mehnatining xususiyatlari tabiatning eng buyuk in'omi bo'lgan insonni o'qitish va tarbiyalash uchun mo'ljallangan:

1. Pedagogning mehnat faoliyati o'sib kelayotgan yoshlarning insoniy xususiyatlarini shakllantirishdan iborat.

2. Pedagog faoliyatidagi mehnatning o'ziga xos xususiyati shundan iboratki, unda mehnat predmeti bo'lib xazrati inson hisoblanadi.

3. Pedagogik mehnat unga har tomonlama ta'sir etuvchi omillarni boshqaruvchi shaxsga bo'lgan ta'siridan iborat.

Bu mehnatda talabaga ta'sir etuvchi qurol bo'lib o'qituvchining shaxsi - uning bilimi, mahorati, sezgirligi va erkinligidir. Pedagogik jarayonning maqsadi, nafaqat talabani tarbiyalash, o'qitishni tashkil qilishdan iborat bo'lmay, uning o'qitish uslublarini va ulardagi barcha munosabatlar tizimini aniqlashdan iborat [4: 96].

Y.A.Klimov taklif etgan tasnifga ko'ra pedagoglik kasbi faoliyat predmeti boshqa bir inson bo'lgan kasblar, ya'ni "inson - inson" tipidagi kasblar guruhiga kiradi. Pedagogik faoliyat burch va mas'uliyat hissi o'ta yuqori bo'lganligi bilan xarakterlanadi. Pedagogik faoliyatning "inson - inson" tipidagi boshqa faoliyat turlaridan farqli tomoni shundaki, u bir vaqtning o'zida ham qayta o'zgartiruvchi, ham boshqaruvchi kasb bo'lib hisoblanadi.

Pedagog bir paytning o'zida ham shaxsning shakllanishi va qayta o'zgarishiga ko'maklashishi, ham uning aqliy, hissiy va jismoniy rivojlanish, shakllanish jarayonini boshqarishi kerak. [5:9].

Insoning nutqiy faoliyati uch shaklda namoyon bo'ladi. Ular: so'zlash, mutolaa va eshitish. So'zlash - so'zlovchining ma'lumot, maslahat berishi, buyurishi, o'ziga noma'lum narsalar haqida so'rashi anglashiladi. So'zlaganda so'zlovchinning ilmi, madaniyati, axloqi, odobi yuzaga chiqadi. So'zlash monologik va dialogik ko'rinishda bo'lishi mumkin. Monologik nutqda bir kishining mulohazalari qarshi savollarsiz yoki javoblarsiz yuzaga chiqadi, suhbatdosh tomonidan bo'linmaydi. Dialogik nutqda muloqot qiluvchi shaxslar navbat bilan goh tinglovchi, goh so'zlovchi bo'lib turadi.

Mutolaa o'quvchining yozma nutq orqali asar muallifi, obrazlari bilan muloqotidir. Mutolaa tufayli o'quvchi yozma nutqda aks etgan voqea-hodisalardan xabardor bo'ladi, ular ta'sirida xulqida qandaydir o'zgarish paydo bo'ladi. Mutolaa ma'lumot olishning eng muhim yo'lidir. Kishi o'qish orqali ma'naviy yetuklikka erisha boradi. Mutolaa oddiy o'qish va ilmiy o'qish (muhim narsalarning tagiga chizib o'qish, parchalar ko'chirib olish, qisqa konspekt olish, asar ustunda mulohaza qilib o'qish) dan iborat.

Oddiy o'qiganda o'quvchi uchun yozma nutq mazmuni bilan tanishuvning o'zi maqsad qilib qo'yiladi.

Ilmiy o'qishda o'quvchi asarni tahlil qilishni, undan boshqa biror maqsad uchun foydalanishni, uning mazmunini qayta bayon qilish kabilarni maqsad qilib qo'yadi. Eshitish - boshqalarni tinglash, ularning fikrlariga munosabat bildirish sanaladi. Zamonaviy psixologiya yaxshi tinglovchi (eshituvchi) bo'lish muloqot jarayonining muvaffaqiyatini ta'minlovchi asosiy omil sanaladi. Sharq mutafakkirlari o'z asarlarida til va nutqning ahamiyatini yoritishga alohida e'tibor qaratgan. Ayni o'rinda ularning qarashlaridan namunalar keltiriladi: Kayqovus (1082-1083-yillar; «Qobusnoma» asar): ... Yaxshi so'zlashga o'rgan va muloyim so'zlashdan boshqa narsani odat qilma, negaki qanday so'zni gapirishni istasang, til shuni gapiradi. So'zni o'z joyida so'zla, joyida aytilmagan so'z, agar u yaxshi so'z bo'lsa ham yomon ko'rinadi.

Xalq oldida gapirganda so'zing go'zal bo'lsin, bu so'zni xalq qabul qilsin. Xaloyiq sening so'z bilan baland darajaga erishganingni bilsin, chunki kishining martabasini so'z orqali biladilar, ... kar kishining ahvoli o'z so'zi ostida yashiringan bo'ladi [6:48].

Sahna nutqi fanini chuqur o'rganishda va aniq maqsadga erishish uchun mutafakkirlarining qarashlaridan ko'proq foydalanish yaxshi natija beradi. Chunki, bizning olim-u ziyoparvar mutafakkirlarimizning asarlari ma'naviy yetuk bo'lishi bilan birga yetuk adabiy salohiyatga ham egadir. Albatta, hamma pedagogikaning asosi xalq pedagogikasi negizida tashkil qilinadi. Sahna nutqini mukammal o'rganish talabaga emas, ko'piroq pedagoga bog'liqdir. Chunki, talaba meva bo'lsa, daraxt pedagog hisoblanadi. Sahna nutqi fanini o'qitishda pedagogik yondashuv har tamonlama mukamallikka erishishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. A. Rasulova. Sahna nutqi. Toshkent. Musiqa nashriyoti. 2009. 207 bet.
2. M. Abdullayeva. Sahna mahorati maktabi. Toshkent. Chashma print 2011 158-bet.
3. Y. Alimjonova., A. To'laganova. Sahna nutqi. Toshkent. 2005. "Fan" nashriyoti. 114-bet
4. Umumiy pedagogika (1-qism). Abdullayeva B.S., Xoliqov A.A., Sodiqov H.M., Primov Sh.Q., Zarmasov Sh.R. Toshkent 2019. 496 bet.
5. B. Ma'murov. Umumiy pedagogika. Darslik. Toshkent 2020. 156-bet
6. Erkaboeva N. Pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. - Qo'qon: Qo'qon DPI nashriyoti, 2020. - 143 bet.

OMMAVIY BAYRAMLARNI TASHKIL ETISHDA SSENARIYNAVISLIKNING O'RNI

Gulshira Saparbayeva

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti Nukus filiali

Asilbek Qolqanatov

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

Annotatsiya: Mazkur maqolada ommaviy bayramlarni tashkil etishda ssenariynavislikning tarbiyaviy ahamiyati haqida fikr yuritilgan. Ommaviy bayramlarning ssenariysining mas'uliyati va murakkab talablari yuzasidan ilmiy o'rganishlar olib borilgan

Kalit so'zlar: ommaviy bayramlar, ssenariy, bayram, san'at, tomosha, dramaturgiya.

THE ROLE OF SCRIPT WRITING IN THE ORGANIZATION OF PUBLIC HOLIDAYS

Gulshira Saparbaeva

Nukus branch of Uzbekistan State Institute Arts and Culture

Asilbek Qolqanatov

Uzbekistan State Institute Arts and Culture

Abstract: This article discusses the educational value of screenwriting in the organization of public holidays. Scientific research has been conducted on the responsibilities and complex requirements of public holiday scenarios.

Keywords: public holidays, script, holiday, art, spectacle, drama.

So'nggi uch-to'rt yil ichida Yangi O'zbekistonda ommaviy bayram-tomoshalar, sayillarni o'tkazish ishlari mukammal darajada olib borilmoqda. Ommaviy bayramlarni o'tkazish uchun yangi maydon va joylarning bunyod etilishi bayram tashkilotchilari zimmasiga yangicha mas'uliyat yuklab, yangicha usul, metod va dasturlardan foydalanishni talab etadi. Dramaturg, ssenariy mualliflaridan bo'lsa zamon talabi va dunyoqarachidan kelib chiqqan holda, o'zgacha yondashishni ilgari suradi. Chunki, ommaviy bayramlar umuman olganda jamiyatning tarraqiy mezoni sifatida qabul qilinib, uning rivojlanganlik darajasini ko'rsatishi mumkin. Shunday ekan, g'oyatda mas'uliyatli jarayonda ssenariyning ahamiyati va mohiyati juda yuqori hisoblanadi.

Ommaviy bayramlar ssenariysi sintetik asardir. Ommaviy bayram tomoshalarda qahramonlarning masshtabi juda ham kengdir. Har bir ssenariyning badiiy darajasi, umumiy dramaturgiyada bo'lganligi haqida epizodlarning tugallanmaganligi, kartinaning obrazli yakunlanganligi, tamoshobinga ta'sir etuvchi emotsional kuchlarning boshidan oxirigacha rivoji, dramaturgiya talablariga javob bera olishi bilan belgilana oladi. Shunday bo'lishiga qaramay, ommaviy bayram va tamoshalar ssenariysi, teatr uchun yozilgan pyesadan, badiiy filmga yozilgan ssenariydan farq qiladi. Undagi publitsistik vazifalar ahamiyatli, ijtimoiy hodisalar qahramonlarining shaxsiy qarama-qarshiliklari orqali emas, balki ijtimoiy ziddiyatlar epik printsip bo'yicha, yaxlit namoyish etiladi [1: 84].

Ommaviy bayramlar ayniqsa davlat tadbirlarida ko'pchilik tomoshabinlarning bo'lishini e'tiborga olib ssenarist ko'proq mukamallikka intilishi zarur. Ommaviy bayramlar qisqa vaqt mobaynida davom etadigan jarayon emas. Tomoshabinning diqqatini jalb qilish va uning zerikib qolmasligi bir tomondan rejissyorga bog'liq bo'lsa ikkinchi tarafdin ssenaristning mahorati katta ahamiyat kasb etadi.

Ssenariy muallifi tomonidan ommaviy tomoshalarning janrini aniqlash juda ham muhimdir. Hozirgi kunda ommaviy tomoshalar amaliyotida tasdiqlangan bir qancha janrlari mavjud. Ular quyidagilar:

- Ommaviy teatrlashtirilgan tomosha;
- Ommaviy teatrlashtirilgan konsert;
- Adabiy-badiiy musiqali kompozitsiyalar;
- Memorial-marosim tomoshalari;
- Ommaviy sport tomoshalari;
- Suvda, muzda o'tkaziladigan tomoshalar;
- Karnavallar;
- Xalq tomoshalari.

Teatrlashtirilgan ommaviy tadbirlar zamonaviy ommaviy bayramlarning o'ziga xos janri bo'lib, o'z o'rnida ijodiy jarayondir. Teatrlashtirilgan ommaviy tadbirlar asosan ikki qismdan iborat bo'ladi:

1. Dramaturgiya (ssenariy) asarini yaratish;
2. Yaratilgan asarlarni sahnalashtirish (asar rejissurani amalga oshirish).

Teatrlashtirilgan ommaviy tadbirlar dramaturgiyasi va rejissurasi bir butun jarayondir. Ma'lumki, har bir ishni boshlashdan oldin ishni bajarilishi yuzasidan maxsus reja tuziladi. Teatrlashtirilgan ommaviy tadbirlarni tayyorlashda ham eng avvalo uni rejalashtiradi. Demakki, ommaviy bayramlarning rejasi uning sifati va natijasini belgilovchi hodisa. Rejalashtirish bo'lsa uning poydevori hisoblanadi. Shunday ekan, bu ishlarni amalga oshirishda ssenaristlarni tanlash va ular bilan ishlashish ishning samarali chiqishini ta'minlaydi.

Tadbirni o'tkazish uchun tashkiliy guruh tuzilib, unga rahbar tayinlanadi. Rahbar tadbirning yuqori saviyasida o'tishi uchun shu soha mutaxassislari: mahaliy dramaturglarni, rejissyorlarni, baletmester hamda madaniyat va sa'nat muassasasi ijodiy xodimlarni jalb etadi. Maxsus bir tadbir uchun eng avvalo mas'ul shaxslarning - ssenariy muallifi va rejissyor kelishgan holda, umumiy reja asosida har bir kishiga taalluqli ishlarning rejalarini, kundalik ish faoliyatini aniqlaydi. Tashkiliy guruh o'z o'rnida bo'lg'usi teatrlashtirilgan ommaviy tadbirning g'oyasi, maqsadi, ijtimoiy holatidan kelib chiqqan holda uning dramaturgiyasi (ssenariysi)ni yaratadi [2:23, 24].

Ssenariy yozish ijodiy jarayon. U qisqa yoki uzoq muddat davom etishi bilan emas, uning tomoshabinlarda qandayda ijobiy ta'sir qoldirishi bilan izohlanadi. Bu yo'nalishda san'at va madaniyatshunos olimlarimiz ilmiy izlanishlar olib borgan va bu haligacha davom etmoqda. O'zbekistonda ssenariynavislikning rivojlanishiga hissa qo'shgan ulug' yozuvchilarimizning ishlarini ilmiy o'rganish, tadqiqotlar olib borish dolzarb masalalardan biridir.

Bayramshunos olim, professor U.X.Qoraboyev bu xususida "Badiiy ommaviy tadbirlar" kitobida shunday yozadi: "Ssenariy yozish bilan kim shug'ullanmasin, u quyidagi talablarga javob bermog'i lozim:

a) Ijtimoiy-siyosiy, madaniy hayotni, mahalliy aholi mehnati va turmushini chuqur tushuna oladigan hamda uni to'g'ri tahlil qila oladigan shaxs bo'lmog'i;

b) Adabiyot va dramaturgiya sohasida bilimga ega bo'lgan, ulardan samarali foydalana oladigan kishi bo'lishi;

c) Hayotiy materiallarni, hujjatli dalillarni yig'a oladigan, ularni adabiy-badiiy shaklda bayon qila oladigan ijodkor bo'lmog'i lozim".

Ko'rinib turibdiki, senariy muallifi rejissyor bilan ijodiy hamkorlikda hayotiy va mahalliy materiallardan foydalanib, badiiyat qonuniyatlari asosida, o'z g'oyasiga, mazmuniga ega bo'lgan yangi asarni yarata oladigan ijodkor bo'lmog'i lozim. Muallif puxta ssenariy yaratish va uni tashkiliy guruhga o'z vaqtida topshirish uchun ish jarayonini rejalashtirish lozim.

Ommaviy bayramlarni o'tkazuvchi va tashkil etuvchi rejissyorlar doimo yaxshi ssenaristlar izlaydi. Sababi, yaxshi yozilgan ssenariy ommaviy bayramning yutug'idir. Ommaviy bayramlarda ko'plab tashkilotchilarning safarbar etilishi sir emas. Ommaviy tadbirning boshqa konsert va tadbirlarga qaraganda mas'uliyat toshi og'ir hisoblanadi.

Ommaviy tadbir - bu estrada konsertidagidek, tayyor nomerlarining ijorasi yoki asosiy farqini oshiruvchi rasm, surat emas. Balki, bu turli janrdagi nomerlar hujjatli ma'lumotlar, kino va diaproyeksiyalar, maxsus yoritilgan materiallarni o'zaro qo'shiluvdir. Oqibatda, o'ta sifatli va yangi umumlashtirilgan, murakkab birlik tashkil etkan harakatlardan iborat janr tug'iladi, qolaversa, epizoddagi nomerlar montaji tadbirdagi epizodlar montajini, ochiqrog'i, "kollaj" tushunchasi amalga

oshiriladi. Chunki, bu joyda bir xil ma'lumotlar yuzaki birlashtirilmaydi. Balki, turli janr elementlaridan yangi, mustaqil san'at asari yaratiladi yoki S.M.Eyzeyshteyn iborasi bilan aytganda, "eng qiziq tomoshalar montaji" vujudga keladi. Bu yerda S.M.Eyzeyshteyn attraksion yoki eng qiziq hayratomus o'yin, tomoshalar deganida, "teatrning eng agressiv holatini tomoshabinda his qo'zg'atuvchi yoki ruhiy ta'sir o'tkazishta, "teatr" qismlari, tomoshabinga nisbatan hayajonli hujumga o'tayotgan jarayonini "ko'z oldida tutadi" [3:39].

Albatta, tomoshabinning e'tirofi va fikri bayramning asl bahosi. Shunday ekan, ommaviy bayramlarning yuqori saviyasi faqatgina ta'sir ko'rsatish bilan belgilanmaydi. Uning tarbiyaviy jihati ommaviy bayram ssenariysiga bog'liq bo'ladi.

San'atning tarbiyaviy kuchi unda ifoda etilgan kechinma va obrazlarning har bir o'quvchi yoki tomoshabinning qalbiga kirib borishi, ularda zavqiy hissiyotlarini uyg'otishdadir. San'at turli ko'rinishlari bilan o'ziga xos badiiy estetik qadriyatlarini to'plash, saqlash va boshqalarga uzatish xususiyatlariga ega bo'lgan estetik tizimni tashkil etadi. San'at tasviriy san'at, me'morlik, rassomlik, haykaltaroshlik, musiqa, teatr, kino, sirk, badiiy adabiyot xoreografiya va boshqalarni o'z ichiga oladi. San'atning turlari o'z predmeti, tasvir vositalari va ifoda imkoniyatlari jihatidan bir-biridan farq qiladi. Masalan, adabiyotta asosiy ifoda vositasi bo'lib til xizmat qilsa, tasviriy san'atda esa bo'yoqlar orqali konkret hissiy obraz gavdalaniriladi. Teatrda esa pyesa qahramonlarining siymosi aktyorlarda o'z aksini topadi [4:20].

Ommaviy bayramlarda ssenariynavislikning imkoniyatlaridan to'laqonli foydalanishni bilish zaruriyati seziladi. Ssenarist o'z oldiga qo'ygan marrasiga erishishida asosiysi janr va bayram mohiyatining tarixi va ijtimoiy ahamiyatini yaxshi bilsa bo'ldi. Qarabsizki, tomoshabinni o'ziga jalb qilguvchi elementlar o'z-o'zidan yuzaga chiqaveradi. Ommaviy bayramlar ssenariysi o'z murakkabligiga ega.

Har qanday bayram va tomoshani tashkil etish uchun, avvalo, uning dramatik asosi - ssenariy yoziladi. Ssenariy bu tadbirni amalga oshirishdagi ilk qadamdir. "Ssenariy" so'zi, U. Qoraboyevning "Badiiy-ommaviy tadbirlar" kitobida, "Ssenariy italyanacha so'zdan olingan bo'lib, asarning plani, sxemasidir", deb ta'riflangan. Lug'atlarda ssenariy:

1) Kinosenariy;

2) Teatrda - qo'yiladigan dramatik asarning rejasi, syujet chizig'i; operada - dramatik harakatning tasviri; baletda - syujetning barcha raqs va mimikalarini o'z ichiga olgan mukammal bayoni;

3) Pyesada ishtirok etuvchilarning sahnaga chiqish payti va tartibi ko'rsatilgan yo'l-yo'riqdir deb izoh berilgan. Ommaviy bayram va tomoshalarda ssenariy o'tkaziladigan bayram yoki tomoshalarning to'liq yozma bayonoti, deb ta'riflash maqsadga muvofiqdir. Ssenariy yozilishida quyidagi vazifalar amalga oshiriladi:

- Bayram yoki tomosha o'tkaziladigan joy o'rganiladi;

• Mahalliy sharoitdan, mavzu tadbir g'oyasidan kelib chiqqan holda manbalar izlanadi;

- Hujjatli materiallar badiiylashiriladi;
- Sahnaviy usullardan foydalanish yo'llari izlanadi;
- Ta'sirchan vositalar tanlanadi.

Rejissor B.Sayfullayev senariy haqida gapirib uni 3 xil toifaga ajratadi, ya'ni:

1. Oddiy senariyda mavjud materiallarni ketma-ketligi belgilanib, boshqaruvchi boshlovchi sifatida ishtirok etadi.

2. Yig'ma ssenariy, ya'ni turli xil ssenariylardan ishlatilgan materiallardan foydalangan holda yoziladi.

3. Original ssenariy, bunda tomoshabin ko'z oldida o'zi kutmagan turli burulishlarga, to'qnashuvlarga, hissiyotlarga duch keladi va natijada u zerikmaydi tadbirdan estetik zavq oladi, - deb tushuntiradi [5: 7, 16].

Ommaviy bayram va tomoshalar dramaturgiyasining asosi ssenariy mukammalligini talab qiladi. Ssenariy adabiy me'yorlarga bo'ysinadi. Ommaviy bayram ssenariysining mazmunini adabiy tasvirlash bo'lib bunda jiddiy ketma-ketlik asosida harakat elementlari murakkab xarakterga ega bo'lishi kerak. Uning asosiy g'oyasi bir bo'limdan ikkinchisiga o'tish davomida uzulishlarga uchramasligi shart.

Ommaviy bayram va tomoshalar qahramonlarning masshtabi juda ham kengdir. "Har bir ssenariyning badiiy darajasi, umumiy dramaturgiyada bo'lganidek, epizodlarning dramaturgik tugallanganligi, kartinaning obrazlik yakullanganligi, tomoshabinga ta'sir etuvchi emotsional kuchlarning boshidan oxirigacha rivoji, dramaturgiya talablariga javob bera olishi bilan belgilanadi.

Shunday bo'lishiga qaramay, ommaviy bayram va tomoshalar ssenariysi, teatr uchun yozilgan pyessadan, badiiy filmga yozilgan ssenariydan farq qiladi. Undagi publitsistik vazifalar ahamiyatli, ijtimoiy hodisalar aniq qahramonlarning shaxsiy qarama-qarshiliklari orqali emas, balki ijtimoiy ziddiyatlarni epik prinsipi bo'yicha yaxlit namoyish etiladi". Ommaviy bayram va tomoshalar ssenariysi tomoshabinga emotsional ta'sir qilish borasida keng imkoniyatlarga ega. Bunday ssenariy muallifi, tomoshabinlarga berilgan tarixiy faktlarga bo'lgan munosabatiga suyanishi mumkin [6: 132, 133].

Keyingi paytlarda mutaxassislar ommaviy bayramlarning yuqori saviyada o'tishini texnik vositalarga bog'liq degan fikrlarni ilgari suradi. Bu ham to'g'ri texnik vositalar ommaviy bayramlarning yanada mukammal va sifatli, bezakli, fayzli o'tishini ta'minlaydi. Lekin tomoshabinlarga faqat estetik emas, ma'naviy ozuqa berish ssenariynavislikning bosh maqsadi hisoblanishini unutmazlik zarur.

Madaniyat muassasalaridagi ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar turli yoshdagi aholining ma'naviy-axloqiy, milliy-ma'naviy ruhda tarbiyalashga qaratilgan madaniy tadbirlar - eng avvalo millat g'oya asosida xalqni birlashtirish, jipslashtirish, yosh

avlod ongi va qalbida ezgu g'oyalarga sadoqat tuyg'ularini tarbiyalashga shuningdek, kishilarni ma'naviy tajovuzlardan ogohlikka chorlash, ularning mohiyatini anglab yetishga qaratilgan tizimli shakllar, usullar, vositalar va maqsadli amalli harakatlar majmuidir. Yuqorida aytib o'tganimizdek, biron-bir asarni asar mazmuni mohiyatidan uning janri aniqlangandek madaniy tadbirlar ham tashkil etilayotgan tadbirning mohiyatidan, ichki mazmunidan kelib chiqqan holda turli shakllarga ega bo'ladi. Yoshlarga ko'p bilim, tarbiya, ma'naviy ozuqa berishga qaratilgan turini ma'naviy-ma'rifiy tadbir deb atasak, to'g'ri bo'ladi [7: 13].

Xulosa o'rnida shuni alohida ta'kidlash kerakki, ommaviy bayramlar vaqt o'tishi va texnikaning rivojlanishi bilan sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarilib, rivojlanib boradi. Eng asosiysi ssenariy yozilish davri, ijtimoiy muhiti, tarbiyaviy ahamiyati bilan tomoshabinlarda o'zgacha ta'sir qoldirishi lozim. Asosiysi, ssenariy muallifi tomosha san'atini yaxshi tushunishi va ssenariynavislik talablariga javob berishi, tomoshabinni bayram e'tirofida o'z aksini ya'ni ijobiy ta'sirini qoldirishi juda katta ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Haydarov A. Ijodiy ishlab chiqarish faoliyatini rejalashtirish. Tashkil etish va boshqarish. A. Haydarov. Ijodiy ishlab chiqarish faoliyatini rejalashtirish, tashkil etish va boshqarish fanidan o'quv qo'llanma. -T.: 2016. - 208 b.
2. J. Mamatqosimov. Ommaviy bayramlar rejissurasida sahna madaniyati. T., «Fan va texnologiya», 2009, 208 bet (23-bet).
3. Dushamov Jumanazar. Ommaviy tadbirlar rejissurasi. Mas'ul muharrir: T. Islomov. - T.: F. G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti., 2002.- 144 b. (39-bet).
4. Haydarov. A Madaniyat va san'at sohasini boshqarish asoslari [Matn]: o'quv qo'llanma. A. Haydarov. - T.:«Kamalak» nashriyoti, 2019. 192 b. 20-bet.
5. Rustamov V. Zamonaviy bayramlar rejissurasi muammolari: o'quv qo'llanma/ V. Rustamov; O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. - Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2013, - 192 b.
6. F. E. Ahmedov. Ommaviy tadbir va bayramlar rejissurasi va aktyorlik mahorati. Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent - 2007. 303-b.
7. B. S. Sayfullayev, V. K. Rustamov. Madaniy tadbirlarni tashkil etish mahorati.-T.:«Fan va texnologiya», 2016, 180 bet.

ҚОРАҚАЛПОҚ КИНЕМАТОГРАФИЯСИДА ОВОЗ РЕЖИССЁРЛИГИ МУАММОЛАРИ

Манас Бекполатович Абдреймов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Аннотация: Ушбу мақолада қорақалпоқ кинематографиясида овоз режиссёрлигининг ўрни ва ҳозирги кунда мавжуд муаммолари ҳақида фикр юритилган. Овоз режиссёрлиги соҳасига оид айрим камчиликлар юзасидан фикр билдирилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: овоз, режиссура, кинематография, санъат, кино, муаммо, студия, жараён, муаммо.

PROBLEMS OF DIRECTING VOICE IN KARAKALPAK CINEMATOGRAPHY

Manas Bekpolatovich Abdreymov

Nukus branch of Uzbekistan State Institute Arts and Culture

Abstract: This article discusses the role of sound directing in Karakalpak cinema and the current problems. Some shortcomings in the field of sound directing were discussed, and suggestions were made to address the existing problems.

Keywords: sound, directing, cinematography, art, cinema, problem, studio, process, problem.

Қайси бир соҳада бўлмасин мавжуд муаммо бўлса, ўз вақтида унга ечим изланади ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилади. Шу нуқтайи назардан олиб қаралганда санъат соҳасида ҳам айрим камчилик ва муаммолар учираб туради. Айниқса, қорақалпоқ кинематографиясида овоз режиссёрлиги муаммоларининг ҳар томонлама мукамал ва профессионал даражада ишланиши бирламчи талаблардан саналади. Чунки, кино соҳаси инсонларга манъавий таъсир кўрсатиш механизмига айланиб улгурган десак, муболаға айтган бўлмаймиз.

Зеро, кино санъатида сценарий, режиссура, актёрлар ижроси, оператор иши, монтаж, рассом иши, мусиқа, гримёрлар, либосчилар каби алоҳида компонентлар мазкур вазифани бажаришда муҳим саналса-да, фильм муваффақияти, том маънода, унинг овоз режиссёрлиги билан боғлиқ бўлади. Айни шу масаланинг ҳозирги қорақалпоқ кинематографияси намуналари

мисолида ўрганилиши, фильмларнинг бадий яхлитлигини таҳлилий асосда кўриб чиқиш орқали қорақалпоқ миллий картиналаридаги овоз режиссёрининг иши аҳамиятли эканлигини англаш имконини беради.

Маълумки, “кинонинг ўз тарихи мобайнида бошқа санъатлар билан ижодий муносабатда бўлиши унинг ривожланишида муҳим роль ўйнади”¹. Айни шу омил кино санъатига “синтезлик” мақомини берди. Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда “кино олтига қадимий ажойиб санъатнинг самарали мевасидир”². Ҳозирда бу хусусият янада кенгайди. Замонавий технологиялар тараққиёти, жанрлар такомиллашуви билан янгиланиб бораётган уйғунлашув кўламига қарамай, фильмлар бадий яхлитлигини таъминлашда рассом, оператор, композитор, актёр, режиссёр, овоз режиссёри ҳамда сценарист каби ижодий гуруҳ фаолияти бирламчи омил бўлиб хизмат қилади. Фильм муваффақияти ва мукамаллигида улардан ҳар бирининг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, киносценарист, режиссёр ва овоз режиссёрининг ижодий ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Чунки, бўлажак фильм тақдирида “режиссёр ва муаллиф бирлиги, маслакдошлиги катта роль ўйнайди”³. Айниқса, фильмда мусиқа ва тасвирий санъат турларидан тўғри фойдалана олиши лозим. Романнавис ёзувчидек ўраб турган муҳит ва табиат манзарасини қаҳрамонларнинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, ички дунёсини, мақсад ва ниятини чуқур идрок қилиб, танлаган мавзуси ва ғоясига хизмат қилдирадиган бўлиши керак”⁴.

Қорақалпоқ халқининг маданияти илдизлари жуда теран ва бой тарихга эга. У турли халқларнинг маданий анъаналарининг қоришмаларини ҳам ўз ичига олади. Халқининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари асрлар давомида ривожланиб, сайқалланиб келдики, бошқа халқлар маданиятларидан ноёб хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Қорақалпоқ халқининг номоддий маданий мероси ҳақида гапирганимизда, кинодан ташқари, энг аввало, юксак тараққий этган фольклорини - халқ оғзаки ижоди ва халқ мусиқасини эсга олиш лозим. Буларни барчасидан овоз режиссёри ўринли тарзда фильмларда миллийлик касб этиши учун сайқал бериб фойдаланади. Достонлар, бахшилар томонидан ўзига хос услубда куйланиб келинаётган, кўшиқлар, термалар, эртақлар ва турли маросимларга хос йигит-қизларнинг айтишувлари ҳужжатли фильм, фильмлар бадийлигига хизмат қилади. Халқ мусикалари ҳам оҳанглари бетакрорлиги, кўнгилга яқинлиги билан диққатга сазовордир.

¹Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. - Б.3.

²Болтабоев Х. Фитрат ва санъат назарияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1998.

³Мухамедов М. Режиссура асослари. – Т.: ЎзДСМИ, 2008. - Б.7.

⁴Мухамедалиев Х. Сценарийнавислик маҳорати. – Т.: Мусиқа, 2009. - Б.11.

Ҳозирги замон овоз режиссёрлари съёмкалар, овоз ёзувлари, эфир узатуви, монтажлар, турли хил кўрсатувларнинг овозлаштирилишига жавоб беради. Овоз режиссёрлигининг шаклланганлиги узоқ тарихга бориб тақалмаса ҳам унинг ривожланиш интеграцияси қисқа муддат ишида жадал тараққий этди.

Овоз режиссёрлиги касби айниқса 70-йилларда - рақамли техника ишлаб чиқарилганда, стереофония, кўпканалли ускуналар, синтезаторлар, компьютер дастурлари ривожлангани сари камол топди. Овоз режиссёри яхши эшитиш қобилияти, чуқур эрудиция, юқори мусиқий маданият, мусиқий ва бадиий шаклни ҳис қилиш, адабий, мусиқий асарларни таҳлил қила билиш, ижрочи билан тўғри ишлай билиши керак.

Овоз режиссёрлиги йўналишлари кенг ва улардан асосийлари қуйидаги йўналишлардир:

- Телевидение овоз режиссёри
- Радио овоз режиссёри
- Мусиқий студия овоз режиссёри
- Томоша-концерт овоз режиссёри
- Театр овоз режиссёри
- Кино овоз режиссёри⁵

Қорақалпоқ овоз режиссурасида бугунги кунда яққол кўзга ташланадиган муаммоларнинг бири бу - техника етишмаслиги ва соҳа вакилларининг ҳорижда тажриба орттириш масалаларидир. Овоз режиссураси ривожланиши учун соҳадаги техник жиҳозларга бўлган эҳтиёж кўрсаткишларини оширмасдан соҳада фаолият олиб бораётган давлат студияларини вақтида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаб туришимиз керак. Ёки хусусий студиялар фаолиятини янада қўллаб-қўвватлашимиз, мазкур соҳа бўйича бакалаврият таълим йўналишини тамомлаган талабаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда кенг имкониятлар яратиш, бериш тизимини шакллантириш долзар масалалардан бири ҳисобланади. Хусусий студияларда замонавий техникалар бўлгани билан студияда иш олиб борувчи мутахассисларнинг бошқа соҳа ёки соҳани мукамал тушунмаслик ҳолатлари дилни ҳира қилади албатта. Хусусий студияларнинг давлат кинематографиясига нима алоқаси бор деган савол тўғилиши табиий. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, хусусий студияларда яратиладиган ёки дубляж қилинадиган, овозлаштириладиган кинофилмлар ҳам халққа сифатли ва манъат этук бўлишини таъминлаш овоз режиссёрларининг вазифаларидан биридир.

⁵ Ўзбекистон давлат консерваторияси БОЧЭС факультети “Мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика” кафедраси ўқитувчиси Касымходжаева А.А нинг “Мусиқий овоз режиссёрлиги асослари” фанидан маърузалар матни.

Мазкур муаммоларни бартараф этишда мазкур соҳада таҳсил алаётган талабаларни креатив тадбиркорликка ўргатиш зарурлиги сезилади. Чунингдек, ҳусусий студиялар билан бирга давлат тасарруфидаги студиялар ўртасида узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали мавжуд муаммолар бироз ечим топиши, бу эса соҳа ривожига сабаб бўлади. Албатта, мавжуд муаммолар қарақолпоқ кинематографияси учунгина эмас, балким бочқа соҳалар учун ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Сабаби, кино - нафақат миллат ва элат танламайди, у соҳа ҳам танламайди. Чунки у кенг омма - инсоният учун яратилади. Уни халққа этказиб беришда эса овоз режиссёрларининг маъсулияти ва тажрибаси етуклик ва мукаммаликни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. - Б.3.
2. Болтабоев Х. Фитрат ва санъат назарияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1998.
3. Муҳамедов М. Режиссура асослари. - Т.: ЎзДСМИ, 2008. - Б.7.
4. Муҳамедалиев Ҳ. Сценарийнавислик маҳорати. - Т.: Мусиқа, 2009. - Б.11.
5. Ўзбекистон давлат консерваторияси БОЧЭС факультети “Муסיқий овоз режиссёрлиги ва информатика” кафедраси ўқитувчиси Касымходжаева А.А нинг “Муסיқий овоз режиссёрлиги асослари” фанидан маърузалар матни.

O'ZBEK XALQ BALERINASI

Muslima Mansurovna Aliyeva
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'zbek milliy balet san'atida o'z faoliyatini olib borgan ijodkor Bernora Qoriyeva yaratgan milliy obrazi, o'z davrida prima balerina milliy balet san'ati madaniyatimizni respublika va dunyoga targ'ib qilgani haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: madaniyat, ijod, milliylik, san'at, ijodkor, obraz.

UZBEK NATIONAL BALLERINA

Muslima Mansurovna Aliyeva
Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: In this article, the Uzbek national ballet has its own. The national image created by the artist Bernora Korieva, the prima ballerina of the national ballet of her time, promoted our culture to the republic and the world.

Keywords: culture, creativity, nationality, art, creator, image.

Balet (lot. ballo - raqsga tushaman) - asar mazmuni musiqiy xoreografik obrazlar vositasi bilan ifodalanadigan sahna san'ati turi. O'zida san'atning dramaturgiya, musiqa, xoreografiya, tasviriy san'at kabi turlarini uyg'unlashtiradi, bu san'at turlarining hammasi alohida-alohida mavjud bo'lmay, Baletning sintez markazi bo'lgan xoreografiyaga bo'ysunadi. Balet librettochi, kompozitor, baletmeyster va rassom hamkorligida yaratiladi. Baletning dramaturgik asosi libretto (ssenariy)dan boshlanib, unda asarning asosiy mazmuni, g'oya, ziddiyat va karakterlari aniq belgilanadi. Libretto ko'pincha adabiy asarga asoslanib, uni musiqa va xoreografiyada gavdalantirish imkoniyati hisobga olinadi. Ssenariy asosida esa kompozitor Balet musiqasini yaratadi. Uning izchilligi, sahna ko'rinishi, parda va nomerlarga bo'linishi ssenariyda ko'rsatiladi. Musiqa faqat ssenariyni ifodalabgina qolmay, balki musiqali obrazlarning mazmuni bilan uni boyitadi. Balet musiqasi xoreografiyani yaratish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Balet - musiqada yozilgan, xoreografiyada gavdalantirilgan drama.

80 - 90-yillar kompozitor va baletmeystrlarning milliy Balet yaratish borasidagi harakatlari kuchaydi. "Navro'z" (Ik.Akbarov), "Quyoshga ta'zim" (R.Abdullayev), "To'maris" (U.Musayev) kabi Baletlar milliy baletimiz mavqeini yanada ko'tardi. G.Izmaylova, B.Qoriyeva, V.Vasilyev, G.Hamroyeva, N.Yoqubova, R.Tanguriyev,

S.Tanguriyeva, Z.Davletmurodova, R.Karimova, F.Sa’dullayeva qabilar o‘zbek Baletini rivojlanishiga munosib hissa qo‘shdilar. 1997 y. Toshkent xoreografiya bilim yurti negizida Toshkent davlat milliy raqs va xoreografiya oliy maktabi hamda xoreografiya maktab-internati tashkil etilgan.

Alisher Navoiy nomidagi davlat akademik teatrning prima balerinasini, xalq artisti, ko‘plab Davlat mukofotlari laureati Bernora Qoriyeva klassik raqs formalarining go‘zalligini insoniy his tuyg‘ularining yuksak, haqqoniy va tabiiy tiliga ko‘chira olgan iste’dodli raqqosalar qatoriga kiradi. U tomoshabinni tashki yuksak maxorat bilan hayratga solishga urinmaydi, uning raqslari hamisha noodatiy, ma’noli bo‘lib, uning uchun raqs texnikasi yaratilayotgan obrazni ochib berish vositasi xolosdir. Bernora Qoriyeva tomonidan yaratilgan barcha obrazlar jahon va o‘zbek xoreografiya san’ati yutuqlari qatoridan joy olgan. U tomonidan 1950-yil 9-dekabr R.Gliyerning “Mis chavandoz” baletining Toshkent sahnasida ilk namoyishi bo‘ldi. Rostislav Zaxarov xoreografiyasini baletmeyster Igor Smirnov sahnalashtirdi. Ushbu balet 4 qism, 6 ko‘rinishdan iborat bo‘lib, asosiy rollardan Parasha obrazini Bernora Qoriyeva Galiya Izmaylovadan so‘ng yuqori darajada gavdalantirdi.

1967-yil 4-fevralda kompozitor Avram Xachaturyanning “Spartak” baleti tomoshabinlarga havola etildi. Baletmeyster Ibrohim Yusupov, libretto muallifi Volkov bo‘lib, balet 3 qism, 16 ko‘rinishdan iborat. Bosh rollarni Bernora Qoriyeva, Galiya Izmaylova, Vitaliy Vasilyev, Valentina Proskurina kabi mahoratli balet artistlari ijro etishdi. “Sevgi tumori” baletini yaratgani uchun kompozitor va dirijyor M.Ashrafiy O‘zbekiston Davlat mukofoti va Javoxarlal Neru Xalqaro mukofotiga, baletmeyster-sahnalashtiruvchi Galiya Izmailova, yetakchi yakkaxon raqqosalar Bernora Qoriyeva, Klara Yusupova va Vitaliy Vasilyevlar esa O‘zbekiston Davlat mukofotiga sazovor bo‘ldilar.

1971-yilning 1-dekabrda kompozitor A.F.Kozlovskiy musiqasiga “Tanovar” milliy baleti sahna yuzini ko‘rdi. Galina Kozlovskaya librettosiga 3 qismli balet o‘zbek xoreografiyasi darg‘alari va teatr balet artistlari Tamaraxonim va Mukarrama Turg‘unboyeva maslahati bilan N.S.Markaryans tomonidan sahnalashtirildi. 1973-yilda “Tanovar” baletining ijrochilari O‘zbekiston davlat mukofatlariga sazovar bo‘lishdi.

1971-yil o‘zbek milliy “Tanavor” baletining tug‘ilish kuni bo‘ldi. Balet libretto muallif tomonidan “Tanovar” deb nomlandi. Mazmun poema asosida, birinchi o‘zbek ijrochisining fojiali qismatiga bag‘ishlandi. Dramaturgiyasi baletga fojeali lirika sifatida namoyon bo‘ldi. Balet musiqasi sarosimali, goh quvnoq, goh fojeali yaratildi. Balet raqslari musiqa bilan hamohang, milliy, mumtoz o‘zbek raqsi yangi jilolar bilan namoyon bo‘ldi.

Ushbu baletda mumtoz raqs elementlari bilan milliy raqs elementlari chambarchas bog‘liq va bularning barchasi yuqori obrazlarning fondidir. “Tanavor”

baletining bosh qahramoni Nurxon va uning sevgilisi Aziz o'rtasidagi muhabbat. Komil Yashin uzoq yillar davomida drama teatrida "Nurxon" spektaklini namoyish etdi. "Tanovara" librettosi hech qanday adabiy ko'maksiz yaratilgan mutlaqo mustaqil asar. O'ttizinchi yillarning boshlarida yashagan o'n etti yoshli qiz Nurxonning hayoti bilan bog'liq ba'zi holatlarga asoslandi. Ushbu qisqa hayotning haqiqiy hikoyasi fojiali va Shekspir xronikalariga mos keladigan ko'plab dramatik voqealar bilan to'ldirilgan. Uning singlisi Begim Xon uzoq vaqt davomida oilaviy voqeani aytib berdi, uning tafsilotlaridan qon muzlab qoldi. Ikkala opa-singil Xo'ja urug'idan bo'lgan juda boy boyning qizlari edi. Ko'rinib turibdiki, u aqlan g'ayritabiiy edi, chunki uning butun hayoti doimiy zo'ravonlik zanjiri.

U butun mahallani qo'rquvda ushlab turdi, o'ldirdi, o't qo'ydi va bitmas-tuganmas sadizm bilan yomon ko'rgan har bir kishiga muomala qildi. Ana shunday vahshiyliklardan biri qizning oldida sodir bo'lgan Nurxonning onasini o'ldirish edi. Barcha dramatik burilishlardan so'ng, Begim Xon taniqli o'zbek doirachisi Usta Olimning rafiqasi bo'lib, uni o'z himoyasi ostiga oldi va uni otasining azobidan qutqardi. U Begim Xonni raqsga o'rgatdi. Usta Olim sayyoh raqqosalar va aktyorlar guruhini yaratuvchisi bo'lgan va ular bilan birga Farg'ona vodiysining shahar va qishloqlarida yurgan. O'lim Nurxon ustidan otasining g'azabidan osilganligini bilib, uni o'g'irlab, o'zlari bilan olib ketishdi. Nurxon raqqosaning tabiiy iste'dodini namoyon etdi. Usta Olim uning ustoziga aylandi va u sayyoh guruhining shahar va qishloqlarda chiqishlari paytida yakkaxon ijrochi sifatida chiqa boshladi. Bundan habar topgan ota uni o'ldirishga qasamyod qildi, lekin o'zi buni qilishdan qo'rqib, hamfikrlar huzurida voyaga etmagan o'g'lini "singlimni o'ldiraman" deb Qur'on bilan qasamyod qildiradi. Qarindoshlarining yordami bilan Nurxon uyga aldov bilan olib keladi. Ertalab, tong otishi bilan akasi uni bog'da o'ldirib, unga yigirmadan ortiq yeriga pichoq jarohati etkazadi. Uning jasadini daraxtga osib ko'yadi. Bu jinoyatni eshitgan Muhitdin qori Yoqubov boshqalarni o'z himoyasiga oladi.

Ushbu qotillik shahar va uning atrofida yashovchilarni hayratga soldi va qotil sud qilinayotganda, maydonda minglab olomon kambag'al qiz Nurxon o'ldirilgan otasi uchun o'lim jazosini aytishadi. Ammo otasi, ehtimol, puli bilan voyaga etmagan o'g'lini o'n yilga ozodlikdan mahrum qildiradi. U muddatini o'tab, tug'ilgan joyiga qaytgach, doimo jamoat g'azabiga, la'natiga duch keladi. U choyxonaga yoki boshqa joylarga kirganda hamma odamlar o'rnidan turib ketardilar.

O'zbek xalq balerinasini bo'lishni orzu qilgan qizning xotirasini ehtiyotkorlik bilan va mehr bilan qadrlaydi. Aynan shu qonli hayotiy voqeadan balet janrida asar yaratish kerak edi. Ushbu taqdirni jinoiy hayotdan chiqarib tashlash va uni badiiy asarning fojiasiga aylantirish zarur edi. Hayotni she'riyatga aylantiradigan san'at uchun mavjud bo'lgan o'lchovini topish kerak edi.

“Tanovar” baleti sahnalashtirilganda, etnografik kundalik hayot tarafdori bo‘lgan bitta o‘zbek rejissyorining Komil Yashinga aytgan gapi juda ta’sir qiladi. “Nurxon haqidagi voqeani hayotning qoni va iflosligidan tozalaganingiz uchun tashakkur! Siz buni eplay olmasligingizdan juda qo‘rqardim. Sizda haqiqiy balet bor. Juda qoyil! Yana bir bor rahmat”.

Balet musiqasi yozilganda, bu asarni romantik xoreografik she’r deb atash mumkinligi aniq bo‘ldi. Aleksey Fedorovich ushbu asarga o‘zining xalq kuylari, ritmlari, shakllari, she’riyatning barcha hissiyotlari haqidagi bilimlarining barcha to‘plangan boyligini, o‘zi bilgan va sevgan narsalarini sochib yubordi. Ushbu asarda u o‘zining barcha boyligini o‘zbek xalqiga meros qilib qoldirgandek tuyuldi. U bu asarni deyarli hayotiga zarar etkazgan og‘ir kasallikdan so‘ng yaratdi. Fyodor Lopuxovning shogirdi uning tavsiyasiga binoan xoreograf sifatida taklif qilingan.

Nurxonning fojeali o‘limi, uning jiddiy obrazini Bernora Qoriyeva juda ta’sirli yaratdi. Uning yengil harakatlari tomoshabin etini jungitib, yanchli ta’surotlar qoldirdi. Ushbu milliy obrazini gavdalantirgan ijrochi Xalq artisti unvoniga sazovor qildi. Taqdimot vaqtida kompozitor sahnaga taklif qilinganda Bernora Qoriyeva unga tiz cho‘kib ta’zim qildi.

Xulosa qilib aytganda, ijodiy jamoa o‘z oldiga qo‘ygan badiiy va g‘oyaviy vazifasini uddalay olgan. “Sevgi tumori” do‘stlik ramzi. N.Guseva, J.Neru mukofoti laureati. Alisher Navoiy nomidagi Davlat akademik teatr jamoasi Moskva safari vaqtida Bolshoy teatr sahnasida namoyish qilgan “Sevgi tumori” baleti poytaxt tomoshabinlariga juda manzur bo‘ldi. Yuksak talabli, ta’bi nozik moskvaliklarga badiiy zavq bera olgan bu asar muallifi O‘zbekiston xalq aktyori Muxtor Ashrafiyini katta ijodiy yutuqqa erishganligi arziguli holatdir. Milliy raqs bilan baletning bog‘lanish jihatlarini odatda, plastikalarining tashqi shakllaridagi mushtaraklikni uchratamiz. Chunonchi, o‘zbek, raqslaridagi qo‘l harakatlarining klassika bilan qo‘shilib ketganligiga duch kelamiz. Qizig‘i shuki, bizning “milliylik”ni adabiyot, arxitektura, musiqada ifoda etilgan milliy xarakter borasida uzundan-uzoq mulohaza yuritgan taqdirimizda ham, “qo‘llar bilan oyoqlar”ga kelib taqaladi.

O‘zbek milliy xoreografiyasining huddi ana shu estetik xususiyati, uning falsafasi jahonga zavq- shavqli klassik raqsning akademik, jiddiy shakllarida ifoda etilgan oliy ma’naviy ideallari va yuksak tuyg‘ularini baxsh etgan rus balet maktabi gumanistik falsafasining estetik konunlarini qabul etishda tabiiy zamin vazifasini o‘tadi. O‘zbek balerinasini Bernora Qoriyeva ijodi nechog‘li milliy bo‘lsa, shu qadar umumbashariy, nechog‘li an’anaviy esa, shu qadar zamonaviydir. U yorqin, beqiyos, o‘ziga xos san’atkor sifatida, Ulanova baletlari va Turg‘unboyeva raqslarining insonparvar, ma’naviy g‘oyalarini davom ettirmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. M.Tursunxodjayeva. “Bernara lucezarnaya”. Opa-singil suhbatı,yoxud Ayol ayol nazdida.
2. S.Sagatov, M.Muxamedova. “O‘zbekiston madaniyati va san’ati fidoyilari”, Toshkent 2019
3. Avdeyeva L. Balet Uzbekistana. T., “Adabiyot va san’at”. 1973
4. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Balet>.

ЎЗБЕК МУСИҚАСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ УСЛУБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Муслима Мансуровна Алиева
muslima-aliyeva@mail.ru

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбек халқ мусиқасининг маҳаллий услублари, мусиқий меросимизнинг анъанавий - касбий қатламига мансуб жанрлардан ашула, катта ашула, сувора куй, достон, мақом ва унинг турларини, воҳанинг ўзига хос чолғу созларини ўрганилиши билан боғлиқ бир қатор жиҳатлари асносида ўзбек халқ мусиқа ижодиёти юзасидан батафсил маълумотлар ҳақида фикр мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: Мусиқа, ашула, маҳаллий услуб, санъат ва маданият, қадрият, достон, мақом, халқ куйи.

LOCAL STYLES OF UZBEK MUSIC AND THEIR SIGNIFICANCE

Muslima Mansurovna Aliyeva
muslima-aliyeva@mail.ru

Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: In this article, local styles of Uzbek folk music, There are a number of aspects of our musical heritage related to the study of traditional, professional genres of singing, big songs, Suvora melodies, epics, maqoms and their types, specific musical instruments of the oasis.

Keywords: Music, singing, local style, art and culture, value, epic, status, folk song.

Ўзбек халқи ўзига хос ва ранг-баранг мусиқа меросига эга. Унинг қимматли намуналарини тўплаб сақлаш, нотага олиб хужжатлаштириш, узун тараққиёт йўлини ҳамда мураккаб илмий-назарий асосларини ўрганиш, шунингдек, уни амалий-ижодий ўзлаштириш борасида республикамизда шунга қадар самарали натижаларга эришилди. Буюк истиқлолнинг синовли давонларидан ўтишда, мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ислохотлар ўтказилаётган бир паллада жамиятимизда миллий маданият ва санъат, маънавият ва маҳрифат каби инсонпарвар ҳамда тараққиётпарвар омилларга алоҳида диққат эътибор берилмоқда. Бу ўринда амалий бебаҳо қадриятларимизни, халқчил удум ва анъаналаримизни тобора

тўлароқ тиклаш, тарихий - маданий ёдгорликларимизни шу жумладан мусиқий меросимизни муфассал ўргана бориш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўзланган эзгу мақсадларга эришиш учун республикамизнинг маданият ва санъат ўқув юртларида, шунингдек, халқ таълими тизимига кирувчи гуманитар йўналишдаги олий ва ўрта ўқув юртларида ўзбек мусиқа ижодиётининг барча қатламларини - росмана халқ мусиқаси, мақомчилик, дostonчилик, ўтмиш ва замонавий бастакорлик, композиторлик, бадий ҳаваскорлик, эстрада санъатини қамраб олувчи қатор махсус ўқув фанлар жорий этилди. Ўз навбатида, уларни мукамал дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таҳминлаш - ҳозирги кунда мутахассисларимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбек халқ мусиқасининг маҳаллий услублари, мусиқий меросимизнинг анъанавий - касбий қатламига мансуб жанрлардан ашула, катта ашула, сувора куй, дoston, мақом ва унинг турларини, воҳанинг ўзига хос чолғу созларини ўрганилиши билан боғлиқ бир қатор жиҳатлари борки, улар асносида ўзбек халқ мусиқа ижодиёти юзасидан батафсил маълумотлар келтирилади.

Адабиётшунослик, санъатшунослик соҳаларида хусусан, мавжуд мусиқий адабиётларда услуб сўзи ҳар хил ма'ноларда қўлланиб турилиши маълум. Булардан бир ҳолларда унинг кенг, умумлашма, бошқаларда эса хийла тор, ёки кўчма маъно ва мазмунлари қайд қилинади. Таъкидлаш лозимки, услуб атамаси ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан турлича идрок этилсада, айна пайтда у ўзаро яқин, муштарактушунчаларни англантиши мумкин. Демак, бу масалага аввало ойдинлик киритиш зарур.

Услуб сўзи ёрдамида аввало бир мунча кенг, аниқроғи - йиғма маънода жаҳон халқлари мусиқа санъатига хос умумий ёки муайян минтақавий хусусиятлар табиати ифодаланади. Бунга, жумладан, шарқона мусиқий услуб, «Европача мусиқа услуби» каби иборалар яққол мисол бўла олади. Бошқа барча бадий ижодиёт кўринишлари мисоли, мусиқада ҳам миллий ўзига хосликка айнан услуб атамаси ёрдамида қисқа ва лўнда тавсиф берилади.

Мусиқий асарларнинг ички тузилиш қонуниятлари бу масалада янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Яъни, асосий воситаларнинг ўзаро муносабатларини мезонлардан у ёки бу услуб аниқланади. Хусусан, «бир овозли» ёки «манодан», «кўп овозли», жумладан «гармоник», «полифоник», «гомфоник» номли услублар шулар тоифасига киради. Йирик ижодий йўналиш ва оқимлар. Масалан, «классицизм», «романтизм», «импересионизм», «реализм» ва бошқалар ҳам услуб тушунчаси билан бевосита боғлиқдир.

Услуб сўзи яна бастакор, композитор, дирижор, хонанда ва созандалар фаолиятини ижодий жиҳатдан чуқурроқ ёритиш мақсадида ишлатилади. Айниқса, у бирорта машҳур санъаткорнинг ижодий қиёфасини, унинг фарқли,

бетакрор чизги -кирраларини таҳлил ёки қиёс ила кўрсатишда баҳолиқудрат хизмат қилади. Шунингдек, «чолғу услуби», «мақом услуби», «ёввойи» ёки «патнисаки услуб», «бадиқа услуби», «замонавий услуб» сингари ранг - баранг ма'ноларни билдирувчи ҳолларни кундалик ўқув - назарий ва амалий истеҳмолда тез - тез учраб туриши мумкин.

Муסיқий фольклоршунослик соҳасида услубга даҳлдор яна бир тушунча бор бўлиб, у бирор халқ, миллат ва элатга мансуб ижодиёт кўламида жойлардаги туб аҳолининг ўзгача бетакрор ижодий хусусият, удум ва анъаналарга диққатимизни жалб қилади. Табиийки, «маҳаллий услублар»масаласини ўзбек халқ муסיқа ижодиёти мисолида, яъни унинг тарихий - назарий - амалий асосларига таянган ҳолда кўриб чиқиш ўқув фани олдига қўйилган мақсадларга мувофиқдир.

Ўзбек халқ муסיқасининг кўҳна, ниҳоятда бой ва сержило анъаналари аввало унинг турфа ярим - маҳаллий услубларида ёрқин ва теран ўз ифодасини топади. Дарҳақиқат, айрим ҳолларда муסיқий - маҳаллий услубнинг тилшуносликдаги «шева», «лахжа», тушунчалари билан қиёс қилиниши ҳам бежиз эмас. Бироқ, адабиётшуносликдан фарқли ўлароқ, жами мавжуд «муסיқий шева»ларнинг муштарак сифатлари ўз навбатда «умуммиллий муסיқий услуб» сингари йиғма тушунчани юзага келтиради.

Муסיқада услуб том маънода турли - туман, бир ҳисобда айрича тушунчалар дойрасини вужудга келтирсада, бунда деярли барча таркибий воситаларининг узвий боғлиқлигини, тизимийлигини назарда тутиш даркор. Худди шу боисдан ўзбек халқ муסיқа ижодиёти билан таниш, уни ўрганиш ҳамда амалий ўзлаштириш борасида услубнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоятда катта ҳисобланади.

Хусусан, эҳтироф этилганки, Ўзбекистон худудининг барча воҳаларида, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар орасида, шунингдек, айрим бошқа хорижий мамлакатларда азалдан туб ўзбек аҳолиси зич ҳолда яшаб келаётган ерларда «муסיқий шева»ларнинг кўринишлари ўзгача экан. Кузатилаётган бундай анча мураккаб этник, жуғрофий, сиёсий-ижтимоий, тарихий-маданий воқеялик тўлалигича қамраб олиш, унга мукамал таҳрифу-тавсифлар бериш қийин масала, албатта буларнинг орасида ҳозирга қадар кўлами жиҳатидан бир мунча кенглиги, тарихан қадимийлиги, хусусиятлари бўйича беназир, бетакрорлиги билан асосан тўртта маҳаллий услуб тавсиф ила алоҳида-алоҳида ажратилган бўлиб, ўзбек муסיқашунослигида нисбатан атрофлича ўрганилган. Уларнинг ҳар бир муайян худуд номи билан, яъни Тошкент - Фарғона, Бухоро - Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё - Қашқадарё маҳаллий услублари, - деб юритилади.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек халқ мусиқасининг тарихий ривожланишида мазкур маҳаллий услубларнинг келиб чиқиши жуда кўп нарсаларга боғлиқ бўлган. Шу жумладан, миллатимиз шаклланишининг тарихи узун жараёнида серуруғ ва кўп қабилали туркий тили қадимий қавмларнинг ўзаро бирикиб кетганлиги, халқ ҳаётининг узоқ - яқин ўтмишда рўй берган оламшумул аҳамиятга молик катта ижтимоий -сиёсий воқеяликлар ерли аҳолининг турмуш тарзи, қишлоқ ва шаҳар маданиятининг ўзаро ўзгариб турган мувозанатлари, деҳқончилик, чорвачилик, касб-ҳунармандчиликнинг ўрни, иқтисодий ҳамда ички - ташқи савдо - сотиқ ишларининг ривожланиши даражаси, бошқа миллат ва элатлар билан ўрнатилган иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий алоқалари, яқин кўни - қошничиликнинг ўзаро таъсири аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мухамедова. Г. Хонандалик услубияти асослари. Тошкент 2007.
2. Қосимов.Р. Анъанавий ижрочилик. Ўқув қўлланма.Тошкент Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси нашриёти 2007.
3. Соломонова.Т.Е. Ўзбек мусиқаси тарихи. Тошкент Ўқитувчи 1981.

AKTYORLIK MAHORATINI SHAKLLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Ajiniyaz Ayabergen o'g'li O'tepbergenov
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti Nukus filiali

Annotatsiya: Ushbu maqolada talabalar aktyorlik fanini o'rganishda muhim hisoblangan o'ziga xos xususiyatlar haqida haqida fikr yuritilgan. Aktyorlik mahoratini shakllantirish yuzasidan tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: aktyor, talaba, xususiyat, mahorat, san'at, tajriba, badiiy, mutaxassis, iqtidor, rol.

CHARACTERISTICS OF FORMATION OF ACTING SKILLS

Ajiniyaz Ayabergenovich Utepbergenov
Nukus branch of Uzbekistan State Institute Arts and Culture

Abstract: This article discusses the characteristics that students consider important in the study of acting. Recommendations for the formation of acting skills are given.

Keywords: actor, student, feature, skill, art, experience, art, specialist, talent, role.

Hozirgi kunda respublikamizda san'at va madaniyat sohasi uchun professional kadrlar tayyorlab berish, teatrlarni yosh mutaxassislar bilan ta'minlash yo'lida samarali ishlar amalga oshirildi.

Teatr atalmish o'ziga xos betakror san'atning ravnaq topishi va uning sahnasida rang-barang obrazlar yaratilishi hamda kelajakda bu sohani yanada rivojlanishi uchun yosh pedagog-mutaxassislarining, kadrlarning o'rni va ahamiyati katta hisoblanadi. Shuning uchun ham aktyorlik mahorati yo'nalishidagi mutaxassislarni professional darajada tarbiyalash juda zarur. Bunda biz yosh pedagoglarning mehnati va pedagogik mas'uliyati yuqori hisoblanadi. Ayrim fikrlarga qaraganda aktyorlik iqtidorini shakllantirish tug'ma talantga bog'liq deb ham qaraladi.

San'atning tanlangan sohasi asoslarini o'zlashtirmay turib uni egallashning iloji yo'qligini hamma yaxshi biladi. Ammo aktyorlik san'ati haqida so'z ketsa, shu zahoti turli fikrlar va qarashlar paydo bo'ladi. Qobiliyatli aktyorga hech qanday maktabning keragi yo'q, qobiliyatsiz aktyorga hech qanday maktab yordam berolmaydi. Bu fikrdan aktyorlik san'atiga o'qish shart emas, aktyor bo'lib tug'ilish kerak, degan

xulosa kelib chiqadi. Bo‘lajak aktyorda qobiliyat bo‘lishi kerakligi haqidagi fikrga nisbatan hech qanday e‘tiroz bo‘lishi mumkin emas.

Ammo iqtidorli musiqachilar, qo‘shiqchilar va balet raqqoslari tabiat bergan iqtidorlarini rivojlantirish, o‘z san’atlarining texnikasini egallash uchun yillab mehnat qilishlarini qanday baholash mumkin? Nega teatr aktyori uchun faqat tabiat bergan qobiliyatning o‘zi kifoya qilishi kerak? Haqiqiy san’at qobiliyat va mahoratning birlashuvidan paydo bo‘ladi. Mahorat esa yillar davomida to‘plangan tajriba va an’analar maktabi orqali shakllanadi.

Maktab o‘quvchining tabiat bergan xislatlariga ishlov beradi va uni rivojlantiradi, unga kerakli bilim va ko‘nikmani beradi, uni egiluvchan va har qanday ijodiy vazifani bajara oluvchi ta’sirchan shaklga olib keladi. Har qanday san’at turi qatori teatr san’ati maktabining muvaffaqiyati avvalo to‘g‘ri tanlov va ana shu tanlov asosida teatr san’ati maktabida bilim olayotgan qobiliyatli yoshlarning ma’naviy komilligiga bog‘liqdir. Chunki o‘zi komillikka intilmagan ijodkor o‘z ortidan butun bir tomoshabinlar avlodini ergashtira olmaydi¹.

Shuning uchun ham aktyorlik mahorati qancha yuqori bo‘lmasin, yosh mutaxassis albatta san’at yo‘nalishida tahsil olishi shartdir. Bizga ma’lum bo‘lgani kabi, har bir soha ilmiy negizda, amaliy ko‘nikma negizda o‘ziga xos tarzda shakllanadi. Ayniqsa, aktyorlik mahoratini shakllantirishning o‘ziga xos xususiyatlari mavjud.

Aktyor - talaba eng avvalo kuchli, talabchan, nazari o‘tkir, boladagi aktyorlik san’atiga moyillikni tekshirib, o‘ziga xoslik va o‘zgachalik jihatlarini anglab baho bera oluvchi donishmand ustozlar ko‘rigidan o‘tishi lozim. Aktyorlik san’atiga moyilligini tekshirishda quyidagilarga e‘tibor beriladi:

1. Talabaning ko‘rinishi, jozibasi, qaddi-qomati, bo‘y-basti, tabiatan sog‘lom va ko‘rkamligi;

2. Ovozi, nutqi, qo‘shiq, raqs, ritm, ohanglarni anglashi;

3. Aql-hushi, fahm-farosati, odob-axloqi, o‘zini tutishi va sahnani his etishi, hozirjavobligi, xotirasi.

4. Dunyoqarashi va fantaziya (tasavvur qilish qobiliyati), eng muhimi sahnaviy erkinlikka moyilligi nazarda tutiladi.

Har bir talaba alohida qobiliyat egasi, uning har biriga alohida yondashuv bilan o‘qitila boshlanadi. O‘quv jarayonida quyidagilar asosiy mezon hisoblanadi:

– xatti-harakat “agarda”, “berilgan shart-sharoit”

– tasavvur

– sahnaviy diqqat

– muskullarni bo‘shatish

¹ E. Yorbekov Sh. Muhammadiyev. Aktyorlik mahorati. Toshkent – 2018. 134-b

- mushaklarni bo‘shatish, anglash mashqi
- mashq treninglar va etyudlar ustida ishlash.
- bo‘laklar va vazifalar
- haqiqat tuyg‘usi va ishonch
- hissiyotlarni eslab qolish qobiliyati
- munosabat
- moslashma va boshqa elementlar artistning xususiyati, qobiliyati va iste’dodi
- psixik hayotni harakatlantiruvchilar
- psixik hayotni harakatlantiruvchilarning intilish yo‘li
- ichki sahnaviy ahvoli, ruhiyati, artistning sahnaviy ahvoli, ruhiyatidagi

beixtiyorlik.

Bu yo‘llar bilan talaba aktyorda kechinma san’ati sirlari jarayonidan olib o‘tiladi. Talaba aktyor o‘z ustida ishlash sirlarini quyidagi tartibda davom ettiradi².

Aktyorlik mahoratini shakllantirish uchun faqat amaliy emas, nazariy mashg‘ulotlarni ham o‘z vaqtida olib borishi zarur. Aktyor ertaga teatrga ishga tayyor mutaxassis bo‘lib boradi. Bunda u ijodiy ishlab chiqarish jarayonida ishtirok etadi. Ularni faqat kasbiy ko‘nikma emas, ma‘nan tayyor mutaxassis sifatida tarbiyalab borish, ta‘lim-tarbiya tizimining o‘ziga xos xususiyatlaridan hisoblanadi.

Bo‘lajak mutaxassislar ma‘naviy va jismonan baquvvat, har tomonlama bilimli, aktyorlik kasbining turli janrlarini yuksak professional darajada egallagan, zamonaviy sahna talablarining barcha elementlarini mahorat bilan boshqaradigan, tomoshabinlar ehtiyojini chuqur his eta oladigan, keng bilimga ega mohir san‘atkorlar bo‘lib yetishmoqlari zarur.

Aktyorlik mahorati elementlarining treningini o‘rganishning asosiy maqsadi yosh mutaxassisning sahnada o‘zini tuta olishi, o‘zining hissiy (ko‘rish, eshitish, fikrlay olish, taqqoslash, ajrata olish, turli predmetlardagi o‘xshashlikning u yoki bu tomonlarini: shakli, rangi, ta’siri va h.k.lar aniq xatti-harakatlarni ishlab chiqish kabi) bilimlarini shakllantirib, tarbiyalashdan iboratdir.

Hissiy bilimlarni egallash jarayoni uch fazadan iboratdir:

1. Mushaklarni tashqi taranglikdan, siqqlikdan ozod qilish (bo‘shatish);
2. Ijodiy diqqatni kerakli obyektga qaratish;
3. Sahnaviy harakatni jiddiy va ishonarli qilib bajarish qobiliyatida, ijodiy tasavvur va fantaziya orqali ishonch va haqiqatni yuzaga keltirish³.

Sahna - aktyorning ish joyi va rivojlanish maskani. Aktyor mazkur ish tajribasini mukammal darajada egallashi kerak. Talaba pedagog tomonidan berilgan har bir vazifani aniq bajara olish malakasini egallashi ham zarur. Ustozlar talabalar bilan

² R.Qodirov. Aktyorlik mahorati. O‘zDSMI. Toshkent – 2017. 154. 5-6-bet

³ Ф.Ахмедов., М.Юсупова «Эстрада актёри маҳорати». Дарслик. Тошкент 2017. ЎзДСМИ. 406. 16

spektakl ustida ishlash jarayonida har bir voqea va hodisaning kelib chiqish sabablarini tahlil qilishi va bu xatti-harakatlarni ifodalovchi aktyorlik mahoratining o‘ziga xos xususiyatlarini egallab olishi kerak.

Aktyor - bu doimiy harakatdir, uning har bir lahzasi zaruriy evrilishlar davomidir va ayni paytda uning xususiyatini ko‘rsatuvchi yangi psixologik holatga o‘tish yo‘lidir. Shuning uchun aktyorning har lahzasi harakatdan iborat. Boshni egish, qovoqni uyish yoki ochish, yuzda paydo bo‘lgan tabassum, hayratga ochilgan og‘iz, ko‘zoynakni ziyolinoma ushlab turgan panjalar yoki ikki yonga tushirib turilgan kaftlar, aktyorning muhim nazar solib turgan paytidagi norozilik yoki mehrini ifodalovchi ko‘zlar - bularning barchasi harakatda bo‘ladi, tinch holat ular uchun begona⁴.

Aktyor kasbi ideal kasb bo‘lishi uchun, avvalo, uning o‘ziga xos xususiyatlariga, kasbiy dolzarb jihatlariga erishgan bo‘lishingiz kerak. Ammo, bu talabning biroz mushkuloti mavjud, joiz bo‘lsa qarama-qarshi tomonlari ham bor. Masalan, haddan tashqari loyaqdlik va kasbga pedagogning qiziqтира olmasligi. Aktyorlik hissiy kasb deya e’tirof etilishi bejis emas. Chunki teatr sahnasida hayotning shiddatli sur‘atini uch yoki to‘rt yoki undan ortiq pardalar bilan yetkazib berish oson emas. Aktyorlik mahoratining yana bir o‘ziga xos xususiyati u kasbiy tajriba va ko‘nikmalarni talab qiladi, ularni o‘rganishni taqozo etadi.

Aktyor yorug‘likni sezadigan plastinkaga o‘xshab o‘z xulq-atvoridagi kichik o‘zgarishlarni ham yorita bilishi kerak. Yangi ta’sir qiluvchi, qo‘zg‘atuvchilardan foydalanmasdan, sahnada nima ro‘y berayotganligini ko‘rmasdan, bilmasdan, eshitmasdan, tabiiy intonatsiyalarni saqlab qolmasdan turib jonli obrazni yaratish mumkin emas⁵.

Ba’zi aktyorlar buyuk bo‘lib tug‘iladi, ba’zi aktyorlar buyuklikka erishadilar, ba’zi aktyorlarda esa buyuklik bor. Bu ularning aktyorlik kasbining o‘ziga xos xususiyatlarini qay tarzda egallashiga bog‘liqdir. Siz qaysi toifaga kirmasligingizdan qat’iy nazar, aktyorlik haqidagi kitoblarni o‘qishingiz, aktyorlik qobiliyatingizni rivojlantirishingiz zarur. Muhimi, aktyorlik kitoblari har qanday aktyor uchun muhim bo‘lgan aktyorlik texnikasi, auditoriya va o‘z-o‘zini boshqarish kabi ko‘plab ko‘nikmalarga yordam berishi mumkin. Mana, endi aktyorlik kasbining o‘ziga xos xususiyatini anglash, bilish va o‘rganish uchun aktyor kasbiy kitoblarni o‘qishi orqali kasbiy ko‘nikmasini oshira oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. E.Yorbekov, Sh.Muhammadiyev. Aktyorlik mahorati. Toshkent - 2018. 134-b

⁴ “Estrada aktyorligi san’ati” o‘quv qo‘llanmasi. M.R. Yusupovanning umumiy tahriri ostida Toshkent, O‘zDSMI 2015. 128-b. 4-bet

⁵ M.Abdullayeva. “Sahna mahorati maktabi” monografiya. Toshkent 2011. CHASHMA PRINT nashriyoti 158-b

2. R.Qodirov. Aktyorlik mahorati. O‘zDSMI. Toshkent - 2017. 154. 5-6-bet
3. Ф.Аҳмедов., М.Юсупова «Эстрада актёри маҳорати». Дарслик. Тошкент 2017. ЎзДСМИ. 40б. 16
4. “Estrada aktyorligi san’ati” o‘quv qo‘llanmasi. M.R. Yusupovaning umumiy tahriri ostida Toshkent, O‘zDSMI 2015. 128-b. 4-bet
5. M.Abdullayeva. “Sahna mahorati maktabi” monografiya. Toshkent 2011. CHASHMA PRINT nashriyoti 158-b.

TEATR SAN'ATINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

U.Boltaboeva

Y.Xalilov

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining
Farg'ona mintaqaviy filiali

Annotasiya: Ushbu maqolada teatr san'atining o'ziga xos xususiyatlari va muhim vazifalari to'g'risida ma'lumot berilgan. Teatr san'ati hayotni, voqea-hodisalarni, turli kurashlar va ziddiyatlarni, ichki kechinmalarni dramatik xatti-harakatlarda, aktyor ijrosi orqali aks ettiradi. Bunda yozuvchi tomonidan yozilgan pyesa yoki librettoga tayaniladi. Pyesani rejissyor sahnalashtiradi: rollarni aktyorlarga taqsimlab beradi, ular bilan mashqlar o'tkazadi, rassom, libos tikuvchi, nur sozlovchi, musiqa tanlovchi (yoki kompozitor) va boshqalar bilan ish olib boradi. Pirovardida ko'pchilik bo'lib tayyorlangan sahna asari tomoshabinga ko'rsatiladi. Aktyorlar sahnada yuz berayotgan voqealarga berilib, har xil fe'l-atvorli kishilarning qiyofalarini gavdalantiradilar, tomoshabinlarni sezib tursalar ham, sezmaslikka olib o'ynaydilar. Sahnada hayot, voqelik birmuncha bo'rttirib aks ettiriladi.

Kalit so'zlar: Teatr, san'at, voqelik, tomoshabin, rejissyor, aktyor, adabiyot.

CHARACTERISTICS OF THEATER ART

U.Boltaboeva

Y.Xalilov

Fergana regional branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article provides information on the specific features and important functions of theatrical art. Theatrical art depicts life, events, various struggles and contradictions, inner experiences in dramatic actions, through the performance of an actor. It relies on a play or libretto written by a writer. The play is staged by a director: he assigns roles to actors, rehearses with them, works with an artist, a tailor, a lighting designer, a music selector (or composer), and so on. At the end of the performance, a mass production will be shown to the audience. The actors are immersed in what is happening on the stage, portraying people of different personalities, playing on the audience, even if they feel it. Life and reality are a bit exaggerated on the stage.

Keywords: theater, art, reality, audience, director, actor, literature.

Teatr san'atining turlari estrada teatri, maydon teatri. Teatr asarlarining janrlarini aytmaysizmi? Asosiylari: drama, tragediya, komediya. Ammo teatr

yo'nalishi, turiga bog'liq holda ular ko'payib ketadi. Chunonchi, fars, buffonada, tragikomediya, xronika, myuzikl, tarixiy drama, ertak-pyesa, folklor-etnografik tomosha, sahnaviy hazil kabi janrlar bor.

Teatr juda qadim zamonlarda paydo bo'lgan. Ibtidoiy jamiyatdagi mehnat va dunyoqarashlar bilan ko'p. Bular - drama teatri, opera, balet, musiqali drama, musiqali komediya, operetta, yosh tomoshabinlar teatri, qo'g'irchoq teatri, radio teatr, televizion teatr. Teatrning sof tomosha shaklida ko'rinishi dastlab qadimgi Sharqda yuz bergan. Hindiston, O'rta Osiyo, Xitoy, Indoneziya, Yaponiya, Koreya, Birma, Vyetnamda teatr tomoshalarining xilma-xil shakllari yaratilgan. Teatr miloddan avvalgi 5-asrda Yunonistonda paydo bo'lgan. Yunon teatri davlat tomonidan uyushtiriladigan bayramlarda ko'rsatilgan.

1. Teatr san'atining *xomashyosi - harakatlanuvchi jonliaktyordir*. Teatr san'atida hamma narsani *inson - shaxs hal qiladi*. Nima ham emas, qanday ham emas, kim ijod qilyapti? Shu muhimdir.

2. Teatr san'atining ikkinchi o'ziga xos tomoni aktyor o'z harakati orqali o'zga shaxsni yaratadi. Ya'ni o'zidan ajralmagan holda o'zgani ixtiro qiladi. *Xom ashyo ham, qurol ham, timsol yaratuvchi ham yagona shaxs - aktyor ijodida mujassamlashgan*. So'z ham, so'zlovchi ham, so'zanda ham, hosil etilgan mahsulot ham - aktyorning o'zidir. Buning uchun birinchi navbatda *i shaxs sifatida shakllangan, o'z dunyoqarashiga ega mustaqil inson bo'lmog'i lozim*. Bu o'rinda inson omili o'ta muhimdir! Bugungi kunda ijodkor shaxs bilan yaratilajak timsol o'rtasida ma'lum masofalanish bo'lishi zarur (timsolga munosabat). «Men berilgan shart-sharoitda» emas (mazkur usul o'quv jarayoning birinchi kursi uchun muhimdir) men obrazni gavdalantirishim, unga nisbatan mening munosabatim. Hamza Umarovning obraz yaratish jarayonidagi, ijobiy yoki salbiy qahramonlarning ichki holatini his qilishi, buyuk A.I.Raykin yaratgan timsollar, I.Smoktunovskiyning Gamleti va «Avtomobildan saqlaning» filmdagi Detochkin obrazlari bunga misoldir. Afsuslar bo'lsinki, bugungi o'zbek sahnasida va kinosida bunday qiyofalar yaratish kamyob holat bo'lib kelmoqda. Yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek qiyofa - timsol - obraz bo'lmasa, borliqning aksi, tasavvur, anglash va ijod ham yo'qdir. *Har bir aktyorning o'ziga xosligi, individualligi - iste'dodning muhim belgisidir*.

G'urur. O'z kasbi bilan g'ururlanadigan aktyorlarni tarbiyalash muhim vazifadir. Q'z qobiliyatiga mutanosib baho berish, o'z zimmasidagi vazifa qiymatini yerga urmaslik shart. «MEN -AKTYORMAN! Mening zimmamdagi vazifa o'ta murakkab. Men ma'naviyat elchisiman. Aktyor - Hazrati oliylari! O'z kasbining qadrini bilmaydigan aktyor, o'zligini arzon-chakana shuhratlar quliga aylantirib qo'yadi. Iste'dod maydalashadi, ijodkor shaxs sifatida tanazzulga yuz tutadi. *Rejissor va aktyor teatr va adabiyot - jamiyatning ma'naviy qiyofasini belgilovchi minbarligini unutmasliklari kerak*.

3. *Teatr san'ati - ommaviy san'atdir.* Teatr san'atida ijod lahzalari hozir, shu yerda, tomoshabin bilan birgalikda ro'y beradi. Bu tomoshabin va aktyor o'yini. Aktyor va tomoshabin - ikki ijodkor. Shov-shuv, bayramona ruh, ko'tarinki kayfiyat muhimdir. Agar lomosha zali bo'm-bo'sh bo'lsa bu o'ta xavflidir. Bizning san'at ommaviy san'atdir. «Tomoshabin ro'baro'sidagi aktyorning tanholigi» - bu qarama-qarshilikning birligidir. Tomoshabinning qaynoq nafasini sezib turishlik aktyor ijodining eng muhim shartlaridan biridir. Teatr san'atida aktyor bilan tomoshabin hamkorligidagi ijodiy jarayon ro'y berishi zarur. Agar teatrga tomoshabin tushmay qo'ysa bong urmoq zarur. Bunday holatda ikki tomonlama qiziqishni yo'qotishlik vaziyati vujudga keladi.

4. *Teatr san'ati - vaqt va makonda ro'y beradigan san'atdir.* Buyum shaklida namoyon bo'ladigan san'at bor, faoliyat, xatti-harakat shaklida namoyon bo'ladigan san'at bor. Rassom, haykaltarosh, arxitektor san'ati inson faoliyati natijasida yaratilgan san'atdir. Teatrning o'zi faoliyat bo'lib, hozir, shu yerda, tomoshabinlar ko'z o'ngida, tinglovchilar qarshisida tomosha namoyon qila oladi. Teatr bu - tomosha qilish va tinglash demakdir. Teatr san'atining eng muhim tomoni - tomoshabin ko'z o'ngida sodir bo'ladigan kinetik (harakatlanuvchi) jarayonning o'zgaruvchanligini oldindan rejalashtirilgan holda ta'minlashdan iborat. Teatrda barcha hodisalar rivojlanish jarayoni shaklida bo'lib o'tadi. Stsenografiyada bezak emas, vaqt va makonda o'zgaruvchan *ma'lum ta'noni anglatuvchi* sahna uskunalari bo'lishi kerak. Spektakldagi musiqa ham vaqt va makon birligida rivojlanishi zarur. Shu nuqtai nazardan olib qaralganda teatrdagi barcha narsalar jarayondadir, ilialektik xarakterga ega. Hamma narsa qarama - qarshilik birligida. ko'pincha, teatr unsurlari hisoblanmish aktyor o'yini, senografiya va musiqaning bir-biriga qarshi (kontrapunkt) usulidan foydalanish mumkin, ammo bu unsurlarning bir maqsadga qaratilgan uyg'unlikdagi rivojini ta'minlash oliy maqsad bo'lishi zarur.

5. *Teatr - barcha san'atlarning o'zaro uyg'unlashuvidan hosil bo'ladigan san'at turidir.* Rassom, kompozitor, baletmeyster, ashula, raqs, so'z va boshqa san'atlar unda mujassamdir. Lekin ularning tabaqaviy joylashishi mavjud. Asosiy tayanch - adabiy manba hamda rejissor va aktyor san'ati bo'lib, ular uch birlikni hosil qiladi. Qolgan barcha unsuriar ham g'oya va badiiy timsol yaratish uchun xizmat qiladi.

6. *Teatr san'ati - jamoa ko'rinishdagi san'atdir.* Shu bilan birga u ijodkor shaxslarni birlashtiradi. Natijada, bir g'oya atrofida turli fe'l-atvor va kayfiyatdagi kishilar boshini qovushtirish muammosi yuzaga keladi. Asosiy qarama-qarshilik shaxs va teatr san'ati jamoa ijodiga asoslanganligi o'rtasidagi kelishmovchiliklardan iborat. Shuning uchun kichik bir ijodiy makonda hamma uchun muqobil muhitni yarata bilish zarur. Buning uchun birinchi navbatda, ma'naviy qarashlari bir hil bo'lgan shaxslarni ijodiy jarayonda birlashtirish, mehnat, maqsadlarning amalga oshirishdagi taqsimotni to'g'ri tashkil etish lozim bo'ladi. «Hamma bir kishi uchun, bir kishi hamma uchun»,

degan shior hukm surishi kerak. Studiyaviylik muhiti hukm surish kerak. Studio - birga o'rganish, mehnat qilish, sinchiklab o'qish demakdir. Ijodiy muhit yaratish juda ham qiyin, lekin teatr san'atida bu talablarsiz ijod qilish mumkin emas.

7. *Teatr san'ati - ikkilamchi san'atdir.* Teatrda, eng avvalo, san'at asari hisoblanmish adabiyotdan foydalaniladi. Bir tomondan bu ishni osonlashtirgandek, yengil tuyulishi mumkin. Lekin ikkinchi tomondan teatr o'ta murakkab san'atdir. Qafasdagi erkinlikka (mutelikdagi erkinlikka) erishmoq lozim. Muallifning chizgan chizig'idan chetga chiqmagan holda, erkin ijod bo'lishi kerak. Psixologik teatrda muallifning ruhiyati, asardagi olg'a surilgan fikri saqlanib qolishi kerak. Muallif fikri va g'oyasiga putur yetkazmagan holda adabiy asarni sahnaviy asar qonuniyatlarga bo'ysindirish lozim. Bu rejissor zimmasidagi vazifadir. Shuning uchun ham u rejissor! Teatrda ijodkor bo'lishdan ko'ra havaskor bo'lish juda ham oson.

Teatr maktabining asosiy va muhim vazifalaridan biri - talabalarning badiiy saviyasini shakllantirishdan iboratdir. Aktyorning axloq va odob sohasidagi tarbiyasi, bir tomondan, teatr san'atining o'ziga xos tomonlariga bog'liq bo'lsa, ikkinchi tomondan, aktyorning o'zi tanlagan soha taqozosiga ko'ra, g'oyaviy kurash jabhasining jangchisi sifatida, uzluksiz davom etayotgan g'oyaviy kurashning oldingi safida ekanligi bilan bog'liqdir. Aktyor, g'oyaviy jabha kurashchisi sifatida, millat va davlat oldidagi o'z mas'uliyatini chuqur anglagan bo'lishi mustaqil Respublikamiz manfaatlarini himoya qilishi kerak.

«Sahna uzunasiga o'ttiz, eniga yigirma qadam, balandligi pardasi barobar uncha katta bo'lmagan makon, - deb yozadi Georgiy Tovstanogov. - Biroq bu makonning pardalari ochilgach, unga o'tmish ham, bugun ham, kelajak ham sig'ishi mumkin...»

Demak, teatr san'ati yo'lida xizmat qilishga bel bog'lagan har bir inson zimmasidagi sharaflil vazifani shu yurtning farzandi sifatida, tomoshabin, teatr jamoasi, pьesa muallifi, sahnadagi hamrohi (partnyor) va nihoyat, o'z vijdoni oldidagi mas'uliyatini chuqur anglagan holda ado etishi shart.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Rizaev O. XXI asr o'zbek teatri: muammolar va rejalar. "Teatr", 2002 yil, 6-son.
2. K.S.Stanislavskiy "Aktyorning o'z ustida ishlashi" - T., YAngi asr avlodi., 2010.
3. Jumanov I. Sahna nutqi - T., "Abu matbuot-konsalt" MCHJ nashriyoti - 2015.
4. Boltaboeva U. M. Sahna nutqi - o'quv qo'llanma Toshkent, "Innovation ziyo"-2021.
5. Nosirova A. Jonli so'z san'ati - T., TDSI bosmaxonasi, 2003.

6. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.

7. Абдуназаров, З. (2021). ИЖОДИЙ СИНТЕЗ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РЕЖИССЁРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

8. Naydarov, A., Akbarov, T., & Abdunazarov, Z. (2020). High purpose and leading action. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 609-615.

9. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the sytem of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.

10. Абдуназаров, З. (2020). Тимсоллар сиймосини яратиш. *Oriental Art and Culture*, (III), 146-150.

11. Абдуназаров, З. (2020). Миллий ўйинларимиз иштирокида ёш актёрларни тасавури ва диққатини чархлаш. *Oriental Art and Culture*, (III), 134-138.

12. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the sytem of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.

13. Болтабоева, У. (2020). ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ГУРУҲЛАРИДА САҲНАВИЙ НУТҚНИНГ АҲАМИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, 1(5), 85-92.

14. Boltaboeva, U., Gofurova, B., Pulatov, R., & Mamatkulov, B. (2020). Methods of improving the young actors speech. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1114-1123.

15. Болтабоева, У. (2021). МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

16. Эргашев, К., & Болтабоева, У. (2021). УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАР НИГОҲИДА. *Oriental Art and Culture*, (6).

17. Болтабоева, У. (2021). ЎЗБЕК ТЕАТРИ САҲНАЛАРИДА ТИЛ ВА НУТҚ МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 171-180.

18. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.

19. Usmonov, S., Boltaboeva, U., & Akbarov, T. (2021). Principles of working on a monologue with future actors. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 28-38.

20. Boltaboeva, U., Usmonov, S., & Akbarov, T. (2021). A Look at Askia Art. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2277-2284.
21. Usmonov, S., Boltaboeva, U., Rahmonova, N., & Akbarov, T. (2021). Pedagogical Approaches To Educating Future Actors. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(05), 85-90.
22. Болтабоева, У. (2019). Иждокор шахс-актёрни тарбиялашда жонли сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 37-39.
23. Раҳматуллаева, Ш., Болтабоева, У., & Каримов, Б. (2019). Фольклор санъати ва халқ дostonлари: кеча ва бугун. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 46-49.
24. Boltaboeva, U., Andunazarov, Z., & Tursunova, G. (2020). Importance of tongue twisters and proverbs in overcoming speech defects. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2902-2905.
25. Болтабоева, У. (2020). Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental Art and Culture*, (I (2)), 26-32.
26. Boltaboeva, U. (2019). Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
27. Boltaboeva, U., Sh, U., & Rahmonova, N. (2019). Creative person-the role of live word in educating an actor. *European Journal of Arts*, (3).
28. Boltaboyeva, U., Rakhmonova, N., & Usmonov, S. (2020). Characteristics of speech Art: problems and solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 559-567.
29. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). Factors that should be considered in musical theater actors education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 57-61.
30. Tursunova, G. (2021). BALET RAQS SAN'ATINING O'RNI VA TARIXIY TARAQQIYOTI. *Oriental Art and Culture*, (6).
31. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(Conference), 4-4.
32. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.
33. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.
34. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

35. Юлдашева, С. Н. (2020). СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ АУДИТОРИИ. ТИПОЛОГИЯ ЧИТАТЕЛЕЙ. *Oriental Art and Culture*, (V).

36. Sohibaxon, Y. (2021). O'ZBEKISTONDA KUTUBXONACHILIK SOHASINING RIVOJI. *Oriental Art and Culture*, (7), 260-268.

37. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

38. Yuldasheva, S., Habibjonov, I., & Haydarov, A. (2020). Librarianship in the formation of book reading. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2925-2927.

39. Юлдашева, С. (2019). Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 59-62.

40. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

41. Yuldasheva, S., & Madumarova, M. (2020). TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS. *European Journal of Arts*, (1), 148-152.

42. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.

43. Gofirjon Yunusov, R. A., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look at the Folklore of Fergana Valley or History of a Song in the Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2822-2827.

44. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

45. Talaboyev, A., Yunusov, G., & Ahmedov, R. (2020). Local methods of traditional singing. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2916-2920.

46. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

47. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

48. Usmonov, S., & Talaboyev, A. (2021). Work of the director with an artist. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2407-2410.

49. Талабоев, А. (2019). Мақом санъатида сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 25-28.

50. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. (2020). SONG PERFORMING IN TRADITIONAL PERFORMING ARTS: PAST AND PRESENT TIM. *European Journal of Arts*, (1), 85-88.

51. Dadaboev, Y., & Dehqonov, R. Hordo Structures in Central Asian Architecture.

52. Дехқонов, Р. (2020). СОҒЛОМ АВЛОДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (V).

53. Utaganov, R., Dehqonov, R., & Tuxtasinov, M. (2020). MAIN ADVANTAGES OF TEACHING METHODS IN ARTS. *European Journal of Arts*, (2), 146-148.

54. Usmonov, S., Utaganov, R., & Dehqonov, R. (2020). Director's knowledge and approach in performing classical plays. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2921-2924.

55. Haydarov, A. (2019). АКTYORLIK SAN'ATIDA VOKALNING O'RN. *Интернаука*, (19-4), 55-56.

56. Haydarov, A. (2020). QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH. *Oriental Art and Culture*, (IV).

57. Ҳайдаров, А. (2021). ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭСТЕТИК БАРКАМОЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

58. Haydarov, A. (2021). The role of Uzbek folklore in the aesthetic development of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1973-1977.

59. Askarova, M. (2020). Homil yakubov's views on navoi studies. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 788-792.

60. Асқарова, М. (2021). АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 209-216.

61. Askarova, M. (2021). Homil Yakubov's views on Oybek lyrics. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2412-2415.

62. Мад, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРА ХОНИМНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА САНЪАТДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 160-170.

63. Мадолимов, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА ЁАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (1941-1945 ЙИЛЛАР). *Oriental Art and Culture*, (7), 144-151.

MUG'ANNIYLAR ALISHER NAVOIYNING SHE'RIY TA'RIFIDA

Nozimaxon Mirzayeva

nozimaxonmirzayeva0804@gmail.com

O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Alisher Navoiy nomidagi davlat adabiyot
muzeyi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Alisher Navoiyning ilmiy-adabiy merosi, "Xazoyin ul-maoniy" kulliyotidagi to'rt devonidan olingan g'azallarida mug'anniynomaga oid qarashlari keltirilgan. Shu bilan birga, shoir ijodida san'at ahliga, uning inson hayotidagi ahamiyatiga e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlari: devon, mug'anniy, soqiy, murshid, murid, qo'buz, rud, ud.

MUGANNIYS IN THE POETRY OF ALISHER NAVAI

Nozimaxon Mirzayeva

nozimaxonmirzayeva0804@gmail.com

Alisher Navoi State Museum of Literature of the Academy of Sciences of
Uzbekistan

Abstract: This article presents Alisher Navoi's scientific and literary heritage, his views on muganni in his ghazals from the four divans of the Khazayn ul-Maoniy College. At the same time, the poet's work focuses on the people of art and their importance in human life.

Keywords: devon, muganniy, saqi, murshid, murid, kobuz, rud, ud.

Nizomiddin Mir Alisher Navoiy nomi qaysi jabhadan qaralsa ham, tariximizda mo'tabarlik va buyuklik bilan jarang topadi. Xususan, uning XV asr ikkinchi yarmi temuriylar tarixi va davlatchilik boshqaruvidagi o'rni roli muayyan ravishda muhim ahamiyatga ega. Navoiyning o'z davridagi faol siyosiy faoliyati bilan birga ko'plab bunyodkorlik ishlari, fan, madaniyat, san'at va adabiyot yuzasidan homiyligi ilmiy adabiyotda munosib bahosini olgan¹. Hazrat Navoiyning adabiyot, san'at, madaniyat rivoji uchun qilgan xizmatlari o'z davrida va bugungi kunga qadar ulug'lanib, o'rganilib kelinmoqda.

Musiqa san'ati inson ruhiyatiga ko'tarinkilik, huzur bag'ishlash bilan bir qatorda, ma'naviy ozuqa berishi bilan ham boshqa san'at turlaridan ajralib turadi. Tarixdan ma'lumki, ilmu ma'rifatda dong taratgan allomalarimiz diniy va dunyoviy

¹ O.Jo'raboyev, Navoiy va tarix, Toshkent, "Tamaddun", 2016, 3-bet.

ilmlar qatorida musiqa ilmini ham batafsil o‘rganib, uni chuqur egallashgan. Abu Nasr Farobiy, Abdulqodir Marog‘iy, Abduraxmon Jomiy, Alisher Navoiy va yana ko‘plab jahonga mashhur mutafakkirlar musiqa cholg‘usi chalishni bilganlar va bu hususida ilmiy nazariy risolalar yozishgan. Bundan ko‘rinib turibdiki, musiqa ilmini egallash o‘ziga xos kategoriya bo‘lib, o‘rta asr olimlarining komillikka erishishida muhim omil bo‘lib xizmat qilgan.

Xususan, Alisher Navoiyning musiqa va musiqa san‘ati bilan bog‘liq qarashlari uning “Xamsa”, “Xazoyin ul-maoniy”, “Majolis un-nafois” va “Mahbub ul-qulub” kabi asarlarida aks etgan. Navoiy faoliyati davomida musiqadan uzoq bo‘lmagan. Doimo badiiy va ilmiy asarlar yaratish, davlat boshqaruvi, bunyodkorlik ishlarini amalga oshirish bilan birga musiqa san‘atidan chetda qolmagan.

Alisher Navoiy ijodida musiqa muhim o‘rin egallagani musiqashunos olimlar tomonidan ham e’tirof etilgan. “Alisher Navoiyning musiqa sohasidagi faoliyati hali yetarli o‘rganilmagan, - deb yozgan musiqashunos olim Ishoq Rajabov o‘zining “Maqomlar” monografiyasida, - bu borada atroflicha ilmiy tadqiqotlar olib borilishi lozim”.²

Shoirning “Xazoyinu-l-maoniy” majmuasi tarkibidagi devonlarida bir-biriga o‘xshamagan va takrorlanmaydigan musiqiy jihatlarini anglash mumkin. Masalan “Favoid ul-kibar”da keltirilgan quyidagi baytida mug‘anniy, ya’ni xonandani oydek go‘zal (mahvash) yorga qiyosan soqiy (pir, murshid) yanlig‘ tonggi may bilan bahramand etishini istamoqda. Agar u shunday iltifot ko‘rsatsa edi, tong yulduzi (Zuhro) yanada yorqinroq, yanada serjilo bo‘lgan bo‘lur edi:

*Tong yo‘q ul mahvash mug‘anniy tutsa jomi may sabuh,
Ne uchunkim Zuhradur toli’, bo‘lur axtar saboh.*

Bu bilan inson uchun yoqimli kuy, sehrli navoning o‘rni beqiyos ekanligi, uning oshiq qalbigi qanchalar taskin bera olishi mumkinligi go‘zal satrlarda ko‘rsatib o‘tilgan.

Keyingi satrlar ham ahamiyatli bo‘lib, unda ham mug‘anniyning inson hayotidagi ahamiyati yuksak baholangan. Masalan, oshiq (muallif - Navoiy) hajrdan o‘lim oldida turibdi. Unga faqat soqiy quygan may va mug‘anniy chalgan kuy orom bag‘ishlashi, uni hayotga qaytarishi mumkinligi keltirilgan:

*Hajrdin o‘ldi Navoiy, soqiyo, tut jomi may,
Ey mug‘anniy, sen navo ohangida qo‘psa qubuz.*

Oshiq (Navoiy) shu qadar fig‘onlar chekadiki, bu fig‘on oldida sozanda-yu xonandalarning kuy va qo‘shiqlari arzimas sado bo‘lib qoladi:

*Mug‘anniy, Navoiy fig‘onin eshit,
Ki, sozing aro zer ila bamda yo‘q.*

² Rajabov I. Maqomlar. – Toshkent.: 2006y –B.27

Fig'on va kuy hamohang qo'yilishidan murod har ikkisinin dilga orom beruvchi xususiyati mavjuddir. Kuy va qo'shiqlarni eshitganda qalb taskin topsa, fig'on yor dardi ila chekilgan shirin azobdir. Yorning dardi ila yashamoqlik ham bir saodatdir.

"G'aroyib us-sig'ar" devonidagi quyidagi baytni oladigan bo'lsak, birinchi misrada uchrovchi bazm ahli kim? Ular oshiq ahli (haqiqiy ishq ahli - Allohga oshiq) bo'lib, bazmda o'z oshiqliklarini namoyon etishadi. Va ularning qalbiga mug'anniyning sadolari jon baxshida etmoqda. Agar shunday bo'lar ekan, (oshiq) Navoiy jon iplarini mug'anniy chang(soz)ining torlariga baxsh etadi. Chunki uning joni behuda ketmadi, oshiqlar uchun xizmat qildi:

*Mug'anniy nag'masi jon bersa bazm ahlig'a tong yo'qkim,
Navoiy rishtayi jonin eshib changiga tor etmish.*

Bu misralar orqali muallifning oshiq ahliga bo'lgan muhabbati, ularga sadoqatini ko'rish mumkin. Shu bilan birga, kamtarlik motivlari ham sezilib turadi. Chunki u (muallif) o'zini hali beri oshiq ahli qatorida sanamaydi. Oshiq ahliga xizmat qilayotgan murid sifatida biladi.

*Chu majnun qilding emdi, ey mug'anniy, go'shatobingni,
Ko'ngul savdosi taskini uchun bo'yning'a tumor et.*

Bu yerda shoir, ey mug'anniy, devona qilding endi ko'ngil taskin topishi uchun go'shatobingni (cholg'uyingning quloqlarini) bo'ynimga tumor qil. Telba bo'lganimdan butun dardlarim yangilandi. Ichimga qon to'ldi, deb o'z ahvolini tasvirlaydi.³ Navoiy mazkur misralarida (oshiq) ko'ngilning dardlaridan xalos bo'lishni mug'anniyning yoqimli kuyidan taskin topishini aytmoqda.

*Sanga kavsar suyiyu lahni Dovudiyki, dayr ichra,
Mug'anniy nag'masi birla manga jomi mug'oniy bas.*

Shoir mug'anniydan bu davrada Dovudiy kuyini chalginki, bu ohang bilan mayxona ahliga ichayotgan mayi xuddi xushbo'y jannat suvidek joniga oro berishini aytmoqda. Mayni ichayotgan kishi ichimlikdan emas, balki ohangrabo kuydan mast bo'lishini bildirmoqda. Chunki har qanday maharot bilan ijro etilgan kuy insonga ruhiy tetiklik, ko'ngil taskinligini beradi.

"Badoe' ul-vasat" dagi mug'anniy nomalariga to'xtalsak, ushbu misrada Navoiy mug'anniyga murojaat qilib, ey sozandalar, muallif (oshiq) yorning visoli ishqida sarmast, shirin uyquda ekanligi, uni uyg'onishi oson bo'lmay, buning uchun esa go'zal bir navo chalinishi shoirni yana ezgu amallarni qilishga undashi lozimligini ta'kidlamogda.

*Ey mug'anniylar, Navoiy mast edi - kech uyg'onur,
Ani uyg'otmoqqa bir dilkash tarannum aylangiz.*

³ L. Jo'raeva. Alisher Navoiy mug'anniy nomalari – Toshkent: Mumtoz so'z 2011. 20-bet.

Ushbu baytda she'riy misrada oshiq yuraklarga ohangrabo navolar taskin berishi keltirilgan. Insonning bevosita ruhiy holatiga bog'liq bo'lgan hissiyotlari, tuyg'ulari va kayfiyatini ifodalovchi kuy - qo'shiqlar eng nozik, ichki torlarini ham tebrata oladigan kuchga egadir. Mug'anniy har doim ham mungli, g'amgin kuylar chaluvchi emas, balki yoqimli navolarni shoirning ruhiyat olamiga mos holda ijro etadi.

*Ey qalandarvash mug'anniy, gar Navoiy ko'nglini
Istasang har lahza behol aylamak, tuzgil qo'buz.*

Navbatdagi misrada ham Navoiy mening ko'nglinga yo'l topmoqchi bo'lsang, har vaqt uni holsiz qilish uchun qo'buz chalgin. Keltiralayotgan ushbu devonlardaga g'azallarda ko'plab musiqiy cholg'ular qalamga olingan. "Qo'buz" so'zi - bu yerda kamon bilan chalinadigan musiqa asbobi. Qo'buzga Alisher Navoiy asarlarida, jumladan "Mahbubul qulub"da "qo'buz quloq tutib ayshg'a targ'ib ohangni tuzg'ay" deb ta'rif beradi. Ya'ni rubobning ovozig'a (sababi cholg'ular haqidagi parchadan qo'buzdan oldin rubobga berilgan ta'rif o'rin olgan) quloq tutib, aysh-ishratga, ma'juziy ma'noda toat-ibodatga undovchi ohangni tuzadi.⁴ Ushbu misrada shoir Navoiy sozandaga qo'buz sozi orqali chalingan yoqimli navo har qanday mahzun ko'ngilga xush yoqishi, qalbg'a malham bo'lishi mumkinligini aytmoqda.

Quyidagi baytda ham Alisher Navoiy lirik qahramonning dardli holatini keltirgan bo'lib, mug'anniyga murojaat qilib, sen bir mungli navo tuzginki, shu navo bilan dardli qo'shiq ayt. G'amgin kuying bilan xasrat to'la ko'nglinga yashirin sir olib kirgin. Sen mening yuragimdagi sirimni bilasan, shu bazm aro Navoiyni chalgan kuying azobda kuydiradi. Sen dardlarimlarimni bilib shunga mos kuylamoqdasan.

*Ey mug'anniy, chun nihon rozim bilursen - soz tuz,
Tortibon munglug' navo sozing bila, ovoz tuz
Bazm aro o'rtar Navoiyni nihon munglug' surud,
Ey mug'anniy, chun nihon rozim bilursen - soz tuz.*

Ushbu g'azalda shoirning mug'anniyga iltijosi, ya'ni sir-asrori hamda darddoshi ekanligini aytib o'tgan.

Keyingi "Navodir-sh-shabob"dagi mazkur baytda oshiq bazm vaqtini yaxshi turmushini esa tiniq suvdek sokin bo'lishini istab mug'anniyga "rud"- cholg'u asbobidan kuy chalishini, soqiydan esa may quyishini so'raydi. Oshiq nazdida musiqa va may ko'ngilga xuzur bag'ishlaydi.

*Dame bazmim tuzuk, ayshim zulolin istaram softiy,
Mug'anniy sen dag'i tuz rudu soqiy, sen dag'i may suz.*

"Navodir-sh-shabob" devonidagi quyidagi baytda esa Navoiy mug'anniyga murojaat etib, mayga "ud" orqali kuy bag'ishlaginki, qalbidagi ishqni bayon etsin.

Mayg'a ohang et, Navoiykim, mug'anniy har zamon

^{4 4} L. Jo'raeva. Alisher Navoiy mug'anniy nomalari – Toshkent: Mumtoz so'z 2011. 33-bet.

Aysh tahrinin ayon aylar lisoni ud ila.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, hazrat Navoiyning o'zbek adabiyoti, xususan, g'azaliyoti rivoji hamda o'zbek g'azalining yangi-yangi fazilatlar bilan boyishi va yuqori cho'qqiga ko'tarilishida xizmatlari beqiyosdir. Adabiyotning ijtimoiy vazifasi va hayotdagi ta'sirini juda keng tushungan ulug' shoir asarlarida lirik qahramonning ruhiy kechinmasi, kayfiyatini bayon etish va yoritishda musiqadan najod umid qilib, mug'anniyga murojaat etishi mug'anniynomalarning asosiy mezonini tashkil qiladi. Navoiy g'azallarida mumtoz adabiyotda mavjud soqiynoma va mug'anniynomalarning har biri o'z o'rni, ma'nolar tizimi, talqin mezonlariga ega hamda ularda asosan musiqa ilmi bilan bog'liq masalalar ifodalanganligi bilan ajralib turadi.

Foydanilgan adabiyotlar

1. O.Jo'raboyev. Navoiy va tarix, -Toshkent, "Tamaddun" nashriyoti, 2016.
2. O.Jo'raboyev. Mumtoz adabiyotda mug'anniynoma, - Toshkent, "Tamaddun" nashriyoti, 2016.
3. A. Navoiy. 10-jild. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyushmasi. 2013.
4. L. Jo'rayeva. Alisher Navoiy mug'anniynomalari, - Toshkent, "Mumtoz so'z" nashriyoti, 2011.
5. I. Haqqul. G'azal gulshani, - Toshkent, "Fan" nashriyoti, 1991.
6. S. Ibrohimov. Navoiy asarlari lug'ati, - G'ofur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti Toshkent, 1972.
7. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.
8. Абдуназаров, З. (2021). ИЖОДИЙ СИНТЕЗ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РЕЖИССЁРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).
9. Haydarov, A., Akbarov, T., & Abdunazarov, Z. (2020). High purpose and leading action. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 609-615.
10. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.
11. Абдуназаров, З. (2020). Тимсоллар сиймосини яратиш. *Oriental Art and Culture*, (III), 146-150.
12. Абдуназаров, З. (2020). Миллий ўйинларимиз иштирокида ёш актёрларни тасавури ва диққатини чархлаш. *Oriental Art and Culture*, (III), 134-138.

13. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.

14. Болтабоева, У. (2020). ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ГУРУҲЛАРИДА САҲНАВИЙ НУТҚНИНГ АҲАМИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, 1(5), 85-92.

15. Boltaboeva, U., Gofurova, B., Pulatov, R., & Mamatkulov, B. (2020). Methods of improving the young actors speech. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1114-1123.

16. Болтабоева, У. (2021). МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

17. Эргашев, К., & Болтабоева, У. (2021). УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАР НИГОҲИДА. *Oriental Art and Culture*, (6).

18. Болтабоева, У. (2021). ЎЗБЕК ТЕАТРИ САҲНАЛАРИДА ТИЛ ВА НУТҚ МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 171-180.

19. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.

20.

21. Usmonov, S., Boltaboeva, U., & Akbarov, T. (2021). Principles of working on a monologue with future actors. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 28-38.

22. Boltaboeva, U., Usmonov, S., & Akbarov, T. (2021). A Look at Askia Art. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2277-2284.

23. Usmonov, S., Boltaboeva, U., Rahmonova, N., & Akbarov, T. (2021). Pedagogical Approaches To Educating Future Actors. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(05), 85-90.

24. Болтабоева, У. (2019). Ижодкор шахс-актёрни тарбиялашда жонли сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 37-39.

25. Раҳматуллаева, Ш., Болтабоева, У., & Каримов, Б. (2019). Фольклор санъати ва халқ дostonлари: кеча ва бугун. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 46-49.

26. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Tursunova, G. (2020). Importance of tongue twisters and proverbs in overcoming speech defects. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2902-2905.

27. Болтабоева, У. (2020). Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental Art and Culture*, (I (2)), 26-32.

28. Boltaboeva, U. (2019). Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
29. Boltaboeva, U., Sh, U., & Rahmonova, N. (2019). Creative person-the role of live word in educating an actor. *European Journal of Arts*, (3).
30. Boltaboyeva, U., Rakhmonova, N., & Usmonov, S. (2020). Characteristics of speech Art: problems and solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 559-567.
31. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). Factors that should be considered in musical theater actors education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 57-61.
32. Tursunova, G. (2021). BALET RAQS SAN'ATINING O'RNI VA TARIXIY TARAQQIYOTI. *Oriental Art and Culture*, (6).
33. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(Conference), 4-4.
34. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.
35. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.
36. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.
37. Юлдашева, С. Н. (2020). СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ АУДИТОРИИ. ТИПОЛОГИЯ ЧИТАТЕЛЕЙ. *Oriental Art and Culture*, (V).
38. Sohibaxon, Y. (2021). O'ZBEKISTONDA KUTUBXONACHILIK SOHASINING RIVOJI. *Oriental Art and Culture*, (7), 260-268.
39. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.
40. Yuldasheva, S., Habibjonov, I., & Haydarov, A. (2020). Librarianship in the formation of book reading. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2925-2927.
41. Юлдашева, С. (2019). Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилиқ фаолияти. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 59-62.

42. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.
43. Yuldasheva, S., & Madumarova, M. (2020). TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS. *European Journal of Arts*, (1), 148-152.
44. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.
45. GofirjonYunusov, R. A., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look at the Folklore of Fergana Valleyor History of a Song in the Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2822-2827.
46. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.
47. Talaboyev, A., Yunusov, G., & Ahmedov, R. (2020). Local methods of traditional singing. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2916-2920.
48. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.
49. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.
50. Usmonov, S., & Talaboyev, A. (2021). Work of the director with an artist. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2407-2410.
51. Талабоев, А. (2019). Мақом санъатида сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 25-28.
52. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. (2020). SONG PERFORMING IN TRADITIONAL PERFORMING ARTS: PAST AND PRESENT TIM. *European Journal of Arts*, (1), 85-88.
53. Dadaboev, Y., & Dehqonov, R. *Hordo Structures in Central Asian Architecture*.
54. Дехқонов, Р. (2020). СОҒЛОМ АВЛОДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (V).

55. Utaganov, R., Dehqonov, R., & Tuxtasinov, M. (2020). MAIN ADVANTAGES OF TEACHING METHODS IN ARTS. *European Journal of Arts*, (2), 146-148.

56. Usmonov, S., Utaganov, R., & Dehqonov, R. (2020). Director's knowledge and approach in performing classical plays. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2921-2924.

57. Haydarov, A. (2019). AKTYORLIK SAN'ATIDA VOKALNING O'RNI. *Интернаука*, (19-4), 55-56.

58. Haydarov, A. (2020). QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH. *Oriental Art and Culture*, (IV).

59. Хайдаров, А. (2021). ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭСТЕТИК БАРКАМОЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

60. Haydarov, A. (2021). The role of Uzbek folklore in the aesthetic development of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1973-1977.

61. Askarova, M. (2020). Homil yakubov's views on navoi studies. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 788-792.

62. Асқарова, М. (2021). АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 209-216.

63. Askarova, M. (2021). Homil Yakubov's views on Oybek lyrics. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2412-2415.

64. Мад, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРА ХОНИМНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА САНЪАТДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 160-170.

65. Мадолимов, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (1941-1945 ЙИЛЛАР). *Oriental Art and Culture*, (7), 144-151.

ДОЛГИЙ ПУТЬ К ВЕРШИНЕ

Эльчинбек Эркинович Юсупов
elchinyusupov.vl@gmail.com

Государственная Академия Хореографии

Аннотация: В этой статье опубликовано творческий и жизненный путь Народной артистки республики Узбекистан очаровательной балерины и исполнительницы национальных танцев Гульнары Маваевой.

Ключевые слова: танец, артист, искусство, балерина, творчество, театр.

LONG WAY TO THE TOP

Elchinbek Erkinovich Yusupov
elchinyusupov.vl@gmail.com
State Academy of Choreography

Abstract: This article describes the creative and life path of the People's Artist of the Republic of Uzbekistan, the charming ballerina and performer of national dances Gulnara Mavaeva.

Keywords: dance, artist, art, ballerina, creativity, theater.

Любители искусства помнят очаровательную Народную артистку Узбекистана солистку балета ГАБТ им. Алишера Навои исполнительницу узбекских и классических танцев Гульнару Маваеву. Её выход на сцену всегда дарил зрителям радость улыбку она своими выступлениями удивляла зрителей дарила душевный покой.

В те годы все газеты и журналы писали об этой очаровательной балерине. Она родилась в 1931 году 30 июля в Самарканде. Ещё не зная свою судьбу маленькая девочка Гульнара в Самарканде была счастлива и горда своими родителями. Её отец Низомиддин Маво был выдающимся личностью своего времени. Она всегда гордилась своим отцом. В 1937 году её отца репрессировали, и мать тоже была арестована. Это нарушило привычный уклад жизни маленьких девочек. Сестренке Эльмаре было три года. Гульнара была определена в 20-ый Ташкентский детский дом. Эльмару приютили родственники. Мать через три года была освобождена, но через год после тюремных мучений она скончалась от болезни. Отец был освобожден через двенадцать лет, но он также через год покинул этот мир. В детском доме для

одарённых детей Гульнара начала посещать балетную школу им. Тамары Ханум, где оказалась в руках таких замечательных педагогов как Мукаррама Тургунбаева, Уста Алим Камилов, А. Обухова, Р. Медведева, Н. Губская. Педагоги отдавали детям всю свою заботу, душевное тепло, учили мастерству хореографии. Окончив школу для одаренных детей она была направлена на учёбу в Москву. Её энергия, жажда знаний, целеустремленность заставила её работать над собой. Педагоги М.А Кожухова, А.А Руденко, Т. Ткаченко оттачивали в ней профессиональные навыки. После учёбы её уговаривали остаться в Москве, но она выбрала свой родной Ташкент, любовь к Родине была превыше любых предложений. Приехав в Ташкент она начала свою творческую деятельность в родном театре ГАБТ им. Алишера Навои. Эсмеральда "Эсмеральда", Наташа "Берег счастья", Хуанита "Дон Жуан", Принцесса Аврора "Спящая красавица", Гульнара "Балерина", Юлдуз "Мечта", Фанни "Тропую Грома". В этих балетных партиях она вложила всю свою силу, частицу своей души, творчество и талант. Этим творчеством она покорила сердца зрителей и на долгие годы оставалась любимой исполнительницей, которая сияла на сцене.

В спектакле "Маскарад" за образ Баронессы Штраль Гульнаре Маваевой было присвоено звание заслуженной артистки Узбекистана.



В 1953 году Гульнара Маваева принимала участие в фестивале Всемирной молодежи в Бухаресте и получила первую премию и золотую медаль за исполнение узбекского танца "Пилла" покорила сердца жюри и зрителей из Китая, Польши, Индии, Швеции, Судан, Норвегии, Ливии, Франции, Англии, Эфиопии.

Гульнара Маваева всегда считала, что важно не только владеть своей профессией, не только иметь талант и профессиональные знания, важно знать мировую литературу, балет и танцы мира. Она являлась участницей почти всех Декад узбекской литературы и искусства, проводимых в Союзных республиках, неоднократно гастролировала как солистка в странах Европы, Азии, Африки.

Кинематографисты увидев в ней красоту, обаяние, трудолюбие и талант пригласили её сниматься в художественных фильмах как "Улутбек" ("Танец с мечами"), "Ёр-ёр" ("Танец на крыше"), "Священная кровь", "Эй сарви равон", "Встретимся на стадионе" ("Хорезмский танец"), "Таланты Советского Союза", "Сёстры Рахмановы". Гульнара Маваева с лёгкостью справилась с ролями показав истинную красоту хореографического искусства. За многолетнюю деятельность, за плодотворный труд в развитии хореографического искусства она была удостоена звания Народной артистки Узбекистана. С 1974 года преподаёт в Ташкентском государственном институте культуры.

1975-1978 года она художественный руководитель в Ташкентском хореографическом училище. Она преподавая ученикам уроки мастерства хореографии также как и её педагоги учила их искусству вложила в них всю свою душу и все свои знания приобретённые за долгие годы творчества. Гульнара Маваева в основном относилась к своим ученикам, строго и профессионально. Считала, что каждый должен знать какое движение он исполняет. Особенно обращала внимания на руки, корпус и повороты в момент движения. Гульнара Маваева считала, что при исполнении важно не только душа, но и координация всего тела. Её ученики являются Народными и Заслуженными артистами Узбекистана. Многие из них живут и занимаются творчеством в зарубежных странах.



В 1967 году Маваева создала семью с Михаилом Назаровым у них родилась дочь Наталья. Сейчас она проживает в Москве и занимается творческой деятельностью. У Гульнары Маваевой два внука, которых она любит и очень ими гордится. «Я очень счастливый человек говорит Гульнара Маваева, искусством покорила сорок две государства мира. Двадцать шесть лет я отдал танцу в ГАБТ им. Алишера Навои, пятьдесят три года педагогической деятельности». Сейчас Народной артистке Узбекистана, замечательной женщине, исполнительнице национальных и классических танцев Гульнаре Маваевой девяносто лет. Пусть будет доброй и прекрасной жизнь ваша. Ваша

имя занимает особую нишу в многогранном искусстве Узбекистана. Навеки вписано золотыми буквами в историю нашего театра, и всего балетного и хореографического искусства Узбекистана. Хочется пожелать вам здоровья, благополучия, активной творческой жизни. Гульнара Маваева гордость Узбекистана и пусть на долгие года ваши советы и наставления будут доставлять радость вашим ученикам и окружающим вам родным людям.

"Человечность сделала меня знаменитой. В жизни каждого из нас рано или поздно случаются определённые трудности. И чтобы их преодолеть нужно иметь очень большую выдержку и силу воли. Поэтому надо знать что жизнь-это прежде всего то, что происходит с тобой в данный момент и не более того.

Гульнара Маваева.

Использованная литература

1. Тохтасимов Ш.М, Хегай Д.С «Гульнара Маваева», «Extremum Press» 2017г
2. K.Sagatov, M.Muhamedova O'zbekiston madaniyati va san'ati fidoyilari «Navro'z» 2019 у.
3. Л. Авдеева «Из истории узбекской национальной хореографии» 2001г.
4. Елена Кари-Якубовна «Жизнь-это вечное развитие» «Культура». Уз 2020г
5. «Гульнара Маваева» «Кино и театр» 2019г

АЁЛЛАР САНЪАТИ: КЕЧА ВА БУГУН

Қурбонова Мукамалхон

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Фарғона минтақавий филиали

Аннотация: Мақолада аёллар санъати хусусан, яллачилик, қизиқчилик санъатининг тараққиёт босқичлари, ушбу санъат ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар ижод намуналари ҳақида маълумотлар келтирилган. Фарғона водийси аёллар санъатининг ривожига ўзига хос ўрни, хонликларгача бўлган ва хонликлар даври, мустамлака даври, мустақиллик йилларида аёллар томонидан ижро этилган лапар, ялла, ашула, қизиқчилик санъатининг ўзига хос томонлари ёритилган. Ижро дастурларидан ўрин олган қизиқчиликлар, лапарлар, яллалар, намуналар келтирилган. XVIII-XIX асрларда Қўқон хони Худоёрхон даврида ижод этган санъаткор аёллар ва уларнинг давомчилари номлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Яллачилик, лапар, созанда, доира, дутор, рақс, кўшиқ, қизиқчилик.

WOMEN'S ART: PAST AND TODAY

Kurbanova Mukammalxon

Fergana regional branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: The article provides information about the stages of development of women's art, in particular, yallachilik, the art of hobby, the works of artists who contributed to the development of this art. The unique role of the Fergana Valley in the development of women's art, the peculiarities of the art of lapar, yalla, singing, hobby, performed by women before the khanates and during the khanate period, the colonial period, the years of independence. Interests, lapars, yallas, samples from the performance programs are given. The names of women artists and their successors created in the XVIII-XIX centuries during the reign of Kokand khan Khudoyorkhan are mentioned.

Keywords: Yallachilik, lapar, sozanda, doira, dutor, dance, song, hobby.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзбек халқи миллий қадриятлари, миллий маданияти, бетакроп санъати, мумтоз мақом ашулалари, халқ оғзаки ижоди ва барча санъат жанрлари қайтадан жонланиб, тикланиб, жаҳонга юз тутди.

Давлатимиз томонидан санъат ва адабиётимиз, театр санъатимизнинг ривожланиши учун алоҳида эътибор берилиб, бу соҳанинг ривожланишига барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Ўзбекистонда Ватанимиз келажак ворислари бўлган ёш авлодни етук, билимли, салоҳиятли, баркамол қилиб вояга етказиш учун барча ғамхўрликлар қилинмоқда. Ёшларимизнинг таълим олишлари учун кўплаб имкониятлар мавжуд.

Ўзбек халқининг мусиқа бойликларини тўплаш ва ўрганиш, уни ёш келажак авлодларимизга ўргатиш, устоз- шогирд анъаналарини изчил давом эттириш ҳозирги кунда муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу мусиқа ва санъат бойликларидан ижодий фойдаланиш учун уларни ҳар томонлама чуқур ва мукамал ўрганиш лозим. Тарихий ёдгорликлар, кўҳна ёзма асарлар, археологик қазилмалар, ўзбек халқ оғзаки ижодини, миллий санъатимизни жуда қадимийлигидан далолат беради. Ҳар бир санъат жанрининг бошланиши, ибтидоси халқ оғзаки ижоди маҳсулидир. Демак санъатимизнинг энг қадимий манбалари фольклоршунослик халқ оғзаки ижоди, яъни фольклор кўшиқлар, аллалар, яллалар, меҳнат ва маросим кўшиқлари, мақоллар, маталлар, эртақ, афсона, миф, асотир, ривоятлар, дoston, ўланлар асосида таркиб топган. Яна бунга мисол тариқасида қадимги давр фольклори, маросим фольклори, болалар фольклори, халқ лирикаси, фольклор ва ёзма адабиёт, ўзбек халқининг эпик жанрлари тизими, халқ дostonчилиги, дostonчилик мактаблари, уларни эпик анъаналари, туркий халқлар фольклорини ўзаро алоқалари, оғзаки театр ва халқ томоша санъати, оғзаки, анъанавий халқ кўшиқлари, мусиқалари, барча воҳа ва ҳудудларга хос рақс санъатларини алоҳида тилга олишимиз мумкин. Қадим-қадим замонлардан фольклор асарлари намуналарини лапарчилар, ўланчилар, аскиячи ва қизикчилар, кўғирчоқбозлар, ровийлар, маддоҳ ва эртақчилар, бахшилар, дostonчилар, кўшночлар халқ ўртасида ижро этишган ва тарғиб қилишган.

Узоқ ўтмиш маданий ёдгорликлари ва ёзма манбаларидан маълум бўладиги, қадимий туркларда нафақат эркақлар фольклори балки аёллар фольклори ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қадим-қадимдан шарқда аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқелари юксак даражада бўлган. Аёл санъаткорларнинг жамиятдаги алоҳида ўрни бўлган. Бошига рўмол ўраган, узун кўйлак кийган ифбатли аёл-мусиқачилар эъзозланган, созанда ва хонанда аёлларнинг тасвирлари акс этган терракота ҳайкалчалари ва деворий суратлар ашъвий далил бўлиши мумкин.

Фарғона водийсида ҳам узоқ ўтмишга оид маданият масканлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудлардан кўплаб мусиқа илмига оид манбалар топилган.

Чуст, Мунчоктепа, Косон каби кўҳна шаҳарларда олиб борилган кўплаб археологик изланишлар натижасида бу ҳудудларда қадимги маданият ўчоқлари бўлганлиги аниқланган. Жумладан, Академик А.Асқаров раҳбарлигидаги

археологлар 1989 йилда Поп туманида жойлашган кўхна Мунчоктепа шаҳри сағаналарини ўрганиш орқали қадимги аждодларнинг жун, пахта ва ипакдан тайёрланган кийим-кечаклари, меҳнат қуроллари ва турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотларни қўлга киритганлар. Топилмалар орасидан мусиқага оид топилмалар ҳам мавжуд. Шу ўринда мусиқачи ёнидан чиққан, чарм ғилоф ичида яхши сақланган 1500 йил аввалги қўшнаё ҳозирги қўшнаёдан деярли фарқ қилмаслиги эътиборлидир.

Узоқ ўтмишда халқ маросимлари ва маълум бир урф-одатлар билан боғлиқ (масалан, тўй кўшиқлари, йиғи-йўқлов) айтимларни ижро этиш фақат аёл ва қизлар зиммасида бўлган. Қадимдан келаётган шундай маросим кўшиқлари қаторига “Ёр-ёр”ларни киритиш мумкин. Ўзбек аёллари ҳаёти нинг ажралмас қисми ҳисобланган бундай айтимлар, “Алла” ва “Йиғи” сингари, аёллар қалбидаги мукаддас ҳис -туйғулар билан уйғунлашади. Узоқ даврлардан бугунги кунгача ўз қийматини йўқотмай келаётган “Ёр-ёр”лар бизга аён бўлган аёллар яллагилик санъати оҳанглар тизимининг туб негизини ташкил этганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Қадимдан келаётган шўх рақсли айтимлар янги мазмун билан қайта жонланиб, ҳозирда маълум лапар ва ялла жанрлари кўринишида шаклланган.

“Ўзбекистонда мусикали драма ва опера каби жанрларнинг шаклланишида Фарғона водийси яллагилик санъатининг алоҳида ўрни борлигини эътироф қилиш жоиз. Биринчидан, кўшиқ айтиш, дутор чертиш ҳамда рақсга тушиш санъатларини ўзида мужассам этган яллагилик санъатида театрға якин жиҳатлар мавжуд. Иккинчидан, айрим яллалар, ўзига хос кичик саҳнавий кўринишлар тарзида ижро этилади. Масалан «Қилпиллама», «Бозорға боққол», «Энажон» каби яллалар кичик саҳна кўринишида икки яллагили аёл томонидан ижро этилади.”¹

Бу каби маълумотлар ҳақида Мамажон Раҳмоновнинг «Ўзбек театри тарихи» китобида ҳам қуйидаги фикрлар келтирилган: “Туркстонда қадимда аёллар труппалари бўлган. VII асрда араб истилосидан кейин эрлар ва аёллар театрларини ажраб чиқиши аёллар труппаларини ичкарида мустикал ривожланишига олиб келди.”² XVIII-XIX асрларда Қўқон хони Худоёрхон давридаги аёллар труппалари хоннинг оймлари ва канизаклари учун турли томошалар қўйганликлари маълумотларда келтирилади. 1884-йилларда Наманганнинг бир карвонсаройида аёллар труппаси томонидан бир неча спектакллар қўйилганлиги ва томошани минглаб томошабинлар кўрганлиги ўша даврда аёллар труппасини катта кучға эға эканлигидан далолат беради. Шу йилларда донғи чиққан Самарқандлик аёл санъаткор Қурбонхоним, Рустам биби,

¹ Н.Турғунова Яллагилик санъатининг саҳнавий талқинлари. УзДСМИ хабарлари-2019/3(11)

² М.Раҳмонов “Ўзбек театри тарихи” Тошкент 1975 й 59 б

Мадалихон даврида Зухра кизик, Худоёрхон даврида Иқлим додхо, Душим кампир, Қора тўқай, Зебунисо, Жаҳон отин номлари, яна Фарғонада Хувайдо отин, Айнисо ҳофиз, Исирға отин, Эллиқбоши ҳофиз ҳам ижод қилганликлари келтириб ўтилган. Улар спектакллари ичкарида аёллар даврасида ўтказар эдилар. Аёллар труппасида ўтказиладиган ўйинларда спектаклдан кўра мусиқа, куй, лапар, ялла, ашула ва рақс санъати устунлик қилар эди. Уларнинг орасида қизикчилар, ашулачилар, созанда ва раққосалар бўлар эди, аёллар фақат доира ва дутор чалишган. Ижро дастурларидан қизикчиликлар, лапарлар, яллалар, рақслар, сахна кўринишлари жой олган.»³

Бу каби манбалардан хулоса қилиш мумкинки, Шарқда, хусусан, водийда аёллар санъатининг таракқий этиши қадим илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади.

XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида рақс санъати ривож топди. “Катта ўйин”, “Кема ўйини” каби жамоавий рақслар такомиллашди. Бу вақтда Фарғонада “Хона базм”, “Хуфя базм” деб аталадиган ва ашула билан олиб бориладиган лирик ва шўх ўйинлар таракқий топди. Хон саройида ичкари ҳовлида Ойимлар ва канизлар йиғилишиб турли базмлар уюштиришган, ўйинкулгу қилишган. Аёллар ичида ҳам қизикчилар ва аскиячилар бўлган. Улар турли қизикчиликлар (интермедия), аёллар пайрови асосида тарафма-тароф аския қилишган. Ҳаммадан ҳам “Кема ўйини” қизик бўлган. Даврага бир гуруҳ қайиқлар сузиб кирадилар. Қайиқчилар кўшиқ айтиб, кўшиқ оҳангига мослаштириб эшкак эшадилар. Улар Ойимлар ва уларнинг бой меҳмонлари томон “сузиб” келиб, пул йиғадилар. Қайиқлар қаттиқ қоғоздан ишланган бўлиб, тагидан икки оёқ учун тешик очилган. Қайиқ атрофи сув рангидаги парда билан ўралганлиги учун оёқлар кўринмайди. Янада ишончли бўлиши учун, қайиқнинг оёқ қўйиладиган жойига ясама (сохта) оёқ ўрнатилган бўлади.

Бу ўйинни Хитойда бўлган савдогарлар Қўқон хонига айтиб беришганлиги, хонга маъқул бўлган бу ўйин мамлакатда тадбиқ этилгани, кейинчалик бу ўйин болалар ижросида ижро этилгани тўғрисида Х.Бобобековнинг “Қўқон тарихи” китобида қизиқарли маълумотлар берилган. Бугунги кунда тўй маросимларда болалар ижро этилаётган “от ўйини” рақси шундан келиб чиққан.

“Аёллар қизикчилиги (театри)—ўзбек хотин-қизлари орасида тарқалган халқ оғзаки санъатининг бир тури. XVIII—XIX асрларда кўпгина шаҳар ва қишлоқларда бу санъат катта роль ўйнаган. Масалан, XIX асрда Қўқонда Иқлим додхоҳ деган санъаткор раҳбарлигида аёл қизикчилар тўдаси бўлган. Уларнинг репертуари турли хил қизикчиликлардан, кулгили ҳикоялардан, ҳажвий кўшиқлардан ва яллалардан ташкил топган.

³ М.Раҳмонов “Ўзбек театри тарихи” Тошкент 1975 й

Аёллардан кўплаб таниқли масхарабоз ва қизиқчилар чиққан. Улар кўрсатган айрим томошаларда бойлик ва камбағаллик, ижтимоий масалалар ҳам кўрсатилган. Бош мавзу эса хотин- қизларнинг ўй-фикри, орзу-истаклари, тақдири ва ҳаётидан олинган. "Ўсма кўйиш", "Кундошлик", "Подачи", "Малла девона" асарларда аёлларнинг оғир меҳнати ва аянчли қисмати тасвирланса, "Замбур", "Домла эшон", "Лой совун" комедияларида амалдорлар ва руҳонийларнинг кирдикорлари фош этилган. Аёллар қизиқчилиги театрларида ахлоқ, турмуш, оила ва тарбия мавзуидаги томошалар ҳам ташкил этилган. Бунда "Она билан қизнинг тўйга бориши", "Қайнона келин жанжали", "Чолнинг уйланиши" каби сахналар мисол бўлади. Аёллар томошаларида ижодкор ҳам, ижрочи ҳам, томошабин ҳам аёллардан ташкил топган."⁴

Шу ўринда Кўкон хонлиги даврида ичкари ҳовлида ўтказиладиган базмлар тўғрисида.

"Қобилияти бор канизлар шаҳарнинг машҳур аёллари бўлган Нусрат Ҳофиз, Тилло Ҳофиз, Тожи Ҳофиз, Мисқол Ҳофиз, Хон Оғача, Нисоқ Оғача, Улуғбиби ўйинчи, Шоҳбачча, Ражабхон, Тошҳофиз ва марғилонлик Зебихонлардан рақс, соз, ашулага таълим оладилар. Базмларни ана шу канизлар қизитиб, ўтирганларни сел қиладилар, ўзларининг кичик ўтиришларида енгил-елпи лапар, ўланларни айтсалар ҳам, катта базмларда жиддийроқ ашулаларни айтадилар, рақси ҳам шунга яраша бўлади."⁵ Куйида улар айтган ашулалардан баъзиларининг матнларини келтирамиз:

Азал деҳқони қадинг таҳлини то сарбаланд этди,
Муҳаббат риштасин кўнгул қуши бўйниға банд этди.
Бу танҳо меҳрибоним масти лояъқил чиқиб ваҳким,
Бошимга сакратиб жони таним гарди саман этди.
Малоик шаҳнаси хуршиди ҳуснинг сакрашидур деб,
Олиб ойлонтириб таъзим учун гардунға банд этди.
Ямон кўз тегмасун деб ҳуснунга эй, хўблар шоҳи,
Жамолинг ошина ул дона ҳоли(ни) сипанд этди...

Канизлар ўзлари қолганларида эса, терма ва лапарларга ўтадилар:

Кўзам олиб сувга чиқсам, оҳ уродир бир йигит,
Кўзам кўюб қулоқ солсам, ёрдин айрилган йигит.
Ёрдин айрилғон йигитнинг ёри ман бўлсаммукан?
Кўлиға қирғий беруб, кўксида жон берсаммукан?
Дарёнинг нарёғида бир тўп ғўза,
Ул ғўзанинг тағида олтин кўза.
Жон ака, жоним ака, арзим сизга,

⁴ Ўзбек Совет Энциклопедияси 1-жилд 171 б

⁵ Яхёхон Дадабоев Т. 2016. 546

Бир кеча кўшиб кўйинг қаро кўзга.

Дарёнинг нарёғида кўй берамиз,

Тўтикуш боласиға тўй берамиз.

Тўтикуш боласиға емак керар,

Ёр билан ўйнамоқға юрак керак.

Саройда тутқинликда, ота-онаси, яқинларидан йироқда бўлган канизаклар қалб дардларини куйга солади.

Ёр юрган кўчаларни,

Супурай сочим билан,

Чанги чиқса сув сепайин,

Кўздаги ёшим билан.

Булбул келиб сайрасин,

Жонимға дармон айласин.

Кимнинг майли кимда бўлса,

Кўяберинг ўйнасин.

...

Ака отинг уч яшар,

Ўрама жуллар ярашар.

Сиздек оппоқ йигитга,

Биздек жувон ярашар.

Чумчуқлар чиррилайдир,

Шом бўлганга ўхшайдир.

Юрагим дуккилайдир,

Ёр келаганга ўхшайдир...

“Ҳарамда урф-одат, расм-русум, анъаналарга қатъий амал қилинган. Бола туғилиши олдидан ис чиқариш, туғилганидан сўнг тўққиз кеча, ўн бир кеча, бешикка солар, соч олар, бешик тўйи, тетапоя қилганда сочалок; Биби Сешанба, Биби Чоршанба, ифторлик, Хатми Қуръон, Мавлуд, Чиллагирозон, чақирик, меҳмон йиғди, мучал тўйи, қурбонлик ва бошқа маросимлар мунтазам тарзда ўтказиб турилган. Маросимларга Ўрда ташқарисидан отинойилар, йирик мансабдорлар, эшонлар, тўралар, бойларнинг хотинлари, қизлари ҳам таклиф қилинган. Шунингдек, ўрдада тўйлар ҳам бўлиб турган: ўғил уйланган, қиз чиқарилган, хатна тўйлари қилинган”⁶. Никоҳ тўйларида куйидаги ёр-ёрлар айтилган:

... Иншоолло шу кеча тўйхонадир ёр-ёр,

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, хақ Мустафо ёр-ёр.

Келин салом қилдилар, қизлар келуб ёр-ёр,

Хақ Мустафо кўзлари ёшга тўлуб ёр-ёр.

⁶ Я. Дадабоев Т.2016. 546

Фотимани ул дамда, хижолат тутиб ёр-ёр,
Худойимдан ул замон, рухсат бўлуб ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан, жоним фидо ёр-ёр,
Ёр-ёр айтиб ўйнашиб, барча қизлар ёр-ёр...

Отинбибидан канизлар ва қизлар ёр-ёрни илиб кетадилар:

Тахта-тахта зар кўприк тахтинг бўлсин ёр-ёр,
Хон ҳазратин қизларидек бахтинг бўлсун ёр-ёр.
Хон ҳазратин қизларини Али олган ёр-ёр,
Ёр-ёр айтиб қиз бериш хондан қолган ёр-ёр.
Йиғлама қиз йиғлама тўй сеники ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники ёр-ёр.
Қоматлари келишган ёр сеники ёр-ёр,
Сутдан ўтган номусу-ор сеники ёр-ёр.

...

Дарё тўлқин, сувлар тошқин, ўтолмайман, ёр-ёр,
Отим ориқ, манзилимга етолмайман, ёр-ёр.
Отгинамни ориқ қилган шу майда тош, ёр-ёр,
Рангинамни сариқ қилган ул қалам қош, ёр-ёр.
Ҳовлимизнинг орқасида ҳайинчакка, ёр-ёр,
Чакка кўйлак ярашади келинчакка, ёр-ёр.
Чакка кўйлак енгига тут қоқайлик, ёр-ёр,
Куёв тўра бағрига ўт ёқайлик, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, гул кесганим, ёр-ёр,
Бир ҳовлида қувалашиб, тенг ўсганим, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, гул қайда бор, ёр-ёр,
Бир яхшига бир ёмон, ҳар қайда бор, ёр-ёр.

Лапар куйлари рақсий характерда бўлиб, одатда икки киши томонидан диалог (айтишма) тарзида ҳамда рақс-ўйинлар билан ижро этилади.

Ялла жанрининг асосини ҳам рақсли куйлар ташкил этади. Улар икки турга бўлиниб, биринчи тур яллаларга диапозони унча кенг бўлмаган, кўп жиҳатдан кўшиқларга яқин бўлиб, нақоратларнинг доимийлиги билан ажралиб туради. Нақоратни бир киши томонидан эмас, балки унисон хор (кўпинча тингловчилар) томонидан айтилади. Айтиш вақтида, нақорат билан айтиладиган ялланинг асосий бандлари эса яккахон яллачи томонидан рақс тушиб ижро этилади. Иккинчи тур яллаларга эса, аксинча, ўз тузилиши жиҳатдан ривожланган куйлар характерли бўлиб, ундаги куй асосий бандини нақоратлар орасида олинганини кўрмаймиз. Бу турдаги яллалар одатда унисон хор ва яккахон яллачининг маълум тартибда навбатма-навбат айтиши билан бирга рақс этувчи сифатида ҳам яккахон яллачи

ҳамроҳлигида махсус раққоса ўйинга тушади.бу турдаги ялла куйларининг ривожланганлиги даражаси кўп томондан ашула жанрига яқин келади. Якка ҳолда яллагчилар ўз кўшиқларига дутор ёки доирада жўр бўлишади. 2-3 аёлдан иборат ансамбллар доира жўрлигида куйлашади.

Бундай ижролар Ўзбекистоннинг турли воҳаларида ўзининг алоҳида услуб ва йўналишларига товуш ҳамоҳанглигига эга бўлганидек, Фарғона водийсида ҳам ўзига хос ижрочилик маданиятининг профессионаллик даражасига кўтарилган ёрқин санъат намунасидир. Турли даврларда Фарғона водийсида ушбу жанрларни машҳур ижрочилари яшаб ўтганлар. Жумладан, Нусрат Ҳофиз, Мисқол ҳофиз, Тош ҳофиз, Ражабхон, Лутфиҳон ая, Адолатхон ая, Ҳадяхон Ҳамдамова сингари ҳофизлар бу анъанани давом эттириб келганлар.

Ўзбекистон халқ артисти, "меҳнат шухрати" ордени соҳибаси Раҳима Мазоҳидова ана шу устозларнинг ижрочилик йўлларини юқори даражага олиб чиққан, бу борада алоҳида мактаб яратган санъаткордир. Устоз санъаткор Раҳима Мазоҳидова репертуари жуда бой бўлиб, ҳар хил жанрларда куйлар эдилар. "Омонёр"ларни устоздек маҳорат билан ҳеч ким айта олмаган. "Тановор", "Қари наво", "Мужгонларинг", "Ҳо-Ҳо", "Кўрдилар", "Қандинаво", "Гулзорим", "Феруз", "Пахтакорим", "Бўлмагай", "Кўқон ёр-ёри" сингари қирқдан ортиқ ижролари олтин тасмаларга ёзилган.

Мен боғларга кираман

Қизил гуллар тераман

Оқ олтинни тўлдириб

Давру-дарон сураман.

Отма мани тошлар билан омонёр,

Учиб борай қушлар билан омонёр.

Қушлар кетса ман кетолмайман,

Мактаб тўлсин ёшлар билан омонёр.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдузхон Исматова билан узоқ йиллар ҳамкорлик натижасида "Тановор", "Омонёр", "Кўқонда юз очар" дастурлари асосида қатор фильм концертлар яратилди, ўнлаб ансамбллар ташкил этилишига туртки бўлди.

Устоз Раҳима Мазоҳидова ижод билан чегараланиб қолмай, устозлардан ўрганган лапар, айтишув, маросим кўшиқларини янгидан тиклаб алоҳида ансамбллар тузди ва маҳаллалардан оддий санъатга чанқоқ қизлар ва аёлларни жалб қилиб, профессионал ансамбллар даражасига етказди. Шулардан бир намунаси Дегрезлик маҳалласидаги "Омонёр" халқ фольклор дастасидир. Бу ансамблнинг иштирокчилари ўз даврида 50 нафарга етди. Йиллар давомида ўз сафини ва дастурини янгиллаб борди. Ҳозирда бу ансамбил иштирокчилари нафақат Республикамиз, ҳатто чет эл томошабинларини ҳам лол қолдирдириб

келмоқда. Ансамбл ижро этган лапар, ёр-ёрлар, ўлан, айтишув сингари намуналарни устоз халқ орасидан излаб топдилар ва сабот билан ўз шогирдларига ўргатдилар.

Халқ кўшиқлари фақат яхшилик кунларида айтиладиган ижролардан ташқари, дафн маросимларида йиғлаб айтиладиган гирён йиғи кўшиқларини ҳам ўз ичигша олади. Устоз санъаткор ушбуларни ҳам аниқ ижро орқали намоён қилиб, алоҳида дастур яратдилар.

Бугунги кунда доира чалиб лапар айтаётган қиз- аёллар опани ўзларига устоз деб билишади. Опанинг ўнлаб шогирдлари унинг хайрли ишларини давом эттириб келмоқдалар. Энг севимли шогирдларидан Хурсаной Қодирова ёшлардан иборат "Қўқон ёр-ёри" фолклор дастасини тузиб, устоз анъанасини давом эттириб келмоқда.

Хурсаной Қодирова ансамблга бадиий раҳбарлик қилиш билан бирга асрлар оша сақланиб келаётган ўзбек халқ лапар ва кўшиқлари ҳамда урф-одатларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиб келмоқда .

Лапар ва кўшиқлар мавзу ва ижро усули йиллар давомида ижтимоий ҳаёт ўзгариши билан ўзгариб борди. Бу жиҳатларни Р.Мазоҳидова ва унинг шогирди Х.Қодирова ижоди мисолида кўришимиз мумкин.

Йиллар ўтиши билан турмуш тарзи ижтимоий муҳит ўзгариши, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларга бўлган муносабат яхшиланганлиги сабабли ижро этилган яллалар мазмуни ҳам ўзгариб борган. Ўтмишда асарлар мунгли дард, хасрат билан куйланган бўлса ҳозирги дориломон кунларда шўх-шодон, бахтли ҳаётни мадҳ этувчи куй-кўшиқлар ижро этилмоқда.

Мисол тариқасида Р.Мазоҳидова ижросидаги лапарни кўришимиз мумкин:

Қиз боланинг яхшиси ҳам чой фуруш ҳам гўшт фуруш

Шошганида арзон фуруш баччалик ҳам осон эмас

Лапарда ижрочининг ҳаёти акс этган бўлиб, ҳаётидаги қийинчиликлар, қилган ишлари куйга солинган.

Ушбу ялла шогирди Х.Қодирова ижросида куйидаги талқинда ижро этилган:

Қиз болани яхшиси ҳам жой қилур, ҳам чой қилур

Шошганида меҳмон қилур, келин бўлиш осон эмас

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар яллага кўчганини кўришимиз мумкин.

Боғим бор, боғбоним бор, ака дул дур той

Боғимда бўстоним бор е, ака дул дур той

Армоним йўқ бир қизман, ака дул дур той

Лавзи ҳалол ёрим бор е, ака дул дур той

Акам мени йу солди , ака дул дур той

Деразасига гул солди е, ака дул дур той

Деразасидан қарасам, ака дул дур той

Пақир билан бир солди е, ака дул дур той

Даврлар ўзгариши, инсонлар ҳаёт тарзидаги ўзгаришлар халқ кўшиқларида ҳам ўз аксини топганининг гувоҳи бўламиз. Мустақиллик йилларида дорилмон кунларни тараннум этувчи яллалар сони кўпайди. Турли мавзудаги яллалар яллачилар дастуридан ўрин олди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.Раҳмонов. Ўзбек театр тарихи. "ФАН"нашриёти. 1975й
2. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 1-жилд
3. Ҳ.Бобобеков. Кўкон тарихи. "ФАН"нашриёти. Тошкент. 1996й
4. Я.Дадабоев. Худоёрхон ўрдаси. 2016й
5. С.Маннопов. Навобахш оҳанглар . " IJOD PRESS". Тошкент. 2018й
6. Н.Турғунова.Яллачилик санъатининг сахнавий талқинлари.УзДСМИ хабарлари. 2019/3(11)
7. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH, 10(4), 788-792.
8. Абдуназаров, З. (2021). ИЖОДИЙ СИНТЕЗ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РЕЖИССЁРНИНГ РОЛИ. Oriental Art and Culture, (6).
9. Haydarov, A., Akbarov, T., & Abdunazarov, Z. (2020). High purpose and leading action. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 10(12), 609-615.
10. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the sytem of Higher Education. European Journal of Arts, (1), 125-128.
11. Абдуназаров, З. (2020). Тимсоллар сиймосини яратиш. Oriental Art and Culture, (III), 146-150.
12. Абдуназаров, З. (2020). Миллий ўйинларимиз иштирокида ёш актёрларни тасавури ва диққатини чархлаш. Oriental Art and Culture, (III), 134-138.
13. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the sytem of Higher Education. European Journal of Arts, (1), 125-128.
14. Болтабоева, У. (2020). ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ГУРУХЛАРИДА САҲНАВИЙ НУТҚНИНГ АҲАМИЯТИ. Oriental Art and Culture, 1(5), 85-92.
15. Boltaboeva, U., Gofurova, B., Pulatov, R., & Mamatkulov, B. (2020). Methods of improving the young actors speech. ACADEMICIA: AN

INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 10(12), 1114-1123.

16. Болтабоева, У. (2021). МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

17. Эргашев, К., & Болтабоева, У. (2021). УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАР НИГОҲИДА. *Oriental Art and Culture*, (6).

18. Болтабоева, У. (2021). ЎЗБЕК ТЕАТРИ САҲНАЛАРИДА ТИЛ ВА НУТҚ МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 171-180.

19. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.

20. Usmonov, S., Boltaboeva, U., & Akbarov, T. (2021). Principles of working on a monologue with future actors. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 28-38.

21. Boltaboeva, U., Usmonov, S., & Akbarov, T. (2021). A Look at Askia Art. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2277-2284.

22. Usmonov, S., Boltaboeva, U., Rahmonova, N., & Akbarov, T. (2021). Pedagogical Approaches To Educating Future Actors. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(05), 85-90.

23. Болтабоева, У. (2019). Ижодкор шахс-актёрни тарбиялашда жонли сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 37-39.

24. Раҳматуллаева, Ш., Болтабоева, У., & Каримов, Б. (2019). Фольклор санъати ва халқ достонлари: кеча ва бугун. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 46-49.

25. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Tursunova, G. (2020). Importance of tongue twisters and proverbs in overcoming speech defects. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2902-2905.

26. Болтабоева, У. (2020). Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental Art and Culture*, (I (2)), 26-32.

27. Boltaboeva, U. (2019). Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology. *Eastern European Scientific Journal*, (1).

28. Boltaboeva, U., Sh, U., & Rahmonova, N. (2019). Creative person-the role of live word in educating an actor. *European Journal of Arts*, (3).

29. Boltaboyeva, U., Rakhmonova, N., & Usmonov, S. (2020). Characteristics of speech Art: problems and solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 559-567.

30. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). Factors that should be considered in musical theater actors education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 57-61.

31. Tursunova, G. (2021). *BALET RAQS SAN'ATINING O'RNI VA TARIXIY TARAQQIYOTI*. *Oriental Art and Culture*, (6).

32. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). *PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE*. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(Conference), 4-4.

33. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.

34. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

35. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

36. Юлдашева, С. Н. (2020). СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ АУДИТОРИИ. ТИПОЛОГИЯ ЧИТАТЕЛЕЙ. *Oriental Art and Culture*, (V).

37. Sohibaxon, Y. (2021). O'ZBEKISTONDA KUTUBXONACHILIK SOHASINING RIVOJI. *Oriental Art and Culture*, (7), 260-268.

38. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

39. Yuldasheva, S., Habibjonov, I., & Haydarov, A. (2020). Librarianship in the formation of book reading. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2925-2927.

40. Юлдашева, С. (2019). Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 59-62.

41. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

42. Yuldasheva, S., & Madumarova, M. (2020). TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS. *European Journal of Arts*, (1), 148-152.

43. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.

44. Gofirjon Yunusov, R. A., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look at the Folklore of Fergana Valley or History of a Song in the Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2822-2827.

45. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

46. Talaboyev, A., Yunusov, G., & Ahmedov, R. (2020). Local methods of traditional singing. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2916-2920.

47. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

48. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

49. Usmonov, S., & Talaboyev, A. (2021). Work of the director with an artist. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2407-2410.

50. Талабоев, А. (2019). Мақом санъатида сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 25-28.

51. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. (2020). SONG PERFORMING IN TRADITIONAL PERFORMING ARTS: PAST AND PRESENT TIM. *European Journal of Arts*, (1), 85-88.

52. Dadaboev, Y., & Dehqonov, R. Hordo Structures in Central Asian Architecture.

53. Дехқонов, Р. (2020). СОҒЛОМ АВЛОДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ҲАМКАРЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ҲАМКАРЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (V).

54. Utaganov, R., Dehqonov, R., & Tuxtasinov, M. (2020). MAIN ADVANTAGES OF TEACHING METHODS IN ARTS. *European Journal of Arts*, (2), 146-148.

55. Usmonov, S., Utaganov, R., & Dehqonov, R. (2020). Director's knowledge and approach in performing classical plays. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2921-2924.

56. Haydarov, A. (2019). АКTYORLIK SAN'ATIDA VOKALNING O'RNINI. *Интернаука*, (19-4), 55-56.

57. Haydarov, A. (2020). QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH. Oriental Art and Culture, (IV).

58. Хайдаров, А. (2021). ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭСТЕТИК БАРКАМОЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ. Oriental Art and Culture, (6).

59. Haydarov, A. (2021). The role of Uzbek folklore in the aesthetic development of youth. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 1973-1977.

60. Askarova, M. (2020). Homil yakubov's views on navoi studies. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 10(12), 788-792.

61. Асқарова, М. (2021). АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ. Oriental Art and Culture, (7), 209-216.

62. Askarova, M. (2021). Homil Yakubov's views on Oybek lyrics. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 2412-2415.

63. Мад, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРА ХОНИМНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА САНЪАТДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. Oriental Art and Culture, (7), 160-170.

64. Мадолимов, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (1941-1945 ЙИЛЛАР). Oriental Art and Culture, (7), 144-151.

К.С.СТАНИСЛАВСКИЙ ТАЪЛИМОТИДА АКТЁРНИНГ САҲНАВИЙ ТАРБИЯСИ

Х.Умарова

М.Қурбонов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Фарғона минтақавий филиали

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда ўзбек театрларида ва санъат даргоҳларида К.С.Станиславский таълимотида актёрнинг саҳнавий тарбияси масалалари тўғрисида батафсил маълумот берилган.

Калит сўзлар: Маданият, санъат, актёр, режиссёр, ижро, темпо-ритм.

STAGE EDUCATION OF THE ACTOR IN KS STANISLAVSKY'S TEACHING

X.Umarova

M.Qurbonov

Fergana regional branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article provides detailed information on the issues of stage education of the actor in the teachings of KS Stanislavsky in Uzbek theaters and art schools.

Keywords: Culture, art, actor, director, performance, tempo-rhythm.

Жаҳон маданияти ва санъати томонидан эътироф этилган Станиславский таълимоти ҳамда Миллий театр намоёндаларининг ҳаётий тажрибасидан ўтган илғор тажрибалар миллий актёрлар тарбиясида услубий қўлланма бўлиши керак.

Мазкур усул ва таълимотлар асрлар давомида шаклланиб, синовлардан ўтиб, санъат қонуниятлари асосида ривожланиб келди. Миллий уйғониш, зулм ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик, оддий халқ туриштурмуши билан боғлиқ юксак ғоялар ҳозирги кунимиздаги энг илғор санъат шоҳсупасига олиб боровчи бирданбир тўғри йўл ҳисобланади.

Станиславский томонидан кашф қилиниб, театр тажрибасидан ўтган «*актёрлик маҳорати таълимоти*» театр санъати тарихида буюк ўзгаришларга олиб келди. Сабаби бу таълимотга асосланган қонуниятлар замирида инсонга табиат томонидан берилган кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш, таъмбилиш ҳислари ётади. Ушбу қонуниятлар театр санъатининг ўзига хос томонларини мужассамлаштирган. Мазкур реалистик (лотинча: бадий умулаштирилган

ҳақиқат) таълимотни миллий театр санъати амалиётида қўллаш энг тўғри ва оқилона йўлдир. Чунки Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаевлар шу йўлдан борганлар.

Станиславский таълимотидан оқилона фойдаланиш учун уни синчковлик билан ўрганиш керак. Агар бу таълимотдан оқилона фойдаланилмаса, билағонлик қилиб, юзаки татбиқ этилса, мутлақо тескари натижага эришиш мумкин.

Бу таълимотнинг асосий жиҳати шундаки, у ҳаётни ҳаққоний акс эттириш учун хизмат қилади. Бу таълимот бошидан охиригача ҳаётий ҳақиқат тушунчаси билан суғорилган. Шунинг учун театр олий ўқув юрти ўқитувчиси, ўз талабасини, ясама сохта ҳақиқат билан ҳаётий ҳақиқатни бирбиридан фарқлашга ўргатиши керак. Буллинг учун ҳар бир бажарилган машқни дарҳол ҳаётий ҳақиқатга таққослашни одат қилиши лозим.

Демак, ҳар қандай сохталик, сунъийлик мазкур таълимотнинг душмани сифатида қабул қилиниши керак. Ҳатто, «театрлаштирилган шартлилик»да ҳам у қанчалик таъсирчан ва қизиқарли бўлмасин, бундай ижрога нисбатан танқид тиғи шафқатсиз бўлиши керак. Фақат шундай йўл билангина ҳаёт нафаси анқиб турган табиий ишлаш усулини эгаллаш мумкин. Бироқ бу дегани ҳаёт ҳақиқатига хилоф бўлмаган ҳар қандай воқеани сахнага олиб чиқиш мумкин деган гап эмас. Бу йўлда шак-шубҳасиз саралаш майдони бўлиши керак.

Лекин саралашда қайси мезонлардан келиб чиқилади. Саҳна унинг зарурий ҳақиқатни бизга қайси мезон ажратиб беради?

Бу саволга Станиславский «Олий мақсад», дея жавоб беради.

«Олий мақсад»нинг ўзи нима?

Айрим талқинчилар «Олий мақсад» «Ғоя»нинг ўзи, деган фикрни илгари суришади. Бундай фикр моҳиятан нотўғри.

«Олий мақсад» билан «Ғоя» бир тушунча бўлганида Станиславский ўз таълимотига яна битта боб, яна битта ибора киритиб ўтирмаган бўларди.

Наг бир ижодкорнинг ўз ғоясини инсонлар онгига сингдиришдан кўзлаган муддаоси - «Олий мақсад»дир.

Демак, «Бой ила хизматчи» песасининг ғояси - адолат тантанасига бўлган ишончдир.

Ана шу адолатни яқинлаштириш учун муаллиф томонидан олиб борилган саъйҳаракат - унинг олий мақсадидир. Бошқача қилиб айтганда, Ғоя - адолат учун курашиб, уни қўлга киритиш муаллифнинг «Олий мақсади» саналади.

Олий мақсад сари интилиш адолатни ижтимоийсиёсий қайта куриш сари даъват этувчи ижодий фаоллик ва ғоявий фикрни ҳам талаб қилади. Шунинг учун бу таълимотни мавжуд ижтимоийсиёсий ҳаётдан ажралиб қолган техник таълимот деб қараш хатодир. Ҳар бир ижодкор ижодий изланиш жараёни

бўлмишбадийбезак, мусиқа, техника воситаларидан фойдаланиш йўлларини қидирар экан, «Олий мақсад» ҳамиша унга тўғри йўлни кўрсатиб туради.

Таълимотнинг навбатдаги муҳим жиҳати: актёрлик санъатидаги таъсирчан воситаларни танлай билиш йўлидир. Энг таъсирчан йўл - ҳаракат ҳисобланади.

Саҳнада ҳарорат, шижоат, «жўшқин»ликни ўйнаб бўлмайди, «аксинча» мақсад амалга оширилади. Таълимотнинг мана шу ўқ илдизи ҳисобланмиш ҳаракат деган мурват нималигини тушунмаган одам умуман таълимот нималигини тушунмайди, деса ҳам бўлади. Таълимотнинг энг асосий мақсади - актёр табиатини уйғотиб, олий мақсад сари интилувчи табиий ижодий салоҳиятни ҳаракатга келтиришдан иборатдир. Шу билан бир қаторда, актёр ижодида ҳеч бир нотабиийлик, сохталикка ўрин бўлмаслиги учун Станиславский, актёр ижодидаги техник ҳаракатни алоҳида эътибор билан тадбиқ қилади.

Актёрлик санъатининг охириқибат эришиши лозим бўлган натижаси - табиий ижод орқали берилган сиймотимсол қиёфасига киришдир.

Қаердаки бадий сиймо яратилмас экан, у ерда санъат ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Бироқ актёрнинг ижоди иккиламчи. Яъни у ижрочи, холос. Шунинг учун актёр, аввало, бирламчи манба бўлмиш санъат - драматург асарига мурожаат қилади. Драматург асарида сиймолар тавсия этилади. Тўғри, улар ҳозирча сўзда дейлик. Яъни бу сиймолар қоғоздагина мавжуд.

Агар актёрни сиймога хос кийинтириб, соқолмўйлов ёпиштириб, кўлига китоб берилсаю, у бу китобдаги сўзларни ифодали ўқиб берса, буни сиймо яратилди дейиш мумкинми? Йўқ, сиймога яқинроқ дейиш мумкин. Аммо бу сиймо актёр томонидан эмас, драматург томонидан яратилган сиймо бўлиб қолади. Бундай сиймо яратувчиси - драматургдир. Аммо бундай ифодали ўқишни кўрганешитган содда томошабин, бу сиймони актёр яратди, дея ҳаёл қилиши мумкин. Чунки у шу сиймо орқали ифодаланган бадийлик таъсирида бўлади.

Борди-ю актёр, ўша драматург ёзган матнни ҳишаяжон билан, жарангли овозда, яна ҳам ифодалироқ қилиб ўқиса ва содда томошабин бундан кўнгли тўлиб, уни олқишласа, бундай ҳаваскор, тақлидчи ўзини «ҳақиқий санъаткорман», деб ҳис қилиб, ҳатто «ҳақиқий санъаткор ўзимман», дея атрофга жар солишдан ҳам тоймайди.

- Шундай актёр ва актрисалар ҳам борки, - деб ёзади Станиславский, - улар учун хусусиятхислат, сиймо қиёфасига кириш деган тушунчалар бегона. Бундайлар ҳар қандай ролни ўзларига мослаштириб, ташқи кўриниши, ёқимли овозини кўзкўз қилишни ўзлари учун «олий мақсад» қилиб олганлар. Улар саҳнага олқиш учун чиқадилар. Уларнинг ҳаёт мазмуни шундангина иборатдир.

Бундайлар майдонда коптоксиз югураётган футболчига ўхшайди.

Актёрнинг ташқи қиёфаси икки тигли ханжарга ўхшайди. Ундан унумли ва оқилона фойдаланишни ўрганиш керак, акс ҳолда унинг ташқи жозибаси ўз санъатининг кушандасига айланиши ҳам мумкин.

Актёрлик санъатида унинг сиймо қиёфасига кира олиши маҳорат мезони ҳисобланади. Аниқроқ қилиб тушинтиради ган бўлсак, актёр сахнада биронбир сиймо тимсолини яратар экан, аввало, ўша сиймога хос бўлган хусусият ва хислатларни томошабин кўз ўнгида, муайян макон ва замонда ярата олсагина, у яратган тимсол ҳақиқий ижод намунаси сифатида қизиқарли ва ишонарли бўлади. Демак, актёр сиймо ихтирочиси ҳисобланар экан.

Ҳар қандай рол ҳаракатсиз бўлмайди. Ҳаракатсиз рол бошсиз танага ўхшайди, холос. Сиймо қиёфасига кириш учун эса кўп қиррали қурол бўлмиш сахна ижодининг қатор талабларига риоя этилгандагина фаолият натижали бўлиши мумкин.

Бу талаб ламинг дастлабкиси актёр ўзини берилган шартшароитга қўйиб, сиймо зиммасидаги вазифани ўз ҳаёти табиатига қиёслашидан бошланиши керак. Яъни, аввало, ўзидан келиб чиқиши керак. Таълимотнинг мана шу қисми нотўғри талқин этилиши оқибатида кутилган натижанинг тескарисини кўриш мумкин.

Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Сўнгги вақтларда театрда ҳам, кинода ҳам танланган ролга актёрнинг ташқи қиёфаси мос келишкелмаслиги ҳисобга олинади. Кино санъатида эса яна ҳам осон йўл танланиб, шу ролга ташқи кўриниши мос тушадиган, аммо санъатга умуман алоқаси йўқ одам таклиф этилади.

Бундай «актёр» на сиймонинг руҳий ҳолатини ва на сиймо талаб қиладиган характерни ёрита олади. Натижада сахнадан бизга тирик одам эмас, ҳаракатланувчи сурат қараб туради. Бу бир томони бўлса, иккинчидан, кино ва телеэкрандан бирбирига ўхшаш, бир хил кулиб, бир хил йиғлайдиган, бир хил туриб, бир хил ўтирадиган роботдан фарқ қилмайдиган актёрлар тикилиб турганини кўрамиз. Уларнинг сони кундан кунга болалаб, кўпайиб бораяпти. Бундай режиссёрлар актёрнинг маҳорати, ички имкониятларини ҳисобга олмасдан, унинг ташқи қиёфасини суистеъмол қиладилар, холос. Режиссёр у ёки бу ролни баланд бўйли, қора соч, ўрта яшар қиёфада кўрдими, шундай ижрочи қидирилади. Ижрочи топилди дегунча унинг олдига, Станиславскийнинг «Агарда мен берилган шартшароитга тушиб қолсам», деган таълимотидан келиб чиқадиган талаб қўйилади. Яъни бу таълимотнинг техник томонигина талаб қилинади. Модомики шундай экан, театр санъати соҳасидаги таълимотни эгаллаш учун тўрт йил ўқитиш шартмикан? Дикқатни тўплаш, ҳамроҳ билан муносабат ўрнатиш, табиий хаттиҳаракат, берилган шароитда яшашни ўргандими, қўлига диплом тутқазиб қўйиш шарт эмасми?

Ҳамма гап шундаки, ҳеч бир санъат институтида бундай қилинмайди.

Талаба яна иккиуч йил ўқитилади. Лекин у институтни тамомлаб, театрга ишга келганидан кейин роллар фақат унинг ташқи қиёфасидан келиб чиқиб тақсимланса, бу ердаги ижод ҳаваскорлик тўғарагидан фарқ қилмай қолади.

Актёр ижодининг дастлабки босқичларидан режиссёр ёш ижодкор маҳоратини оширишни, унинг қобилияти қирралари чархланишини кўзлаб, рол тақсимоли вақтида унинг ташқи кўринишини эътиборга олиши мумкин. Аммо бундай тажриба одат тусига кириб қолса, актёр бир қолипга тушиб қолади ва бу ҳои борабора ўзўзини сахнада ўйнашга айланиб кетади. Чунки у изланишдан тўхтади, талабчанлик йўқолади. Бундай таназзул ҳолатига тушиб қолмаслик учун актёр ҳамиша ўзи ва сиймо ўртасидаги фарқни сезиб туриши керак.

Станиславский таълимотига кўра, тимсол устида ишлар эканмиз, «берилган шартшароитга ўзимизни кўйиб кўрайлик», деган иборага чуқурроқ ёндашиб кўрамиз. Актёрлик санъатининг диалектик (табиий ҳаракат ва ривожланиш) табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, қарамақаршилиқ қонуниятининг актёрнинг - сиймо, сиймонинг - актёр шаклини кўрамиз. Бир қаралганда, улар ҳақиқатан ҳам бирбирига тамоман зид бўлиб туюлади. Негаки, актёр сахнага чиқар экан, ўзлигини йўқотмаган ҳолда тимсол қиёфасида яшаши керак. Диалектик қарамақаршилиқ деганимизда, шу ҳолат назарда тутилган.

Агар шу икки ҳолатдан биттаси инкор этилса, ижодий санъат қонунияти бузилади. Агар актёр ўзлигини унутиб, фақат тимсол қиёфасида яшаса, унда бу тақлидий, яъни ясама санъатга айланади. Агар актёр тимсолни эмас, сахнада фақат ўзини такрорласа, у ҳаваскорлик даражасидаги, афтангорига бўёқ суркаб олган сирк артистларидан қолишмайди, бундай ҳолатни сирк артистларида кузатиш мумкин.

Демак, бундай ҳолатда актёр ўзўзини кўзкўз қилади, холос. Фақат икки ҳолатни биргаликда олиб бориш, яъни ўзлигини йўқотмай, тимсол қиёфасида яшаш театр актёрининг ҳақиқий ижодини, санъаткорлик маҳоратини кўрсатади.

Хўш, бунга эришиш йўллари қандай?

Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Агар ҳозир қирқ ёшда бўлсангиз, йигирма ёшингизда қандай эдингиз? Наҳотки йигирма йил ичида ўзгармаган бўлсангиз. Сўзсиз - ўзгаргансиз. Аввало, жисмонан ўзгаргансиз! Руҳиятингиз, дунёқарашингиз ўзгарган. Онг ва хотира ўзгарган, юриштириш ўзгарган. Лекин бу ўзгаришлар табиий тарзда, астасекинлик билан рўй берганлиги сабабли сиз уни сезмагансиз. Лекин сизнинг хаёлингизда ҳамон ўшаўша, йигирма ёшдагидексиз. Чунки ўтган йигирма йил давомида ҳамиша, «анови» деб эмас, «мен», «ўзим» деб яшагансиз. Барча ўзгаришлар ўзингизда рўй берган. Шундай қилиб, ўзлингизни тарк этмаган ҳолда тўхтовсиз ўзгариб боргансиз. Актёр ҳам сиймо қиёфасига кириб борар экан, бирон сония бўлсин, ўзлигидан четга чиқиб

кетмайди. Фарқи битта. Ҳаётда йигирма йил давомида рўй берган ўзгаришлар сахнада иккиуч ҳафта ичида рўй беради. Демак, актёр рол устида ишлар экан, ўзини пасада берилган учинчи шахс эмас, бу «менинг ўзим», дея фараз қилиши керак. Актёр ҳеч қачон ўзлигини унутмаслиги лозим. Бу одам менман, деган сезгини сақлаб туриши керак бўлади. Нега шундай? Чунки тимсол яратадиган барча қуроллар актёрнинг ўзидадир. Ҳиссиёт, овоз, сезги, имоишора, фикрлаш ва ҳ.к. Ҳаракатга келтирувчи бундай қуроллар манбаи - актёрнинг ўзида мужассам.

Ҳар бир актёрнинг ўзига хос бўлган фазилат ва нуқсонларини, худди уруғ қадалган ерга қиёслаш мумкин. Мана шу уруғдан ўсимлик униб чиқади. Уни ердан суғуриб олишингиз билан қурийдир. Ролни ҳам актёрнинг ўзлигидан ажратилса, ролда ҳаёт нафаси ўчади.

Маълумки, қоғоздан жуда чиройли гул ясаш мумкин, лекин бу гулда хид, ҳаёт нашидаси уфуриб турган тириклик аломатлари бўлмайди. Сахнадаги тақлидий ижро ҳам шу қоғоз гулдан фарқ қилмайди. Демак, актёр рол устида ишлар экан, тимсолга хос бўлган ички ва ташқи хислат ва хусусиятларни ўзида мужассамлаштира бошлайди. Шу йўл билан у бошқа шахс қиёфасига кириб боради, лекин у ўзлигини бир дақиқа бўлсада унутмайди. Станиславский таълимотининг қиймати ана шунда.

Ўзлигини унутмаслик нималарда акс этади? Биринчи навбатда, ички нигоҳ орқали ўзлигини назорат қилиб боришда. Яъни сиймонинг ташқи қиёфасига зўр бериб, қалбини эсдан чиқариб қўйиш, ёки сиймонинг ташқи қиёфасини унутиб, бу мана менман деб, ўзўзини кўрсатишга ўтиб кетиш ярамайди. Яна қайтарамиз. Станиславский таълимотининг «ўзидан келиб чиқиб» деган шиорининг асл моҳияти актёр табиий равишда тимсол қиёфасига кириб бориши учун яқин йўл эканлигини кўрсатиб беришда. Шундай қилиб, Станиславский таълимотининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборатдир:

1. Ҳаётийлик тамойили.
2. Санъатда ғоявий фикрнинг «Олий мақсад» орқали амалга оширилиши тамойили.
3. Сахнадаги мақсад сари интилиш жараёнида сезги ва ҳиссиётларни қўзғатувчи ягона кучҳаракат эканлиги тўғрисидаги тамойил.
4. Актёрнинг табиий тарзда пайдо бўладиган ижод тамойили.
5. Сиймо қиёфасига киришиш чоғида актёрнинг ўзлигини йўқотмай, ижодий ёндашуви тамойили.

Станиславский таълимотининг қиммати шундаки, у ҳар қандай замон ва маконда универсал (хаммабоп) хусусиятга эгадир.

Актёрнинг ижроси ўзидан, табиий қонуниятлардан четга чиқмай, содда ва оддий ҳолатлардан келиб чиқсагина, қизиқ ва жозибали бўлиши мумкин.

Станиславский таълимоти ғайритабиий ҳолатлардан пайдо бўладиган туйғулардан амалда фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериши билан ҳам қимматлидир.

Шунинг учун актёр қайси замон ва маконда сахнага чиқишидан қатий назар, Аллоҳ томонидан инъом этилган лаёқатини, табиий иқтидорига қулоқ солган ҳолда сахнага олиб чиққан ва томошабин қалбини жунбушга келтира олган. Демак, Станиславский бу қонуниятларни ичидан тўкиб чиқарган эмас, аксинча инсон табиатида яшириниб ётган имкониятларни рўёбга чиқарган, холос. Бу таълимот ҳеч бир замон ва маконда ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Мазкур таълимот яратилажак спектакллар жанри, услубига салбий таъсир кўрсатмайди. Албатта, Шекспир билан Ҳамза, Молер билан А.Қаҳҳор асарларининг сахнавий талқини ўртасида фарқ бўлиши табиий. Бироқ бу асарларда рол ижро этувчи актёрларнинг ички имкониятлари, табиий сезгиларини очиш, ривожлантириш, уларни кўрсатиш йўллари ушбу таълимот доирасида бўлиши шакшубҳасиздир. Бунёд этилаётган мухташам бинонинг услубий қиёфасини унинг пойдевори белгилаганидек, бўлғуси спектаклнинг бадиий қийматини, табиийлигини таъминлайди. Асарнинг ғоявий таъсирчанлиги унинг бадиий юксаклигини оширади.

Ижоднинг бундай маҳсули учун тайёр бадиий шакл, олдиндан тайёрлаб берилмагани билан, у ижодий жараён учун тўлиқ эркинлик яратади. Ҳақиқий реалистик санъатнинг шакли ва турлари хилмахил ва рангбарангдир. Шу жумладан, театр санъатида ҳам, айнан шундай. Мавзунинг қандайлиги, жанри, услубидан қатъи назар рангбаранглик реалистик санъат талабларига зид келмайдиган, бадиий ҳақиқат асосида акс эттирилаётган воқелик моҳиятини ҳар жиҳатдан очиб беришга хизмат қилади.

Станиславскийнинг шогирди Е.Б.Вахтангов сахналаштирган спектаклларни таҳлил қилар эканмиз, гарчанд улар реалистик пойдеворга қурилган бўлсада, шакл жиҳатдан Станиславский сахналаштирган спектакллардан фарқ қилади. Ваҳоланки ҳар иккала театр актёрлари ҳам Станиславский таълимотига таянган ҳолда ижод қилганлар. Натижада улар сахналаштирган спектакллардан Станиславский хурсанд бўлган. Ҳозирги кунимизда ҳам «Илҳом» студиясининг айрим спектакллари, Аброр Ҳидоятлов номидаги театрнинг «Отелло» спектакли талқини, Миллий театрдаги бир қатор спектакллар ва вилоят театрларининг кўпгина спектакллари, жанр ва шакл жиҳатдан бирбиридан фарқ қилсада, реалистик талқин жиҳатидан Станиславский таълимоти асосига қурилган асарлардир.

Лекин Миллий театрда сахналаштирилган айрим спектаклларни шу ҳолича бошқа театрларга кўчириб қўйиш тақлидий санъатдан бошқа нарса эмас.

Ҳар қандай кўчирмачилик, бошқа актёр томонидан ижод қилинган ролни

бошқа актёрнинг рол эгасига ўхшаб ўйнаши худди бировнинг кийимини ўғирлаб кийиб олишдек гап. Лекин битта ролни икки актёр ижро этишига тўғри келиб қолсачи?

Назира Алиева ўзининг «Санъат менинг ҳаётим» китобида «Алишер Навоий» спектаклидаги А. Навоий ролини икки буюк актёр - Аббор Ҳидоятлов ва Олим Хўжаевлар гавдалантирганлиги хусусида тўхталиб, шундай деб ёзади:

«Олим Хўжаев яратган Алишер Навоий образининг мукамал талқинини кўрган ва эшитган кишига Аббор ака гавдалантирган Алишер Навоий образи бундан ҳам юксакроқ, теранроқ, мукамалроқ эканлигини тушунтириб бериш қийин... Бу икки улкан актёр яратган Алишер Навоий образи санъат бўстонида мангу виқор тўкиб турувчи икки буюк чинорга ўхшайди»...

Демак, ҳар иккала актёр яратган улуғ сиймо қиёфасида икки буюк актёрнинг ўзигагина хос бўлган эҳтирос, ҳис-ҳаяжон ва шижоат акс этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. К. С. Станиславский. "Актёрнинг ўз устида ишлаши" - Т., Янги., 2010.
2. Жуманов И. Саҳна нутқи - Т., "Абу матбуот консулт" МЧЖ нашриёти-2015.
3. Болтабоева У. Саҳна нутқи. Тошкент, INNOVATION-ZIYO, 2019.
4. Носирова А. Жонли сўз санъати - Т., ТДСИ босмахонаси, 2003.
5. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.
6. Абдуназаров, З. (2021). ИЖОДИЙ СИНТЕЗ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РЕЖИССЁРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).
7. Haydarov, A., Akbarov, T., & Abdunazarov, Z. (2020). High purpose and leading action. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 609-615.
8. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.
9. Абдуназаров, З. (2020). Тимсоллар сиймосини яратиш. *Oriental Art and Culture*, (III), 146-150.
10. Абдуназаров, З. (2020). Миллий ўйинларимиз иштирокида ёш актёрларни тасаввури ва диққатини чархлаш. *Oriental Art and Culture*, (III), 134-138.
11. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.

12. Болтабоева, У. (2020). ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ГУРУҲЛАРИДА САҲНАВИЙ НУТҚНИНГ АҲАМИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, 1(5), 85-92.
13. Boltaboeva, U., Gofurova, B., Pulatov, R., & Mamatkulov, B. (2020). Methods of improving the young actors speech. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1114-1123.
14. Болтабоева, У. (2021). МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ АСАРЛАРИНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).
15. Эргашев, К., & Болтабоева, У. (2021). УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАР НИГОҲИДА. *Oriental Art and Culture*, (6).
16. Болтабоева, У. (2021). ЎЗБЕК ТЕАТРИ САҲНАЛАРИДА ТИЛ ВА НУТҚ МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 171-180.
17. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.
18. Usmonov, S., Boltaboeva, U., & Akbarov, T. (2021). Principles of working on a monologue with future actors. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 28-38.
19. Boltaboeva, U., Usmonov, S., & Akbarov, T. (2021). A Look at Askia Art. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2277-2284.
20. Usmonov, S., Boltaboeva, U., Rahmonova, N., & Akbarov, T. (2021). Pedagogical Approaches To Educating Future Actors. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(05), 85-90.
21. Болтабоева, У. (2019). Ижодкор шахс-актёрни тарбиялашда жонли сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 37-39.
22. Раҳматуллаева, Ш., Болтабоева, У., & Каримов, Б. (2019). Фольклор санъати ва халқ достонлари: кеча ва бугун. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 46-49.
23. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Tursunova, G. (2020). Importance of tongue twisters and proverbs in overcoming speech defects. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2902-2905.
24. Болтабоева, У. (2020). Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental Art and Culture*, (I (2)), 26-32.
25. Boltaboeva, U. (2019). Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
26. Boltaboeva, U., Sh, U., & Rahmonova, N. (2019). Creative person-the role of live word in educating an actor. *European Journal of Arts*, (3).
27. Boltaboyeva, U., Rakhmonova, N., & Usmonov, S. (2020). Characteristics of

speech Art: problems and solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 559-567.

28. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). Factors that should be considered in musical theater actors education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 57-61.

29. Tursunova, G. (2021). BALET RAQS SAN'ATINING O'RNINI VA TARIXIY TARAQQIYOTI. *Oriental Art and Culture*, (6).

30. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(Conference), 4-4.

31. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.

32. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

33. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

34. Юлдашева, С. Н. (2020). СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ АУДИТОРИИ. ТИПОЛОГИЯ ЧИТАТЕЛЕЙ. *Oriental Art and Culture*, (V).

35. Sohibaxon, Y. (2021). O'ZBEKISTONDA KUTUBXONACHILIK SOHASINING RIVOJI. *Oriental Art and Culture*, (7), 260-268.

36. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

37. Yuldasheva, S., Habibjonov, I., & Haydarov, A. (2020). Librarianship in the formation of book reading. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2925-2927.

38. Юлдашева, С. (2019). Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 59-62.

39. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

40. Yuldasheva, S., & Madumarova, M. (2020). TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS. *European Journal of Arts*, (1), 148-152.

41. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.

42. Gofirjon Yunusov, R. A., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look at the Folklore of Fergana Valley or History of a Song in the Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2822-2827.

43. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

44. Talaboyev, A., Yunusov, G., & Ahmedov, R. (2020). Local methods of traditional singing. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2916-2920.

45. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

46. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

47. Usmonov, S., & Talaboyev, A. (2021). Work of the director with an artist. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2407-2410.

48. Талабоев, А. (2019). Мақом санъатида сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 25-28.

49. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. (2020). SONG PERFORMING IN TRADITIONAL PERFORMING ARTS: PAST AND PRESENT TIM. *European Journal of Arts*, (1), 85-88.

50. Dadaboev, Y., & Dehqonov, R. Hordo Structures in Central Asian Architecture.

51. Дехқонов, Р. (2020). СОҒЛОМ АВЛОДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ҲАМКАРЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ҲАМКАРЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (V).

52. Utaganov, R., Dehqonov, R., & Tuxtasinov, M. (2020). MAIN ADVANTAGES OF TEACHING METHODS IN ARTS. *European Journal of Arts*, (2), 146-148.

53. Usmonov, S., Utaganov, R., & Dehqonov, R. (2020). Director's knowledge and approach in performing classical plays. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2921-2924.

54. Haydarov, A. (2019). AKTYORLIK SAN'ATIDA VOKALNING O'RN. *Интернаука*, (19-4), 55-56.

55. Haydarov, A. (2020). QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA

VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH. Oriental Art and Culture, (IV).

56. Ҳайдаров, А. (2021). ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭСТЕТИК БАРҚАМОЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ. Oriental Art and Culture, (6).

57. Haydarov, A. (2021). The role of Uzbek folklore in the aesthetic development of youth. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 1973-1977.

58. Askarova, M. (2020). Homil yakubov's views on navoi studies. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 10(12), 788-792.

59. Асқарова, М. (2021). АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ. Oriental Art and Culture, (7), 209-216.

60. Askarova, M. (2021). Homil Yakubov's views on Oybek lyrics. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 2412-2415.

61. Мад, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРА ХОНИМНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА САНЪАТДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. Oriental Art and Culture, (7), 160-170.

62. Мадолимов, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (1941-1945 ЙИЛЛАР). Oriental Art and Culture, (7), 144-151.

БЎЛАЖАК АКТЁРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР

У.Болтабоева

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий
филиали

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак актёрларни тарбиялашда педагогик ёндашувлар, санъат ва сахна сирлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Калит сўзлар: Талаба, актёр, режиссёр, тасаввур, тарбия, театр, одоб-ахлоқ.

PEDAGOGICAL APPROACHES TO EDUCATION OF FUTURE ACTORS

U.Boltaboeva

Fergana regional branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article discusses pedagogical approaches, art and stage secrets in educating future actors.

Keywords: Student, actor, director, imagination, education, theater, etiquette.

Биринчи юртбошимиз И.А.Каримов ёшлар тарбияси бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлиги ва у давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлаб, "ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр - садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий умумбашарий қадириятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир", - деган эдилар.

Дарҳақиқат бугунги кунда фаолият кўрсатаётган педагоглар талабаларга ўзини - ўзи тарбиялаш, ўз камчилик ва нуқсонларини тузатиш, кези келганда ўз шахсини ривожлантиришга ундайдиган энг кучли омиллардан бири бўлган ўз - ўзини танқид қилишга ҳам ўргатиб бориш заруратини ҳис этмоқлари лозим.

Талабаларнинг фаоллиги, онглилиги ва мақсадга интилувчанлиги уларнинг биринчи навбатда ўз саломатликларини ҳимоя қилиш, ўз иродаси ва ҳоҳишларини сабр - қаноат билан бошқаришга олиб келади.

Талабаларнинг ўз олдига аниқ ҳаётий мўлжалларни қўя олиш, келажакда қандай касб - корга эга бўлишига оид аниқ тасаввурларнинг мавжудлиги, ҳаётда қандайдир тасодифий мавқега эга бўлиш эмас, балки ўз кучи билан, интилишлари ва ҳаракатлари билан ўз ўрнини топишини англашини таъминлаш тарбиячи - ўқитувчи олдига муҳим вазифаларни қўяди.

Бу ҳаётда маданият ва санъат соҳасига дахлдор бўлмаган ҳеч бир касб ёки мутахассисликни топиш қийин. Қурувчи маданиятли бўлса, ўз ишини санъаткорона бажаради. Устоз комилликка эришган бўлса, шогирдларини маънавиятнинг юксак чўққиларига бошлайди. Маданият ва санъат арбоблари, ижодкор зиёлилар миллатнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилайди, у ёки бу масала юзасидан жамоатчилик фикрининг тўғри шаклланишига муҳим ҳисса қўшади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, маданият ва санъат соҳасининг халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Бу соҳа инсонларнинг юраги, қалбини, унинг дарду ташвишларини, орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини ўзида акс эттирадиган, таъсир доираси кенг, инсон тарбияси ва маънавияти камолотида беқиёс аҳамиятга эгадир.

Шу боисдан санъат ва маданият олийгоҳларида талабаларга таълим бериш жараёнига мураббийларимиз ўта масъулият билан ёндашишади. Саҳна муқаддас даргоҳ эканлиги, уни ҳурмат қилиш лозимлиги дастлабки босқичданок уқтирилади. Саҳнага чиқиш, ўз ижодий ниятларини амалга ошириш ва томошабинларнинг эътиборига сазовор бўлиш катта маҳоратни талаб қилади. Шунинг учун ҳам санъат ва маданият олийгоҳлардаги ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги муносабат бошқа таълим даргоҳларидан анча фарқ қилади. Яъни, бизда талаба ва ўқитувчи ўртасидаги масофа, парда анчагина юпқароқ бўлади. Талабалар билан яқин дўсти, ота-онаси каби муносабатда бўламиз. Чунки бизнинг соҳа инсон юраги билан боғлиқ. Биз улардан узоқлашиб, ўзимизни тортадиган бўлсак, истеъдодини юзага чиқаришимиз қийин бўлади. Талабаларимиз ўз қобилиятини намоён қилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш, давримизга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш учун ҳам уларга жуда яқин бўлишимиз кераклигини касбимиз тақазо қилади.

Санъаткорнинг тили, жисми худди танбурнинг нозик торларига қиёс. Уни создан туширадиган ҳар қандай ярамас иллат, жирканч одатлардан актёр ўзини тозалаши керак.

Ижодий жамоа ўртасида ахлоқий ва маънавий соғлом муҳит яратиш учун масъул ходимлар орасида раҳбарнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга, чунки санъат ва маданият олийгоҳларидаги раҳбар бу-ижодий жамоа раҳбаридир.

Буюк актёрлар ҳаётига назар ташласангиз, улар ўз юриш туриши, муомала маданияти, жамоат ўртасида ўзини тута билиши, самимий ва камтаринлиги, хушфезъллиги билан бошқалардан ажралиб туришган. Аброр Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Воҳид Қодиров, Манзура Ҳамидова, Раззоқ Ҳамроевлар нақадар камтарин, нақадар камсукум, одамохун инсон бўлганлар.

Театр мактабининг асосий ва муҳим вазифаларидан бири - талабаларнинг

бадий савиясини шакллантиришдан иборатдир.

Актёр хоҳ у профессионал бўлсин, хоҳ ҳаваскор бўлсин, охир оқибат томошабинга хизмат қилади. Фақат ижронинг қанчалик таъсирли, табиийлиги билан, томошабинни қанчалик ларзага сола билиши билан бирбиридан фарқ қилиши мумкин, актёр маҳоратини профессионал ёки ҳаваскор деган табақаларга ажратиш бўлмайди. Одатда, созанданинг маҳорати ҳақида гапирсак, унинг соз чалиш техникасини қанчалик мукаммал эгаллаганига қараб маҳоратига баҳо берамиз. Актёрлик маҳорати ҳам актёрлик техникасини нақадар пухта ўзлаштирганлигига қараб баҳоланади.

Одатда, созанданинг маҳорати ҳақида гапирсак, унинг соз чалиш техникасини қанчалик мукаммал эгаллаганига қараб маҳоратига баҳо берамиз. Актёрлик маҳорати ҳам актёрлик техникасини нақадар пухта ўзлаштирганлигига қараб баҳоланади.

Содда этюдлар асосини эса маҳоратнинг дастлабки унсурлари: кўриш, эшитиш, сезиш, ҳид билиш, таъм билиш ташкил этади. Иккинчи томондан, бўлғуси актёр ёки режиссёр ҳаётни кузата билиши, ундан ўзига керакли томонларини ола билиши керак. Чунки театр - ҳаётнинг саҳнадаги аксидир. Модомики театр актёри саҳнадан туриб кўп минг кишилик томошабинлар қаршисида бирор бир тимсол қиёфасида намоён бўлар экан, ўзи ижро этаётган ролнинг талқини, нафақат талқини, ҳатто тимсолнинг гапириш оҳанги ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бўлажак актёрларнинг маънавий қиёфаси, юриштуриши, муомала маданияти, кийиниш маданияти ҳам мустақил республикамиз фуқароларини миллий истиқлол руҳида тарбиялашдек масъулиятли ишда катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир санъат билим даргоҳлари олдида талабалар тарбиясига қаратилган икки муҳим вазифа мавжуддир.

1. Талабани ижодкор шахс сифатида шакллантириш.
2. Талабанинг ички лаёқатини юзага чиқариш.

Биринчи вазифа: бўлажак ижодкорни сиёсий ғоявий, интизомий, маънавий, мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш (дунёқарашни шакллантириш, ижодий лаззат лаҳзалари, маънавий қиёфани шакллантириш ва ҳ.к.) йўли билан амалга оширилади.

Иккинчи вазифа: профессионал тарбия воситасида, талаба онгида ижодкор шахс туйғусини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Актёрлик маҳорати юзасидан ўтказиладиган имтиҳон, моҳиятан, бошқа йўлдош фан учун ҳам имтиҳон ҳисобланади. Чунки талаба бадий сиймо яратиш жараёнида ўз имкониятларини ҳар томонлама намоёниш этади.

Афсуски, ўқув жараёнида талабалар назарий дарсларга жиддий эътибор берамайдилар. Бундай аҳволнинг пайдо бўлишига, шубҳасиз, маҳорат сирларини

ўргатадиган ўқитувчилар сабабчидир. Чунки улар амалий машғулотлар пайтида назарий билимларнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини талабаларга яхшироқ туштира билмайдилар. Назарий фанлардан сабоқ берувчи ўқитувчилар эса, ўз навбатида, назария амалиёт билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ўз тингловчиларига етказа олмайдилар.

Бўлғуси актёрларга таълим бериш жараёнида, икки кутбдан бир бири томон интилаётган: амалий ва назарий билим берувчи ўқитувчиларнинг ўз талабаларига, ижодий жараён кечадиган сахна майдонида, ҳар икки билимнинг учрашиши учун замин яратишлари зарур бўлади.

Театр мактабининг асосий ва муҳим вазифаларидан бири - талабаларнинг бадиий савиясини шакллантиришдан иборатдир. Актёрнинг ахлоқ ва одоб соҳасидаги тарбияси, бир томондан, театр санъатининг ўзига хос томонларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, актёрнинг ўзи танлаган соҳа тақозосига кўра, ғоявий кураш жабҳасининг жангчиси сифатида, узлуксиз давом этаётган ғоявий курашнинг олдинги сафида эканлиги билан боғлиқдир. Актёр, ғоявий жабҳа курашчиси сифатида, миллат ва давлат олдидаги ўз масъулиятини чуқур англаган бўлиши мустақил Республикамиз манфаатларини ҳимоя қилиши керак.

«Саҳна узунасига ўттиз, энига йигирма қадам, баландлиги пардаси баробар унча катта бўлмаган макон, - деб ёзади Георгий Товстаноғов. - Бироқ бу маконнинг пардалари очилгач, унга ўтмиш ҳам, бугун ҳам, келажак ҳам сиғиши мумкин...»

Демак, театр санъати йўлида хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир инсон зиммасидаги шарафли вазифани шу юртнинг фарзанди сифатида, томошабин, театр жамоаси, пьеса муаллифи, сахнадаги ҳамроҳи (партнёр) ва ниҳоят, ўз виждони олдидаги масъулиятини чуқур англаган ҳолда адо этиши шарт.

Театр санъатининг ўзигагина хос бўлган яна бир жиҳати унинг синтетик хусусиятидан келиб чиқади. Яъни, унинг ҳар бир соҳа одамлари йиғиндиси сифатида ягона дастур асосида фаолият олиб бориши, ижодий жараённи тўғри белгилаш билан боғлиқ мураккаб жамоа эканлиги театр фаолиятини мураккаблаштиради.

Актёрнинг асосий иш қуроли унинг эмоционал (ҳис - туйғу) хотирасидир. Ўзи яратмоқчи бўлган сиймонинг ички дунёсини тўлақонли очиб бериш учун актёрнинг ҳаётий тажрибаси ва интеллектуал хотирасининг кучли бўлиши қўл келади.

Агар бўлажак актёр, жамоа манфаати нималигини, ҳамкасбларини қўллабқувватлашнинг аҳамиятини, жамоа манфаатини ўз манфаатидан устун қуйиш, тўғри сўзли, ҳалоллик каби хислатларни ўқув даргоҳидаги таълим олиш жараёнида англаб етмаса, ўзлаштирмаса, профессионал театр сахнасида бу фазилатларни ўрганиш учун вақт ҳам, имконият ҳам бўлмайди. Саҳнада юзаки

тақлид, ташқи кўриниш билан синчков томошабинни чалғитиб бўлмайди.

Токи, актёр онгида шуурида ижобий ахлоқ ва одоб доирасидаги фазилатлар шаклланмас экан, у салбий сиймони ҳам ишонарлик даражада акс эттира билмайди.

Халқимизда «Беайб - парвардигор» деган мақол бор. Аммо инсон ўзидаги камчилик ва нуқсонлардан фориғ бўлишга интилса, бу унинг камолоти белгиси ҳисобланади.

Навоий бобомиз айтганларидек:

Ҳар киши олам элида хўб эмас,

Ҳар кишининг ҳар иши марғуб эмас.

Театр санъатида учрайдиган иллатларни мурғаклик ҳолатидаёқ бартараф этишга қодир актёр санъатнинг бу мураккаб соҳасига ўз умрини бахшида қилса арзийди. Модомики, инсон театр деб аталмиш бу сеҳрли ва сирли олам бўсағасига қадам қўяр экан, ўзида мавжуд барча иллатларни ташқарида қолдириб, ичкарига кириши керак. Вахтанговнинг таъбирича, актёрнинг ички ва ташқи ҳолатидан театрга алоқаси бўлмаган сифатларни топа олмаслик керак. Чунки актёрдаги барча инсоний хислатларга ўрганиш керак. Яъни тарбиячи, ўзининг кучли иродаси, эмоционал таъсири остида, ҳар бир талабадан ижодий жамоа туза билиши лозим. Ўз талабаларини бир ғоя, бир маслак йўлида ортидан эргаштира билган тарбиячи етакчи бўлган ижодий жамоа орасида, ана шундай ижодий муҳитда ҳар бир талаба енгил нафас олади, меҳроқибатни, самимийликни ҳис этади. Натижада ҳар бир салоҳият эгаси ўз имкони, қобилияти маҳоратини оширишга, имкониятларини кенгайтиришга интилади.

Минг афсуслар бўлсинки, сўнгги йилларда театр олий ўқув юртлари ва билим юртларида «мустақиллик ва демократия» тушунчаларини ҳаёсизлик, одобсизлик, бетга чопарлик, манмансирашлик, интизомсизлик тушунчалари билан алмаштириб қўяётган ёшлар сони ортиб бормоқда.

Бундайларга қарата шайх Саъдийнинг қуйидаги байтини эслатиб қўймоқчимиз:

Қобилият бўлса аслида,

Тарбият унга қилади асар.

Қанча уринма бўлмас сайқали,

Темир аслида бўлмас жавҳар.

Шундайча қолур Исо эшаги

Маккага бориб келса ҳам агар.

Шунинг учун талаба илк курсларданок ўзидаги барча ижобий хислатлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Кийим кийиши, соч тарашидан тортиб, таълим даргоҳидаги юриштуриши, ўзини тутабдилишигача тарбиячининг ҳамиша диққатеътиборида бўлиши керак.

Агар, узоқдан келаётган одамнинг актёр ва актрисалиги яққол кўриниб турса, устига устак ўша одам ўз хусни, устибошини кўзкўз қилиб келаётган бўлса, у сариқ чақага арзимайдиган актёр актрисалардир.

Театр оламидаги муҳит шундай бир шароитдан иборатки, унда ажойиб гуллар билан бирга сассиқ алафлар ҳам ўсиши мумкин. Бу шароитнинг тупроғи ўз касбига содиқ, санъат йўлида шахсий ҳузурҳаловатдан кечган, фидойи инсонларни ҳам, манмансираган, танноз, санъатни ўз шахсий манфаати йўлида қурбон этувчи олифталарни ҳам озиқлантиради. Аҳолининг айрим табақалари орасида актёрларга нисбатан паст назар билан қарашнинг мавжуд бўлиши сабаблари мана шундай сохта санъаткорлар эмасмикан? Санъат олдидаги масъулият ҳар бир актёрни ўз касбига ҳурмат билан қарашга чорлайди. Модомики актёр, ўз касбига эътиқодини, бошқаламинг унга нисбатан ҳурматини оширмоқчи экан, энг аввало, ишни ўзидан бошлаши керак. У халқнинг «Яхши хулқ минг яхши либосдан аъло», деган доно нақлини доимо ёдда тутиши шарт.

Агар хулқ-одоб актёрнинг касбий мажбуриятлари сирасига кирса, ижодий жамоанинг ахлоқий қиёфасини шакллантириш, соғлом ижодий муҳитни қарор топтириш бевосита режиссёрнинг вазифасидир. Борди-ю тарбиянинг шу тармоғида режиссёрнинг уқувсизлиги, ожизлиги сезилса, демак, у режиссёр сифатида ҳали мукамалликдан йироқдир.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, фақат маънавий соғлом ижодий муҳитдагина тўлақонли бадий юксак спектакл туғилиши мумкин.

Демак, театрда ижодий ахлоқий муҳит яратиш йўлида режиссёр вақт ва меҳнатини аямаслиги лозим. Чунки сарф этилган вақт ва меҳнат, албатта, ўз мевасини беради.

Маънавий соғлом муҳит қарор топмаган, аксинча тилёғламалик, лаганбардорлик, ғайрлик, чақмачақарлик, бепарволик ва бетгачопарлик каби хунук иллатлар ҳукм сурган жамоада қандай ижодий иш бўлиши мумкин? Бундан чиқадиган хулоса шуки, шахс қанчалик юқори малакали, маҳорат эгаси бўлмасин, агар у ижодий ишида ахлоқ одоб мезонларини назар писанд қилмаса, уни маҳорати-ю, юксак малакаси таназулдан қутқариб қола олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жўра Маҳмудов, Саҳна композициясининг алифбоси, Тошкент-2006й.
2. Холиқулова Г. Саҳна нутқи. Тошкент - 2007 й.
3. Болтабоева У. Саҳна нутқи. Тошкент, INNOVATION-ZIYO, 2019.
4. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH, 10(4), 788-792.

5. Абдуназаров, З. (2021). ИЖОДИЙ СИНТЕЗ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РЕЖИССЁРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

6. Naydarov, A., Akbarov, T., & Abdunazarov, Z. (2020). High purpose and leading action. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 609-615.

7. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.

8. Абдуназаров, З. (2020). Тимсоллар сиймосини яратиш. *Oriental Art and Culture*, (III), 146-150.

9. Абдуназаров, З. (2020). Миллий ўйинларимиз иштирокида ёш актёрларни тасавури ва диққатини чархлаш. *Oriental Art and Culture*, (III), 134-138.

10. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.

11. Болтабоева, У. (2020). ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ГУРУҲЛАРИДА САҲНАВИЙ НУТҚНИНГ АҲАМИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, 1(5), 85-92.

12. Boltaboeva, U., Gofurova, B., Pulatov, R., & Mamatkulov, B. (2020). Methods of improving the young actors speech. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1114-1123.

13. Болтабоева, У. (2021). МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

14. Эргашев, К., & Болтабоева, У. (2021). УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАР НИГОҲИДА. *Oriental Art and Culture*, (6).

15. Болтабоева, У. (2021). ЎЗБЕК ТЕАТРИ САҲНАЛАРИДА ТИЛ ВА НУТҚ МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 171-180.

16. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.

17.

18. Usmonov, S., Boltaboeva, U., & Akbarov, T. (2021). Principles of working on a monologue with future actors. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 28-38.

19. Boltaboeva, U., Usmonov, S., & Akbarov, T. (2021). A Look at Askia Art. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2277-2284.

20. Usmonov, S., Boltaboeva, U., Rahmonova, N., & Akbarov, T. (2021). Pedagogical Approaches To Educating Future Actors. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(05), 85-90.
21. Болтабоева, У. (2019). Иждокор шахс-актёрни тарбиялашда жонли сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 37-39.
22. Раҳматуллаева, Ш., Болтабоева, У., & Каримов, Б. (2019). Фольклор санъати ва халқ достонлари: кеча ва бугун. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 46-49.
23. Boltaboeva, U., Andunazarov, Z., & Tursunova, G. (2020). Importance of tongue twisters and proverbs in overcoming speech defects. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2902-2905.
24. Болтабоева, У. (2020). Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental Art and Culture*, (I (2)), 26-32.
25. Boltaboeva, U. (2019). Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
26. Boltaboeva, U., Sh, U., & Rahmonova, N. (2019). Creative person-the role of live word in educating an actor. *European Journal of Arts*, (3).
27. Boltaboyeva, U., Rakhmonova, N., & Usmonov, S. (2020). Characteristics of speech Art: problems and solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 559-567.
28. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). Factors that should be considered in musical theater actors education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 57-61.
29. Tursunova, G. (2021). BALET RAQS SAN'ATINING O'RNI VA TARIXIY TARAQQIYOTI. *Oriental Art and Culture*, (6).
30. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(Conference), 4-4.
31. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.
32. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.
33. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

34. Юлдашева, С. Н. (2020). СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ АУДИТОРИИ. ТИПОЛОГИЯ ЧИТАТЕЛЕЙ. *Oriental Art and Culture*, (V).

35. Sohibaxon, Y. (2021). O'ZBEKISTONDA KUTUBXONACHILIK SOHASINING RIVOJI. *Oriental Art and Culture*, (7), 260-268.

36. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

37. Yuldasheva, S., Habibjonov, I., & Haydarov, A. (2020). Librarianship in the formation of book reading. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2925-2927.

38. Юлдашева, С. (2019). Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 59-62.

39. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

40. Yuldasheva, S., & Madumarova, M. (2020). TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS. *European Journal of Arts*, (1), 148-152.

41. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. *The European Journal of Arts*, Issue 1/2020.

42. Gofirjon Yunusov, R. A., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look at the Folklore of Fergana Valley or History of a Song in the Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2822-2827.

43. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

44. Talaboyev, A., Yunusov, G., & Ahmedov, R. (2020). Local methods of traditional singing. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2916-2920.

45. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

46. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

47. Usmonov, S., & Talaboyev, A. (2021). Work of the director with an artist. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2407-2410.

48. Талабоев, А. (2019). Мақом санъатида сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 25-28.

49. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. (2020). SONG PERFORMING IN TRADITIONAL PERFORMING ARTS: PAST AND PRESENT TIM. *European Journal of Arts*, (1), 85-88.

50. Dadaboev, Y., & Dehqonov, R. Hordo Structures in Central Asian Architecture.

51. Дехқонов, Р. (2020). СОҒЛОМ АВЛОДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (V).

52. Utaganov, R., Dehqonov, R., & Tuxtasinov, M. (2020). MAIN ADVANTAGES OF TEACHING METHODS IN ARTS. *European Journal of Arts*, (2), 146-148.

53. Usmonov, S., Utaganov, R., & Dehqonov, R. (2020). Director's knowledge and approach in performing classical plays. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2921-2924.

54. Haydarov, A. (2019). АКTYORLIK SAN'ATIDA VOKALNING O'RNİ. *Интернаука*, (19-4), 55-56.

55. Haydarov, A. (2020). QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH. *Oriental Art and Culture*, (IV).

56. Ҳайдаров, А. (2021). ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭСТЕТИК БАРКАМОЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

57. Haydarov, A. (2021). The role of Uzbek folklore in the aesthetic development of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1973-1977.

58. Askarova, M. (2020). Homil yakubov's views on navoi studies. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 788-792.

59. Асқарова, М. (2021). АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 209-216.

60. Askarova, M. (2021). Homil Yakubov's views on Oybek lyrics. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2412-2415.

61. Мад, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРА ХОНИМНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА САНЪАТДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 160-170.

62. Мадолимов, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА ЁАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (1941-1945 ЙИЛЛАР). *Oriental Art and Culture*, (7), 144-151.

ИБТИДОЙ ПАНТОМИМАЛАР: ЎЙИНЛАР ВА СЮЖЕТЛАР

Сардор Шухратжонович Маннонов

Фазлиева Зебо Камарбековна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Аннотация: Ушбу мақола театр санъати шаклланишининг илк босқичлари, унинг тарихий илдизлари ва ов маросимлари, диний маросимлар ва ўша даврларда юзага келган турли рақслар, ўйинлар ва пантомималарни таҳлил қилади.

Калит сўзлар: рақс, пантомима, мим, ўйин, театр, хатти-ҳаракат, маросим, ибтидо, сюжет

PRIMARY PANTOMIMES: GAMES AND STORIES

Sardor Shukhratjonovich Mannonov

Fazlieva Zebo Kamarbekovna

Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article analyzes the early stages of the formation of theatrical art, its historical roots and hunting ceremonies, religious rites and various dances, games and pantomimes that occurred in those times.

Keywords: dance, pantomime, mime, play, theater, action, ceremony, beginning, plot

Тарихдан бизга маълумки, қадимги ибтидоий даврда ҳали нутқ шаклланмаган бир пайтда табиатда рўй бериши мумкин бўлган жараёнларни мимика, қўл ҳаракатлари, имо-ишора ва ўхшатиш орқали мулоқотни юзага келтирганлар. “Пантомима - инсоният бадиий ижодининг энг қадимий шаклларида бири. Пантомима элементлари ибтидоий одамларнинг ўйинлари таркибида ва диний маросимларида акс этган. Бунда улар хайвонларга тақлид қилишган ёки турли қахрамонлари обрзларини, тасаввурларидаги Худолар ёки шайтонларнинг хатти-ҳаракатлари имо-ишора, рақслар орқали ифодалашган.” [1.18-19]

Пантомиманинг сарчашмалари ибтидоий даврлардан бошланган: табиат ҳодисаларини акс эттириш, ибтидоий одамларнинг ўша даврга оид маросимлари, ов жараёни билан боғлиқ кўпчилик бўлиб ижро этиладиган маросимлар - буларнинг ҳаммаси пантомималардан келиб чиққан.

Демакки, ижрочилар ўша пайтларда ҳам буюмсиз, тана ифодаси орқали маълум бир маънони ангатувчи ҳаракатлар ва имо-ишоралардан

фойдаланганлар. Ўзлари билмаган ҳолда тасаввурдаги буюмлар ва ҳолатлар(олов, табиат ходисалари ва хоказо)ни тасвирлаганлар. Хаётдаги барча санъат турлари инсонларнинг унга туғиладиган эҳтиёжларидан келиб чиқиб пайдо бўлган, десак янглишмаймиз. Зеро театрнинг, умуман ҳаракат театрининг ва пантомиманинг пайдо бўлиши ҳам ибтидоий давр одамларининг унга бўлган эҳтиёжи туфали пайдо бўла бошлайди. Маълумки ўша даврларда инсоният озукани овлар натижасида қўлга киритган. "Ов унумли бўлиши учун одамлар турли диний эътиқодлардан, турли усул ва хийлалардан фойдаланишган. Чунончи, ибтидоий одамлар ов вақтида ҳар хил ёввойи хайвон ва қушларнинг терисига ниқобланиб, шу йўл билан ёввойи хайвонларни хуркитиб юбормай, осонгина уларга яқинлашар ва қўлга туширар эдилар. Шундай қилиб, одамнинг бошқа қиёфага киришининг дастлабки формалари туғила бошлайди.[2.22] Юқоридаги фикрнинг тўғрилигига далил сифатида А.Румнеевнинг "Пантомима ва унинг имкониётлари" китобидан шунга ўхшаш мисол келтирмақчимиз: - "Биринчи пантомима белгилари асосий машғулоти кийим ва емиш учун ов қиладиган халқларда учратилган. Овчи ниқобланган, хайвон қилиқларига тақлид қилган ҳолда унга унумли ов булиши учун етарли масофага яқинлашган. Турли ҳудудлардаги ибтидоий одамлар ов қилиш мақсадида охулар, айиқ ва бўридан туяқушгача, кенгуру, горилла ва антилопаларгача ҳар турдаги хавонларга тақлид қилганлар. Бунга нафақат қоятошларга чизилган расмлар, балки Палеолит давридан бизнинг замонимизга қадар Африка ва Осиёнинг бир неча халқлари бугунга қадар бу услубни қўллаб келишгани исбот бўла олади. Хайвонлар қадами ва сакрашларига тақлидлар, ва хайвонларнинг ўзига айнан тақлидлар ибтидоий одамларнинг пантомиманинг энг асосий хусусиятларидан бўлган - пластик ифодавийлик ва баднинг турли шаклларга кириши билан ўз-ўзидан шуғилланганликларини ангатади." [1.20]

Хайвон тўдасига яқинлашиш учун ибтидоий одамга хайвон ёки қушларга айнан тақлид қилиш, бунинг учун эса уларнинг ўзига хос хусусиятларини, юриш-туришларини, ўтлашларини, бир-бири билан олишишларини, хуркиб қочишларини хатто товушларини ҳам ўрганишга тўғри келарди. Ниҳоят хайвонларни ов қилиш шарт-шароити одамларни чаққон ва абжир, жасур ва толиқмас бўлишини, бунинг учун доим тинимсиз машқ олиб боришни талаб қилган. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида ибтидоий одамда жисмоний ритмик ҳаракатнинг, хайвонлар феъли ёки табиат ходисаларига тақлид қилувчи пантомима ҳаракатлари, қахрамонлик рақсларининг туғилишига олиб келган.

Пантомиманинг мураккаб турлари жуда кўплаб ибтидоий одамларнинг диний маросимлари, эътиқодлари асоси билан боғлиқдир. Ўша қабила ва уруғ қандайдир хайвон - тотем(маълум бир хайвон)га сиғиниш ва унга қурбонликлар келтиришган. Ўша даврда актёрлар бир неча хайвонлар ролларини ижро

этганлар. Бундай ижролар хайвонларни илохийлаштириш ва унга топиниш, диний мавзуларни ва турли ўйинларни ифодалаган. Кўплаб ўйинлар ва маросимларда инсон хайвонга ёки қушга айланиши орқали пантомиманинг кўплаб ифода воситалари юзага келган. Ибтидоий даврлардан то 19-асрга қадар Алеутларда қушларни тақиб қилиб уни ўлдирадиган ўйинлар сақланиб қолган. Ушбу ўйинлар асрдан-асрга меърос бўлиб, сюжетлари сақланиб қолишга эришилган. "Ўйинга мувофиқ аввалига у ўзининг овдаги омадидан қувонган, кейин, чиройли қушни яхши кўриб қолади ва ўлдирганидан афсусланади. Бундан сўнг қуш - чиройли қиз киёфасида тиради. Сўзсиз драма уларнинг бир-бирини бағрига босиши билан тугайди." [1.20]

Ибтидоий одамларнинг пантомима билан шуғилланишларига сабаб фақатгина ов ёки диний маросимлар бўлмаган. Қабила ва оиланинг барча йирик расм-русмлари бир неча факторларга: табиат билан, (баҳорда рўй берадиган кеча ва кундузнинг тенг кунлилиги, қурғокчилик ва ёмғир) инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти (жангда ғалаба қозониш ёки мағлубиятга ушраш), мансубликка (туғилиш, жинсий балоғатга етишганлик, никоҳ, ўлим қабилар) билан боғлиқ бўлган. Ўлганларни эҳтиром қилиш, деярли барча ибтидоий халқларнинг таркибига топиниш характери олиб келди. Дин ҳам аслида ислом моҳиятига кўра ўлганларга топинишдан бошланган. Бу ерда илмий ва диний бир фикрлиликни кузатишимиз мумкин. Илмий қарашларга кўра, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўлганларга эҳтиром қилиш - ибтидоий халқларни унга топинишига олиб келди. Ислом дини ҳам бунга гувоҳлик бериб, иблис баъзи одамларга уларнинг қабиласидаги обрў-эътиборга эга, барча учун ўртак бўладиган одамларнинг аввалига хайкаллари ясашни ўргатади. Биринчи босқичда, уларнинг номини "абдийлаштириш" учунгина ўлган одамларнинг хайкаллари яратилади. Хайкаллари яратган одамлар ўлиб кетганидан сўнг иблис ундан кейинги одамларни ҳам фитнага бошлаб, сизлардан аввал ушбу бутларга ота-боболарангиз сиғинишган дейди. Шу тариқа бутга топиниш урф бўлади. Улар ота-боболари ўртасида ўзига ҳос кучи билан, эзгу ишлари билан, улуғворлик ва олийжаноблик, ҳамда одамларга ғамхўрлиги билан ажралиб турганларни қахрамонларга ажратишган. Улар ўлгандан сўнг ҳам бизга хомийлик қилиб туради деган тушунча билан унга сиғинганлар.

Турли ўйинлар ва ҳаракатлардан ташкил топан пантомималар ва худоларга топинишни акс эттирувчи сюжетлар сюжетлар айниқса хинду халқларида сақланиб қолган. Катта-катта гуруҳлар маҳсус рақсларни чинхрон равишда ўнаганлар. Ерга мук тушиш, юз тубан ерга йиқилиш ва қўлларни осмонга кўтариб яратувчига илтижолар қилиш каби ҳаракатлар бутун қабила томонидан ижро этилган. Қурбонликларни катта сув ҳавзаларига ташлаб унинг қабул

қилишини кутганлар. Мана у каби воқеалар маросимлар бошланмасидан аввал махсус ижрочилар томонидан халққа кўрсатилган.

Халқлардаги дехқончилик билан шуғилланадиган одамларнинг орасида кенг тарқалган топиниш бу - ўлдирадиган ва тирилтирадиган, ҳар хил номлар билан номланган, йил вақтларининг алмашиши рамзи бўлиб ҳизмат қилган, табиатни қишда қуритадиган ва баҳорда тирилтирадиган - Худога бўлган. Ибтидоий одамлар фаслларнинг алмашинувида борлиқни бошқарувчи илоҳий куч борлигига қаттиқ эътиқод қиладилар. Табиат ҳодисалари: момоқалдирок, олов чиқиши сел ва тошқин кабилар ҳам яратувчи томонидан келаётган офатларлигини англаб, уларни даф қилишини сўровчи турли рақслар, маънодор ҳаракатлар, сиғинишни англлатувчи хатти-ҳаракатлар юзага кела бошлайди. Бундан аён бўладики, ибтидоий жамият даврида одамлар турли ҳайвонлар, табиат ҳодисалари ва руҳларнинг типларини яратиб, уларга топиниб келганлар. Бу топиниш маросимлари театрлаштирилган кўринишларда ифодаланган. Юзларига ниқоблар кийилган, қора ва қизил ранглар билан бўялган кишилар ўзларини турли пантомимик рақслари орқали воқеа яъни ов жараёнини, хурсандчилик маросимларини нишонлашган.

Вақтлар ўтиши билан Худолар ва унга сиғинишнинг усуллари ҳам кўпайиб боради. Энди одамлар бир неча қуроолларни ўзлаштирган ва ов олди тайёргарликларининг, Худоларга топинишнинг, қуш ва ҳайвонларга тақлиднинг маълум бир сюжетлари авлоддан-авлодга ўтиб келади. Одамлар ўзларидан катта ёшлилардан кўрган ҳаракатлар қуш ва ҳайвонларнинг ролларини қабилаларнинг маълум бир йиғилишларида ижро этиб туришади. Ўзларидан катталар ижро этган образларга ўхшатишга унга тақлид қилишга уринишлар бўлган. Зероки, “ўхшатиш - гармония ва ритм сингари қадимданок одамларнинг табиатига хос хусусиятдир, одамлар қадимданок табиатан ўхшатишга қобилиятлидирларки, улар буни оз-оздан тараққий эттириб бориб, бадиҳа шеърлар (импиривизация)дан ҳақиқий поэзияни юзага келтирганлар” -деб ёзади Аристотел [1.12]

М.Раҳмоновнинг “Ўзбек театри: қадимий замонлардан XVIII асрга қадар” китобида эса Авесто таълимотлари бўйича “табиатдаги ва инсонлар жамиятидаги ҳодисаларнинг ҳаммаси бир-бирига тескари ва икки яратувчининг курашидан келиб чиқади. Бу яратувчиларнинг бири Ахура Мазда бўлиб, у ёруғлик, ободонлик, фаровонлик, саломатлик, тинчлик ва бошқа яхшиликларни яратган худодир. Иккинчиси Ахриман (Агра Маню) эса Ахура Мазда яратган барча яхшиликларга қарши курашади. Охир-оқибат яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қозониб, қоронғулик ёруғликка енгилиши билан тамом бўлади... Шу жиҳатдан “Авесто” маросимларни ижро этиш шакллари театр санъати спецификациясига яқин бўлиб, ибодатхона ёки махсус майдонларда театрлаштирилган услубда унинг дуо ва байтлари жўшқин мусиқа, кўшиқ,

пантомим рақс билан ҳамоҳанг олиб борилар, мифологик сюжетлар ижро этилар, коинотнинг алоҳида-алоҳида ҳодисаларига мутасаддий бўлган Митра, Анахит, Хумо, Жамшид, Миррих каби турли мифологик типларнинг қаҳрамонликлари махсус ижрочилар томонидан ўйнаб кўрсатилар эди"[2.40]

Юқорида айтилган "махсус ижрочилар" сўзига этибор берсак бу билан муайян шуғилланувчи одамлар бўлганини англаш қийин эмас. Алоҳида тайёргарликка эга бўлган "махсус ижрочилар" (бугунги кундаги актёрлар) демакки бунинг учун тайёргарлик ҳам кўришган. Барчаси маълум бир босқични босиб ўтишган. Буни нафақат Ўрта Осиё балки Европа тарихчи олимлари ҳам таъкидлашган ва юқоридаги фикрларни илгари суришган.

"Авесто маросимларида диний ақидаларни, мураккаб кўшиқ ва хорларни пантомим рақс билан ижро этилиши, унда мифологик қаҳрамонлар образларини яратилиши "Авесто"нинг кўшиқ ва хор текстини билган ва ғояларини катта маҳорат билан тасвирлаб бера оладиган махсус ижрочиларни талаб қилар эди."¹

Албатта бундай томошалар ҳис-ҳаяжон, катта жестлар, маънодор ҳаракатларга қурилганлиги табиий. Илоҳий жанрдаги томошаларда ўйнаш, Худоларга топиниш, сиёғинишни англаувчи ҳаракатлар ижрочилардан катта қалб ва таъсирчан ифодавий ҳаракатларни талаб этган. Бундай томошаларда "қуруқ ва таъсирсиз" ҳаракатларга ўрин бўлмагани ҳолда, ҳали режиссюра ва ҳаракатларни муҳокама қилувчи мутахассислар бўлмаганлиги инобатга олинса, бунда, ўша давр репертуарлари табиий равишда ҳаётий драматургиялардан, ижрочиларнинг қалбларидан чиққан пантомимик ва рақс элементларига қурилган хатти-ҳаракатларидан иборат бўлганини англаш мумкин.

Юртимизда ҳам жуда кўплаб топилган тарихий ёдгорликларда эчки ва турли ҳил хайвонлар ниқобларини кийган одамларнинг ғорлар ва тошларга туширилган суратлари топилган. Бу эса юқоридаги фикрлар тўғри эканлигини англатади. Ниқобланган, ов қилаётган ва хайвон қиёфасга кирган ибтидоий жамият кишиларининг шикор маросимларини акс эттирувчи суратлар ва битикларни дунёнинг деярли жуда кўп тарихий шаҳарларидан топишган. Ҳақиқатдан ҳам ҳали ер бағрида қанчадан-қанча тарихий белгилар: театрлар, актёрлар, урф-одат ва анъаналар, ниқоблар-у суратлар ётибди. Пантомима нафақат мана шу тарзда туғилди балки вақт ўтгани сайин секин аста ривожланиб борди.

Ҳулоса қилиб айтганда ибтидоий пантомималар кўпинча тақлид асосига қурилган, сюжетлари асосан бир-бирига ўхшаш: ов маросимлари, тасаввурларидаги худолар ва бутларга топиниш, хайвонлар ҳаракатини ўзлаштириш ва уларга айнан тақлид қилиш: овозлари, характери ва барча хатти-

¹ K.F.Seldner. Avesta. Litteratur strassburg. 1896-1904

ҳаракатларидан иборат бўлган. Мана шу каби барча маросимлар, расм-русм, урф-одат ва томошаларда пантомима ва рақс жуда катта ўрин эгаллаган. Бунда пантомима ва ўйинлар кўшиқ, мусиқа, сўз ва бир неча диалоглар билан бирга кўшилиб, баъзан катта ёки кичик, баъзан алоҳида сахналардан ташкил топган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аристотель "Поэтика". "Ғафур Ғулом" нашр. Т.: 1980-й.
2. М.Раҳмонов. "Ўзбек театри: қадимий замонлардан XVIII асрга қадар" -Т.: "Фан" 1975-й.
3. Апулей. Апология. Метаморфозы. Флориды. Москва. 1969-й
4. Рудольф Евгеньевич Славский - "Искусство пантомимы". М."Искусство". 1962-й.
5. Эдуард Розинский. Безмолвное искусство. Ленинград. «Искусство» 1975-й.
6. А. Румнев. Пантомима и ее возможности. «Знание». М., 1966-й.
7. А. Авдеева. Происхождение театра. М. 1959-й.
8. K.F.Seldner. Avesta. Litteratur strassburg. 1896-1904-й.
9. Фазлиева, З. К. (2020). ЎЗБЕК САҲНА РАҚСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. Oriental Art and Culture, (III).
10. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE PLACE OF THE MAQOM GENRE IN THE ART OF UZBEK NATIONAL DANCE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSII), 3-3.
11. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF THE COMPOSER IN THE ART OF CHOREOGRAPHY. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSII), 2-2.
12. Азатова, Ф. М., & Фазлиева, З. К. (2021). "МУНОЖОТ" АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК РАҚС АСАРИ. Oriental Art and Culture, (6).
13. Фазлиева, З. К., & Абрайкулова, Н. Э. (2018). ТВОРЧЕСТВО МАРИУСА ПЕТИПА. Мирская наука, (12), 439-441.
14. Фазлиева, З. К. (2018). ВЗАИМОСВЯЗЬ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА" МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ УЗБЕКСКОГО ТАНЦА". Теория и практика современной науки, (4), 534-537.
15. Kamarbekovna, F. Z. (2020). UZBEK STAGE DANCE AND ITS WAY OF DEVELOPMENT. International Engineering Journal For Research & Development, 5(4), 4-4.
16. Erkinovna, A. N., & Kamarbekovna, F. Z. (2020). The role of dance in the opening of the idea of the performance and in the art of cinema. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 158-162.

17. FAZLIEVA, Z. (2015). Types of Interlanguage Phraseological Correspondence (Based on English and Turkish Languages). Canadian Center of Science and Education.

18. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 32-35.

19. Tavakulovna, M. D., & Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE IN PROFESSIONAL APPLIED TRAINING IN THE UNIVERSITIES OF ARTS AND CULTURE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(1), 6-6.

20. qizi Raxmatova, S. R. (2021). BALETMEYSTERLIK SAN'ATIDA KOMPOZITORNING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 29-31.

21. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 32-35.

ЗАМОНАВИЙ СЦЕНОГРАФИЯ ТАРАҚҚИЁТИДА САҲНА ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри мисолида)

Инобат Махкамбаевна Иманкулова
Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри сценографиясининг тараққиётида саҳна техника ва технологияси ўрни ва аҳамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: сценография, декорация, театр, либос, платформа, люк

THE ROLE AND IMPORTANCE OF SCENE TECHNIQUES AND TECHNOLOGY IN THE DEVELOPMENT OF MODERN SCENOGRAPHY (On the example of the Alisher Navoi State Academic Bolshoi Theater)

Inobat Maxkambaevna Imankulova
National Institute of Art and Design named after Kamoliddin Behzod

Abstract: This article reveals the role and importance of stage equipment and technology in the development of scenography of the Alisher Navoi State Academic Bolshoi Theater.

Keywords: scenography, scenery, theater, costume, platform, hatch

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги сиёсий-ижтимоий, маданий соҳалардаги баланд пастликлар сценография санъати ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Қанчалик замон ва жараён мураккаб бўлмасин, бу йилларда Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри сценографияси ўзининг мавқеи ва ривожланиш жараёнида давом этди. Шуни алоҳида айтиш керакки, аввалдан саҳнада намойиш этиб келинган опера ва балетлар сценографияси эндиликда мавзу ва ёндошуви жиҳатидан янгиланди.

Саҳналаштирувчи рассом режиссёр каби спектакл жараёнининг етакчисига айлана борди. Кўплаб саҳнавий асарларнинг ўзгартирилиши асар моҳияти очилишига, мусикий вазифаси намоён бўлишига таъсир эта бошлади. Мусиқали театрларнинг деярли барча спектакллари янгича талқинлар асосида қайта саҳналаштирилди, хусусан Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театриники ҳам. Буни натижасида театр саҳнасида рассом иши баъзан ёрқин шаклда кўзга ташланган бўлса, айрим ҳолларда эса асарнинг мусикий концепцияси ва режиссёр талқини ўзини оқламаганлиги сабабли сценограф

меҳнати ҳам кўринмай қолиб кетди. Сценографларнинг ижоди театрларнинг моддий ҳолати билан доим боғлиқ бўлиб келган.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида ҳукуматнинг ўзи маданият соҳасини моддий таъминловчилик ролини ўйнади, дотация амалиётини қўллаб-қувватлаб турди. Кейинчалик эса маданият муассасалари аста-секин бозор муносабатлари шароитига мослаша бордилар, ўз моддий асосларини ўзлари ҳал этишга кириша бошладилар. [1.57] Айтилиши осондек туюлган бу жараёнларни театрлар, уларда ижод қилган барча санъаткорлар каби сценограф-рассомлар ҳам бошларидан ўтказдилар. Бу вақтда “бутун дунёда опера театрлари дотацияда, санъат ҳомийларининг хайрия маблағлари ҳисобидан мавжуд бўлган. Опера санъатининг рентабеллиги номоддий тушунча. Бу инсон қалбини бойитиш, маънавий билан боғлиқ. [2.1] “Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар албатта замонавий мавзудаги сценографик асарлар яратилишига таъсирини кўрсатди. Янги дунёқарашнинг шаклланиши, кадриятларни қайта баҳолаш халқ тарихига ва унинг маънавий келиб чиқишига мисли кўрилмаган қизиқиш уйғотди. Бу сўровларга жавоб жанр хилма -хиллиги ва янги драматик ечимлар билан фарқ қиладиган бир қатор операларнинг пайдо бўлиши эди. Ўтган 30 йиллик мусиқа санъати умуман, айниқса, бастакорлик учун мусиқий асарлар мавзусининг кенгайиши билан ажралиб туради. Мавзулар доираси тарих ва замонавийлик, илмий фантастика ва долзарб муаммоларни ўз ичига олади. Бастакорлик тарихида биринчи марта ўзбек бастакорлари Япония, Южной Корея, Туркия Россиядаги мусиқий гуруҳлар билан ижодий алоқада бўлиш имкониятига эга бўлишди.” [3.28] Бунга қадар етиб келиш жараёни кўплаб машаққат ва заҳматларни талаб этди ва театр бир қанча қийин даврларни ҳам бошдан кечириб ўтди. Сценография санъати синтетик ҳисобланиб, унинг мақсади сахнавий асар мазмун моҳияти очилишига хизмат қилиш. Бу табиийки, сахна жиҳозлари: реквизит, бутафорлар, либослар, грим ва х.к.лар учун деталларнинг бирортаси етишмай қолиши ҳам сахнавий асарнинг тўлақонли намоён бўлишига тўсқинлик қилади. Сценография таркибига кирувчи ҳар бир ашё муҳим аҳамият касб этишини тарихчи олим Н.Сайфуллаев тадқиқотидаги: “90-йилларнинг ўрталарига келиб, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида махсус балет пойафзалларининг етишмаслиги оқибатида театр томошаларини кўрсатиш имконияти камайиб кетди.” [1.60] “Бугунга келиб театр декорациялари ва костюмлар жуда эскириб қолган. Бир марта “Фигаронинг уйланиши”да Граф Далмавиванинг ёғоч қуроли зинапояннинг матоли боғичига ўралиб қолди ва граф пастга қулай бошлади, тез ҳаракат қилмаса, оқибати қандай бўлишини тез тасаввур қилган графиния уни қутқариб қолди.”[4] дейилган фактлар орқали янада аниқ билиш мумкин. Театр рассомлари ижодининг сахнада тўлақонли томошабинга намоён бўлишида

театрнинг моддий аҳволи муҳим аҳамият касб этди. Келгусидаги замонавий сценография қиёфасини даврдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида театрнинг ҳомийлар кўмагидаги ривожини белгилаб берди. Сценографияда тарихий, классик ва замонавий мавзулардаги спектакллар воқеилигини давр нуқтаи назари билан ифода эта оладиган янги шакллар, услублар излана бошланди. Замон ва давр қиёфасини белгилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар келгусидаги давр сценографиясига таъсирини кўрсатди.

Опера ва балет асарлари специфик жиҳатдан театр санъатининг синтетик факторларига таянади. Шунинг учун ҳам унда рассом иши фақат режиссёр ҳамкорлиги билан чегараланмайди. Композитор яратган мусиқа, мукамал ёзилган либретто, саҳналаштирилган хореографик композиция барчаси уйғунлашган ҳолда рассом меҳнатида бир бутун шаклга айланади. Саҳналаштириш жараёнининг фаол иштирокчиси саналувчи рассом билан фикрлар уйғунлигида балетмейстер хореографияни, режиссёр эса мизансаҳналар чизма(рисунок)сини ҳал этади. Операнинг сценографик ечимини саҳналаштириш рассомдан бир қанча билимларга эга бўлишни талаб этади: спектаклдаги композиторнинг ғоясини англаш ва унга мос ранг ва шаклларни топа олиш; ғояни образли англай олиш, ҳар бир саҳна кўриниши режасини тузиш; сценографик ечимни образли талқин этиш, актёрлар учун кенг атмосфера, эркин ҳаракатланишлари учун муҳит ярата олиш.

“Опера спектакли сценографиясини саҳналаштирилишда композитор партитурасида акс этирилган ғоянинг бадиий бой ифодасини, режиссёрнинг ўзига хос ёндошувини чуқур ҳис этиш зарур.”[5] Сценографияда опера спектаклини саҳналаштиришда воситалар тасвир, ранг ва шаклларни аниқлаш ҳамда мусиқали саҳна асарининг моҳияти ва мазмунига тўғри мослаштира билиш муҳим саналади.

Саҳнада декорациянинг тўлақонли мусиқа ва рақс билан мутаносиблигига эришиш муҳимдир. Операнинг синтетик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сценографик тасвирий ечимнинг бадиий жиҳатини камайтирмаган ҳолда барча деталларини тўлақонли ёндошув асосида ишланади. Сценографиянинг ютуғи композитор ва режиссёр ҳамда балетмейстер билан бирга бадиий-ғоявий жиҳатдан фикр, мақсад уйғунлигига эришиш эса ишнинг муваффақиятини белгилаб беради. Бунга табиийки, саҳнанинг сўнгги техникалар (мультимедия, проекцион экран, чироқлар) билан таъминланиши муҳим ҳисобланади.

Театр рассоми операда ҳам, балетда ҳам асар моҳиятидаги мураккаб тақдирларнинг ҳиссий кечинмаларини, ёрқин эҳтирослар қўшиб, ранг ва шаклларга кўчиради. Ҳар икки санъат турида ҳам специфик келиб чиқишини эътиборидан қочирмай, асардаги лиризмни, поэтикани тасвирий-бадиий ечимга

жойлай олади. Натижада, томошабин парда очилиши билан сахнавий асар воқеаси макони ва замонини аниқ кўради. Воқеалар жараёнидаги драматизм, лиризм, поэтик моҳиятга ранглар жилваси, шакл ўзгаришлари билан мусиқа ва хореографик ҳаракатлар ҳамоҳанглигида кириб боради. Бундай даражага етмоғи учун табиийки, ҳар бир сценограф сахнавий асар намойиш этиладиган театр сахна қисмиининг ҳар бир нуқтасини мукамал билмоғи шарт.

2012 йили ушбу театр япон ҳукуматининг 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантни овоз ёзиш, видео монтаж қилиш ҳамда ёритиш тизимини яхшилаш учун ютиб олди.[6]

2015 йилги таъмирдан сўнг театрнинг сахна имкониятлари аввалгидан кўра янада кенгайди, замонавийлаштирилди. Театр интерьерига дунёнинг ривожланган давлатларида ишлаб чиқарилаётган сўнгги технологиялар асосидаги ускуналар: Франциядан "Seat Ventilation" - замонавий ҳаво алмаштириш тизими, Испаниядан "Josper" - махсус ўриндиклар, Буюк Британиядан "Denkriser" - ёритиш ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Сахна деярли тўлиқ компьютер билан бошқариладиган программалаштирилган тизимга ўтди. Чироқлар, штанкетлар барчаси ягона механизмга бўйсуниб, олдиндан компьютерда режалаштирилган буйруққа бўйсунган бошлади. Бу эса табиийки, сахнада хизмат кўрсатувчи ходимлар ишини енгиллаштириш қаторида сценография сифат даражасига ҳам ижобий таъсирини кўрсатишига катта умид боғланди. Саҳнанинг техник қурилган параметрлари: сахна ойнаси (зеркало) параметри 14.4x9.6м(кенглиги -14.4, баландлиги-9.6), сахна чуқурлиги 23 м., сахна кенглиги 25м, штанкетлар кенглиги 19.5м, Оркестр ямаси 1.90м.[7] Задник томонда сахна рельефи учун платформа бўлиб, плашетдан 2 метр юқори кўтарилади. Планшет марказида эса 6 та люк мавжуд бўлиб, уларга актёр ёки сахна ускуналарини юқорига кўтариб чиқариш учун 2 та лифт мавжуд. Сахна штанкетлари ва чироқлари ҳар бир спектакл партитурасидан келиб чиқиб программалаштирилган. Фақат икки юқори ложадаги кузатувчи чироқларгина махсус буйруқ билан чироқчи усталар томонидан бошқарилади. Оркестр ямасида задник энича платформа бўлиб, чуқурлиги 1.90метр. Махсус мусиқий кечаларда платформа кўтарилади. Бу эса сахна планшети кенгайиши билан сценографик ечим имкониятлари кенгроқ очилишига кўмак беради. Томошабинлар залида партерда бирдан ўнинчи қаторгача 258 ўриндик, амфитеатрда бирдан ўн биринчи қаторгача 222та жой, ложаларнинг ўнг ва чап томонларидан 15 тадан, балконнинг биринчи ярусидан 96, 2 ярусидан 84 ўриндик ўрин олган.[8] Арьерсахнага яқин жойда катта платформа, ундан ташқари планшет қисмда 6 та люк очилди. Люкдан юқорига кўтарилиш учун кичик ҳажмдаги замонавий 2 донга лифт билан ҳам таъминланди. Жаҳон стандарти даражасидаги ушбу замонавийлаштирилган

имконият, ўзгаришлар албатта сахна сценографиясининг сифати учун хизмат қилишига қаратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, платформа ва люклар имконияти аслида замонавий сценография тенденциялари давомийлиги уларнинг техник ҳолати эса амалиётда кенг тарзда фойдаланишга мўлжалланган бўлиши керак эди. Бугунга келиб ушбу платформа баъзи спектаклларда кўтарилиб қўйилгани билан сценографиянинг функционал шаклидаги вазифаси учун қўлланилмайди, шунингдек люклар ҳам. Спектакл давомида фаоллаштирилмайди. Техник имкониятларнинг бу тариқа сценографияда фаол ишлатилмаслиги эса бугунги замонавий сценограф ижодини ўтган асрнинг ўрталарида яратилган тасвирий ечимли декорациялардан нарига ўтмайдиган ижодкорлар даражасига тушириб қўйишдек хавфни келтириб чиқаради. "Реконструкция ишлари жараёнида машғулот ва репетиция заллари, гримхоналар билан бирга, сахна ортидаги рассом-декораторлар, бутафория усталари, гримчилар, муҳандислар, овоз режиссёрлари ва радистлар, техник-коммуникация мутахассислари, реквизиторлар, театр либослари дизайнерлари, тикув цехлари чеварлари, сахна машинистлари ва курувчилари, афиша дизайнерлари - барча-барча ходимларнинг самарали меҳнат қилиши учун зарур шароитлар яратилган." [9] Кичик гуруҳлардан ташкил топган катта бир жамоа меҳнатининг асосида сценографик ечимни тўлақонли сифатли тарзда етказиш ётади. Бадиий ишлаб чиқариш цехида сахналаштирувчи рассомлар - 6, либос рассомлари - 2, реквизиторлар - 6, бутафорлар - 6, тикувчилар - 12, гримёрлар - 5, ёритиш рассомлари - 9, монтировкачи усталар - 12, машинист - 4, либосчилар: аёллар учун - 5, эркаклар учун - 5, пойавф зал учун - 3 нафар, режиссёрлар ва уларнинг ёрдамчилари, овоз режиссёрлари ва уларнинг ёрдамчилари каби ижодкорларни қўшмаган ҳолда жами 75 нафарни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, бу кичик рақам эмас. Бир сценографнинг матога ишлаган эскизи сахнага кўчирилиб, томошабинга етгунига қадар камида 75 инсоннинг меҳнати маҳсулига айланади. Театрларда LED қурилмаларидан фойдаланишга келсак, улар мусиқий ва драматик спектаклларда ва балет спектакларида ўзларининг ўринли қўлланилишини топдилар. Улар асосан сахнани тўлдириш ва манзараларни таъкидлаб кўрсатиш, шунингдек динамик ёритиш эффектларини яратиш учун ишлатилади. [10.91] Бугунги кунда (яъни театр таъмирланганидан сўнг) RGBW чироқ турининг ёйиб берадиган ва аниқ бир нуқтага туширадиган икки хили бор. LED қурилмаларидан ҳам фойдаланилади. [11] Опера ва балет сценографияси сифати юқори бўлишида замонавий сахна чироқларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Сахна схемасининг параметрларини махсус кўрсатишдан мақсад, унинг бор имкониятлари чегарасини жахон опера ва балет театрлари стандартига жавоб бера олиш ва олмаслик даражасини ҳавола этишдир.

Бир асрга яқин вақт давомида театрнинг муваффақиятли ижод қилиб келаётгани шу юртнинг маданияти ва санъати ривожига қўшган хиссасидан даракдир. “Театрда 1947 йили, яъни театр биноси ишга тушгач, бир йилдан сўнг музей ташкил этилган.”[12] Унда 1990 йилгача бўлган 3586 та эскизлар (рақамланмаган ҳолда) рўйхатга олинган. Улардан 147 таси спектакль эскизлари қолган барчаси либос эскизларидир. 1990 йилдан театр музейига топширилган фақат 110 та либос эскизлари рўйхатга олинган бўлиб, бугунга қадар бирортаям спектакль эскизлари театр музейига топширилмаган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, театр музейида театрга тегишли даврий нашрлар ва журналларда чоп этилган деярли барча маълумотлар сақланади. Бу эса ушбу театр фаолиятининг турли қисмларини ўрганишга киришган ҳар қандай театр рассоми шу соҳага яқин дипломант, магистр, тадқиқотчи учун айни муддао. Тарихни билиш ҳамма учун муҳим, айниқса у эндигина соҳага ишга келган ёш мутахассис учун ўзидан аввалги ижод фаолиятини билиб олиши ва ўрганиб, ишларида қайтариқ ва хатоларга йўл қўймаслиги учун театрнинг музейи ниҳоятда муҳим вазифани ўтайди. Ушбу музей фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бугунда шу соҳадан театр раҳбарияти томонидан таклиф билан жалб мутахассислар ижобий ишлар олиб боришмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Н.Б.Сайфуллаев “Ўзбекистон маданиятининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантиришнинг истикболлари(1991-1998 йиллар)”, тарих ф.н.дисс. Тошкент, 2002
2. Андрей Слоним: Я безумно боюсь остановиться, Правда Востока 2004г. 9 февраль
3. Ю.Насырова “К проблеме “Восток-запад” в истории узбекской оперы”, East-West issues based on the example of the Uzbek opera history, Section 2. Musical arts
4. Александр Моррисон (Ливерпул университетида Россия, Ҳиндистон ва Марказий Осиё тарихидан дарс беради) “Ғарблик томошабин учун Тошкентда опера қўйилиши ақл бовар қилмас томоша”, сайтдаги мақоласидан.
5. Р.Абдуллаев Опера драматургияси, Т.,2007.
6. Большой театр имени А. Навои выиграл грант японского правительства на \$400 тыс. 21 мая 2012года <https://podrobno.uz/cat/calche/Bolshoi-teatr-imeni-Navoi-viigral-grant-yaponskogo-pravitelstva/>
7. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри бош муҳандиси Э.Кабиллов билан суҳбат 2021 йил 20 февраль
8. <https://gabt.uz/>

9. Н.Усмонова "Санъат кошонасининг замонавий қиёфаси", 2015йил 26октябрь <https://old.xs.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/5847>
10. Андрей Фордштадтский «Динамические светодиодные приборы в театральном освещении» СЦЕНА, №6(116) 2018
11. ДАКТ ёритиш цех бошлиғи билан онлайн мулоқот В.Э.Жураковский. 3.07.2021
12. Ю.Е. Серякова билан суҳбат 2020 йил 10 март
13. Фазлиева, З. К. (2020). ЎЗБЕК САҲНА РАҚСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. Oriental Art and Culture, (III).
14. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE PLACE OF THE MAQOM GENRE IN THE ART OF UZBEK NATIONAL DANCE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSIIL), 3-3.
15. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF THE COMPOSER IN THE ART OF CHOREOGRAPHY. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSIIL), 2-2.
16. Азатова, Ф. М., & Фазлиева, З. К. (2021). "МУНОЖОТ" АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК РАҚС АСАРИ. Oriental Art and Culture, (6).
17. Фазлиева, З. К., & Абрайкулова, Н. Э. (2018). ТВОРЧЕСТВО МАРИУСА ПЕТИПА. Мирская наука, (12), 439-441.
18. Фазлиева, З. К. (2018). ВЗАИМОСВЯЗЬ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА "МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ УЗБЕКСКОГО ТАНЦА". Теория и практика современной науки, (4), 534-537.
19. Kamarbekovna, F. Z. (2020). UZBEK STAGE DANCE AND ITS WAY OF DEVELOPMENT. International Engineering Journal For Research & Development, 5(4), 4-4.
20. Erkinovna, A. N., & Kamarbekovna, F. Z. (2020). The role of dance in the opening of the idea of the performance and in the art of cinema. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 158-162.
21. FAZLIEVA, Z. (2015). Types of Interlanguage Phraseological Correspondence (Based on English and Turkish Languages). Canadian Center of Science and Education.
22. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). О'ЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 32-35.
23. Tavakulovna, M. D., & Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE IN PROFESSIONAL APPLIED TRAINING IN THE UNIVERSITIES OF ARTS AND CULTURE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(1), 6-6.

24. qizi Raxmatova, S. R. (2021). BALETMEYSTERLIK SAN'ATIDA KOMPOZITORNING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 29-31.

25. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 32-35.

РЕЖИССУРА ВА АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ ФАНЛАРИНИ ИНОВАЦИОН ЎҚИТИШ

Карим Йулдашев

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Фарғона минтақавий филиали

Анотация: Ушбу мақола режиссура ва актёрлик педагоглари олдидаги талабаларни ўқитиш жараёнида қандай талаб ва режалар турганлиги хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: режиссура, актёрлик маҳорати, инновацион ўқитиш

INNOVATIVE TEACHING OF DIRECTIONS AND DRIVING SKILLS

Karim Yuldashev

Fergana regional branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article discusses the requirements and plans for teaching students in directing and acting educators.

Keywords: directing, acting skills, innovative teaching

Режиссура йўналишининг 2-курс ўқув режасига қуйидагилар киради: драма-асарларининг режиссёрлик таҳлили, пьесалардан парчалар ва сахна кўринишлари устида мустақил ишлаш, шунингдек педагоглар ишида ассистент сифатида иштирок этиш.

Актёрлик маҳорати дарсларида режиссёрлик ва актёрлик гуруҳи талаблари пьеса ва ролларни эффектив таҳлили асосларини ўзлаштирадилар, муаллиф томонидан берилган ҳолат ва матндан четга чиқмаган ҳолда табиий ҳаракатланишни ўрганадилар, шу сабабли диққат марказига нутқ муаммолари келиб чиқади. Лекин 1-курсда олинган билим ва кўникмалар, актёрнинг ўқув сахна майдончасида шахсий дунёқараши, импровизация маҳорати, ҳамда актёр хулқининг доимий ўсиб боришига қарамасдан бу педагогик жамоанинг асосий масаласи бўлиб қолаверади.

Шундай қилиб, 2-курс пьеса ўрганиш - ҳартомонлама асар материалларини ўрганиш дарслари: режиссёр-талаба учун пьеса ва муаллифни ўрганиш ва актёр-талаба учун икки ҳисса изланиш, берилган ролнинг драматургик материални ўрганишга талаб этилган ҳолатда ўз-ўзини ўрганишнинг жиддий мактаби бўлиши лозим. 2-курс режиссёрлик ва актёрлик дарсларининг дифференцияси кучаяди: «режиссёр пьесани ёритиб беради,

актёр - аввало ўзини намойиш қилади». Аммо «педагогларнинг эстетик позициясининг бирлиги гуруҳнинг нормал ривожланишида катта аҳамиятга эга. Талабалар маҳорат ва режиссура дарсларида бир ҳил таълим берилишини нафақат билишлари, балки ҳис қилишлари керак ».

Ва энг асосийси:2-курс ўқув дастурига муаллифлик материаллари қўшилиши сабабли мураккаблашади, лекин бунда ҳар бир талабанинг актёрлик ва индивидуаллиги шакллантириш вазифаси ўз кучида қолади. «Ишхонада ёлгон ижодий шароит ва эстетик муҳит яратилиши лозимки, бу талабанинг истеъдодини шундай тубигача намойиш қилишга, яъни юзага чикмаган тақдорланмас қатламини -самимийлигини намойиш қилиши лозим».

Педагоглар талабаларга қандай парча берилганига қараб машқлар танлашга ҳаракат қиладилар. Ўқув-педагогик ҳолатларга қўшимча махсус янгиларини топиш ҳам шулардан биридир. «Тизим бир жойда турмайди. Бугун режиссёрлик касби муаммоли ва бадий масалаларни мураккаблашишини тахмин қилади»(А.А.Гончаров). Педагоглар репертуар борасида ҳам оғир аналогик изланиш олиб борадилар. Режиссёрнинг биринчи профессионал сифатларига бадий асар танлаш, аниқ ғоявий йўналиши ва юқори бадийлиги киради.

Режиссура

Иккинчи йил бўлажак режиссёр учун янги ва муҳим босқич ҳисобланади: адабий ва драматургик материал билан биринчи учрашади, муаллиф ғоясига киришга ва уни амалга оширишга уринади. «Биринчи йил давомида биз бегона материални билмас эдик, - биз ўзимиз ҳам муллик, ҳам ижрочи эдик. Ўзимиз этюдлар, импровизация шаклида матн тузар эдик. Энди олдимизда ўзимизнинг эмас, бошқа ижодий жараёнми? Ижодий жараённи активлигини қандай сақлаб қолиш мумкин? драматург билан учрашувда ўзини “мен”ини қандай сақлаб қолиш мумкин?»(М.О.Кнебель)

3-4-семестрда режиссёрлик маҳорати элементларини ўзлаштириш иши давом этади, лекин асосий эътибор драматургик материалнинг деталларини ўрганиш ва пьесанинг режиссёр тахлилига қаратилади. Режиссёр анализига қуйидаги этаплар киради:

1. Пьесани режиссёр томонидан ўрганилиши - асарнинг эмоционал нуқтаси, спектаклни худди бошланғич ғоядек образли кўра олиш.

2. Яралган спектакль образини пьеса тахлили орқали текшириш.

а) асар мавзусини ва долзарблигини аниқлаш. Мазкур асар яралган давр шарт-шароитларини ўрганиш.

Пьесани моҳиятини очиб берган илмий, тарихий, адабий, пулицистик, мемуар материаллари билан танишиш.

б) драматик асарнинг ғоясини ва асосий масаласини(асар нима мақсадда ёзилган) аниқлаш. Драматургнинг дунёқарашини тушуниш, ҳамда бугун ва ҳозир спектакль қўяётган режиссёр ва драматург мақсадлари бирлигини таъминлаш.

в) ушбу пьесадаги асосий зиддиятни ва унда қатнашадиган қаҳрамонлар муносабатларини аниқлаш;

г) пьесанинг асосий воқеа-ҳодисаларини, актини, тасвирини узликсиз ривожланувчи босқичлари каби аниқлаш;

е) қаҳрамонлар характерлари ва уларнинг биографияси;

ж) мазкур пьеса персонажлари яшаётган ва ҳаракатланаётган ҳудудларни аниқлаш;

з) пьесада муаллиф томонидан яратилган образлар таҳлили: муаллиф нигоҳи, қиёслаш метафоралари, лексика ва пунктуациянинг характерли хусусиятлари, муаллиф изоҳларининг табиати;

и) пьеса структураси, пьеса ва муаллифга тегишли композицион хусусиятлар, асосий лейтмотивлар;

к) пьесанинг жанрли ва стилистик характеристикаси.

Текширув натижаларини баҳолаш

«Режиссёр муаллифнинг ҳис-ҳаяжонли оламига тўлиқ кириб бориши, танланган драматург стилистикасида фикрлашни ўрганиши лозим»деган эди А.А.Гончаров.

Бу босқичда пьесага режиссёрлик қилаётган талаба томонидан танланган таҳлил - ёзма иш билан яқунланади.

Педагог ҳоҳишига биноан мазкур ёзма иш талабалар томонидан турли шаклда бажарилиши мумкин.

Ҳар бир талаба ўз пьесаси устида ишлашини ва биринчи мустақил иши учун айнан шу пьесада парча танлашини таъминлаган ҳолда таҳлил бўйича ёзма иш берилиши мумкин, бунда иш юқорида айтилган булимларга мувофиқ тўлиқ ҳажмда бир ёки икки семестр вақт давомида бажарилиши лозим.

31. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2225-2232.
32. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. European Journal of Arts, (1), 121-124.
33. Юлдашева, С. Н. (2020). СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ АУДИТОРИИ. ТИПОЛОГИЯ ЧИТАТЕЛЕЙ. Oriental Art and Culture, (V).
34. Sohibaxon, Y. (2021). O'ZBEKISTONDA KUTUBXONACHILIK SOHASINING RIVOJI. Oriental Art and Culture, (7), 260-268.
35. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2225-2232.
36. Yuldasheva, S., Habibjonov, I., & Haydarov, A. (2020). Librarianship in the formation of book reading. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 12(2), 2925-2927.
37. Юлдашева, С. (2019). Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти. Oriental Art and Culture, (IV (1)), 59-62.
38. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2225-2232.
39. Yuldasheva, S., & Madumarova, M. (2020). TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS. European Journal of Arts, (1), 148-152.
40. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.
41. Gofirjon Yunusov, R. A., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look at the Folklore of Fergana Valley or History of a Song in the Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2822-2827.
42. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. European Journal of Arts, (1), 121-124.

43. Talaboyev, A., Yunusov, G., & Ahmedov, R. (2020). Local methods of traditional singing. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2916-2920.

44. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

45. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

46. Usmonov, S., & Talaboyev, A. (2021). Work of the director with an artist. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2407-2410.

47. Талабоев, А. (2019). Мақом санъатида сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 25-28.

48. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. (2020). SONG PERFORMING IN TRADITIONAL PERFORMING ARTS: PAST AND PRESENT TIM. *European Journal of Arts*, (1), 85-88.

49. Dadaboev, Y., & Dehqonov, R. Hordo Structures in Central Asian Architecture.

50. Дехқонов, Р. (2020). СОҒЛОМ АВЛОДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (V).

51. Utaganov, R., Dehqonov, R., & Tuxtasinov, M. (2020). MAIN ADVANTAGES OF TEACHING METHODS IN ARTS. *European Journal of Arts*, (2), 146-148.

52. Usmonov, S., Utaganov, R., & Dehqonov, R. (2020). Director's knowledge and approach in performing classical plays. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2921-2924.

53. Haydarov, A. (2019). АКTYORLIK SAN'ATIDA VOKALNING O'RN. *Интернаука*, (19-4), 55-56.

54. Haydarov, A. (2020). QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH. *Oriental Art and Culture*, (IV).

55. Хайдаров, А. (2021). ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭСТЕТИК БАРКАМОЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

56. Haydarov, A. (2021). The role of Uzbek folklore in the aesthetic development of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3),

1973-1977.

57. Askarova, M. (2020). Homil yakubov's views on navoi studies. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 788-792.

58. Асқарова, М. (2021). АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 209-216.

59. Askarova, M. (2021). Homil Yakubov's views on Oybek lyrics. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2412-2415.

60. Мад, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРА ХОНИМНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА САНЪАТДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 160-170.

61. Мадолимов, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (1941-1945 ЙИЛЛАР). *Oriental Art and Culture*, (7), 144-151.

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МУСИҚА ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мийрбек Палуаниязов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали

Аннотация: Муסיқа муסיкий образлар орқали очиб бериладиган у ёки бу мазмунга эга бўлади. Бу табиат манзаралари, ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар ва вазиятлар, инсоннинг ички маънавий оламидир. Муסיқа кишининг ҳиссиёти, кайфиятини ифодалашга қодир. Шу билан бирга унинг табиат манзараларини тасвирлаш, ҳаракат образларини гавдалантириш, ҳаётнинг самимий овозлари (қушларнинг сайраши, момақалдиروқнинг гулдираши)га тақлид қилишга ҳам лаёқати бор.

Калит сўзлар: Муסיқа, санъат, бадий асар, санъаткор, ҳодисалар, ижодиёт, товушлар ва оҳанглар.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE SCIENCE OF MUSIC THEORY IN THE SYSTEM OF MUSIC EDUCATION

Miyrbek Paluaniyazov

Nukus branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: Music has this or that content, which is revealed through musical images. These are natural landscapes, events and situations in social life, the inner spiritual world of man. Music is able to express a person's feelings and moods. At the same time, he has the ability to depict natural landscapes, to embody images of movement, to imitate the sincere sounds of life (birdsong, thunder).

Keywords: Music, art, artwork, artist, events, creativity, sounds and melodies.

Муסיқа (илҳом парилари санъати) - оҳанг (интонация) санъати, садоларда ифодаланган воқеаликнинг бадий аксидир. У борлиқни ўзига хос тарзда акс этиб, уни бойитади, ҳамда уни туш униб олиш ва ўзгартириш да ёрдам беради. Маълумки, муסיқа жамият ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Муסיқа - инсоннинг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида, меҳнат ва дам олиш чоғларида албатта иш тироқ этадиган аломат сифатида хизмат қилиб, одамни маънавий қадриятларга эриш тирадиган ноёб воситадир. Уш аҳсинг маънавий оламини, ахлоқий мақсадларини шакллантирувчи эстетик тарбиянинг самарали қуроли деб ҳисобланади. Муסיқанинг ўзи, унинг яратувчилари, ижрочилари,

тингловчиларидан иборат мусиқа маданияти жамият маданиятидаги муҳим бир соҳадир.

Санъат мазмуни - ҳаёт, атрофимиздаги воқеалик, инсон ва унинг ички дунёси ўй-фикрлари, ҳис-туйғуларидир. Санъат инсон фаолиятининг бошқа турларидан кўра бадиий образларни яратиш орқали воқеликни ўзлаштиради. У кишининг ҳиссиёти ва онгига бевосита таъсир қилувчи шаклда оламни гуёки янгидан яратади. Лекин, санъаткор ҳаётни, ходисалар ва нарсаларни нусха қилиб кўчирмайди. У бирор образга хос бўлган энг умумий, типик хусусиятларни саралаб олиб, уларнинг ҳаммасини тушуниб олиб, образ қиёфасини ўзгартиради, сўнг уни расм, шеър, мусиқа асари шаклида гавдалантиради. [1.Б.43]

Албатта, ҳар қандай санъаткорнинг асари муаллифнинг шахс асоратини ўз ичида сақлаб қолади. Чунки, ташқи дунёнинг объектив материали санъаткорнинг онгида алоҳида қайта ишлаб чиқилиб, оригинал, ўзига хос ижод бўлиб қайта вужудга келади. Бироқ, шу билан бирга ҳар бир ижодий асар жамоат онгининг маҳсулотидеб ҳам ҳисобланади. Негаки, у муайян бир ижтимоий психология, мамлакат, тарихий ҳодиса билан боғлиқ бўлади.

Аммо санъат турлари ҳаётнинг турли-туман томонларини бир хил даражада тасвирлашга қодир эмас. Санъатнинг ҳар бир тури ўзига хос воситалар ва ифодалаш тамойиллари билан ажралиб туради. Ҳўш, мусиқа санъати ўзи нима? Унинг мақсади, вазифалари нимадан иборат? Мусиқа бошқа санъат турлари билан яқин муносабатларда бўлиши шубҳасиздир. Уларнинг жонли алоқалари мусиқага хос интонацион асоси адабиёт билан яқинлиги, ритмик уюш қоқлиги шеърят ва рақс санъатига ўхшашлиги, асарларининг мутаносиб тузилиши архитектура шаклларига мувофиқлигида кўринади. Бунга қўшиб айтиш лозимки, адабиёт, тасвирий санъат, хайкалтарошлик асарлари кўпинча мусиқий асарлар учун асос сифатида хизмат қилади.

Бадиий образ мусиқа асарларида ўзига хос тарзда, яъни, маълум товушлар ва оҳанглар синтези сифатида акс эттирилади. Мусиқа асарларида шакл ва мазмун бир-бирини тўлдирувчи унсурлар сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Мусиқа мусиқий образлар орқали очиб бериладиган у ёки бу мазмунга эга бўлади. Бу табиат манзаралари, ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар ва вазиятлар, инсоннинг ички маънавий оламидир. Мусиқа - бу энг авваламбор ҳис қилиш орқали туш унладиган ва уларга таянадиган санъат туридир. Бунда биз маълум бир даражадаги нисбийлик ва маълум бир даражадаги аниқлик асосида тузилган ва шаклланган мусиқа назарияси фани орқали мусиқанинг кўп жиҳатларини тушинишимиз ва тушунтиришимиз мумкин. [2.Б.131-132]

Ҳар қандай шакл ва мазмундаги мусиқа ранг-баранг таркибий қисмлардан таш кил топади ва мусиқа назарияси - мусиқанинг элементар назарияси,

гармония, музика асарлари таҳлили, полифония ва чолғушунослик сингари бир неча тармоқларга ажралади. Музиканинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғланишлари ҳақидаги маълумотлар музика ва унинг назариясига оид фанларда акс эттирилган. Мазкур фанларнинг бошланғич курси музиканинг элементар назариясидир. Бу фан товуш ва унинг хусусиятлари, товушларнинг шартли ёзма ифодаси - нота шакллари ва турлари, ритм ва метр, товуш лар оралиғи - интервал, аккордлар ва уларни турлари ва хусусиятлари, музиканинг ифода воситалари ва кўпгина бошқа тушунча ва фикрларни ўрганишга ва тушунишга ёрдам берадиган асосий музикаий фанлардан биридир. Хозирги шароитда талим тизими талабларига мувофиқ янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айниқса, музикаий таълимни замон талаблари даражасига кўтариш, таълим тизимига илғор инновацион ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш муҳим давлат аҳамиятига молик масалалардан бири сифатида кун тартибда турибди. Музика назарияси фанини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

"Технология"- грекча "течне" сўзидан олинган бўлиб, маҳорат, ҳунар ва "логос"- тушунча, таълимот маносини англатади. Технология самарали воситалар ёрдамида ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг сифат ўзгаришига олиб келувчи тизимли усуллар йиғиндисидир.

"*Инновация*" - инглизча *инноватион* (янгилик киритиш, янгилик яратиш, новаторлик) сўзидан олинган бўлиб, новацияларга инвестициялар сифатида талқин қилинади. [З.Б.95]. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар бу - жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яни педагогик тасир этиш усуллари ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи - талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради: - ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланиш га мажбур этиши; - ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқиш ларини доимий равиш да бўлишини таъминлаши;

- ўқувчининг билимга бўлган қизиқиш ини мустақил равиш да ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсаддан натижага эриш иш ида қандай технологияни танлаш лари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий

мақсади аниқ: натижага эриш иш га қаратилган, бунда ўқувчининг билим савияси, гуруҳ характери, ш ароитга қараб иш латиладиган технология танланади, масалан, натижага эриш и учун балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ.

Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафоотланган натижа, дарс жараёнини таш кил этиш нинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. [4.Б.213]

Технологик харитани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади. Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс маш ғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби технологик харита унга фанни, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, туш униш ига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эриш иладиган натижасини кўра олиш ига ёрдам беради. Замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этишда кўп факторлар салбий таъсир этади, уларга:

1. таълим муассасаларининг компьютерлар ва электрон воситалар билан таъминланганлик даражасининг етарли эмаслиги;

2. таълим муассасаларининг интернет ва бошқа ахборот тармоқларига етарлича уланмаганлиги;

3. ўқитувчиларнинг замонавий компьютер техникаси бўйича малакасининг етишмаслиги;

4. таҳсил олувчиларнинг ҳам компьютердан етарли фойдалана олмасликлари, электрон китоблар билан ишлашни билмасликлари;

5. таълим муассасалари раҳбариятининг таълимни бу соҳасига жиддий эътибор бермасликлари ва ҳ.к. [5.Б.108]

Таълимда йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф этиш омиллари қуйидагича: - янги инновацион технологияларни ўрганиш учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ни таш кил этиш; мултимедиа ўқув қўлланмалари ишлаб чиққан ўқитувчиларни рағбатлантиришни; интернет тармоқи орқали онлайн конференциялар, семинарлар ва бош қа ўқитиш тадбирларини таш кил этиш; таълим муассасаларида мултимедиа синфлари, лабораториялар ва кутубхоналар сонини кўпайтириш; интернет ва бош қа электрон ўқув воситалари бўйича ўқитиш академик соатлари миқдорини кўпайтириш; таҳсил олувчилар билан замонавий ахборот технологиялари ҳақида кўпроқ илмий таниш тирув иш ларини олиб бориш. Шунини эътиборга олиб, ҳар-хил компьютер дастурлари асосида тузилган мусикий ўйинлари

ёрдамида ташкил этиш, ёки *"Power point!"* дастурларини қўллаш таълимга инновацион технологияларни жорий қилишни яна бир ютуғи сифатида қарашимиз мумкин. Бундан кўзланган мақсад: компьютердан фойдаланиб ўқувчиларнинг билим савияларини ошириш, мавзу моҳиятини аниқ идрок этишига ёрдам бериш, соф куйлашга ўргатиш, муסיқага бўлган қизиқишларини ошириш, муסיқа таълимини техник таълим билан бир-бирига боғлашдир. [6.Б.69]

Замонавий талимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, шунингдек, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда талим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади. Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда талим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, уш бу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси" тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони.

2. Акбаров И.А. Муסיқа луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1997.

3. Апраксина О.А. Методика музыкального воспитания в школе. Учебное пособие. - М.: Просвещение, 1983.

4. Ардабаева Б.К., Белошничеснко Е.В., Дандыбаева Г.Т., Мишутина Е.И. Методические рекомендации по организации и планированию экспериментальной работы в организациях образования. // - Костанай, 2009 г.

5. Рахимов Қ. Муסיқанинг элементар назарияси. (Маълумотнома), Тошкент, "Муסיқа", 2007.

6. Рахимов Қ. Муסיқанинг элементар назарияси бўйича машқ ва вазифалар тўплами. Тошкент, "Ўзбекистон", 2006

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ КИЙИНИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА ОИД ЭСТЕТИК ЖИХАТЛАР ТАВСИФИ

Сабохат Чориевна Муратова
ТерДУ

Аннотация: Мазкур мақолада ўзбек миллий рақс санъатининг кийиниш элементларига оид эстетик жиҳатлар тавсифи, ўзбек миллий рақс санъатининг тарбиявий аҳамияти ҳамда рақс санъатида рақсларни, рақснинг кийимларини танлашнинг эстетик жиҳатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: рақс, миллий рақс, санъат, тарбия, эстетик тарбия, рақс кийимлари.

DESCRIPTION OF AESTHETIC ASPECTS ON ELEMENTS OF UZBEK NATIONAL DANCE

Saboxat Chorievna Muratova
TerSU

Abstract: This article describes the description of the aesthetic aspects of the elements of dress in the Uzbek national dance, the educational value of the Uzbek national dance and the aesthetic aspects of the choice of dances, costumes in the art of dance.

Keywords: dance, national dance, art, education, aesthetic education, dance costumes.

Миллий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февраль 4584-сон қарорида “Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу эса ушбу санъатни бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак

авлодларга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда.¹"- деб таъкидланган.

Шунингдек, мазкур қарорда нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам машхур бўлган Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» ансамбли ўзининг қарийб 30 йиллик фаолияти давомида ўзбек миллий рақс санъати ривожига ўчмас из қолдирганлиги, бироқ, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Баҳор» ансамблининг ижодий фаолияти тўхтаб қолдиганлиги ва шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда миллий рақс санъатида профессионал бадиий жамоалар фаолиятини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни тарбиялаш, балетмейстерлар ва балет артистларининг янги авлодини шакллантирадиган ижодий лабораторияларни ташкил этиш, уларнинг малака ва тажрибасини ошириш, шунингдек, ўзбек рақс санъатининг «олтин фонди»ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини янада ошириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар билан кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳурмат туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш вазифасининг белгиланганлиги бизнинг тадқиқот ишимизнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбек рақс санъатида рақсларни таҳлил этиш масаласида Н.Абрайкулова куйидаги таклифини келтиради: "Ўзбек рақс санъатининг мерос рақслари мажмуасига кирган "Муножот", "Роҳат", "Тановар", "Пилла", "Пахта", "Катта ўйин" ва бошқа рақсларни бирон-бир жойини ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ушбу рақсларни бузмасдан, ортиқча элементлар қўшмасдан бутунлигича ўргатиш керак. Акс ҳолда услублар аралашиб, ўзбек миллий рақс санъатининг кўп қирралик бойлигига катта путур етказиши [6-7]"² Мазкур фикр ўзбек рақс санъатида ўзига хос маъно мужассамлиги, тарбиявий жиҳатлари борлигига ишора қилади.

Рақс санъати вужудга келганидан бошлаб халқ рақслари унинг асосий жанри бўлиб қолди. У қадим даврларда яратилиб ва ривожланиб келганлиги, халқнинг ҳаёти, маиший ва меҳнатнинг ажралмас қисми бўлиб қолганлиги табиий ҳолатдир. Халқ рақси хореографияси воситалари инсоннинг кўп қиррали характери, унинг ички кечинмаларини очиқ беради.

Хореографияни ўқитиш таълимига кирувчи фанлардан бири бу тарихий-маиший рақслардир. Тарихий-маиший рақс таълими ҳаракатлари ва композициялар асосида тузилади. Ундан кўзланган мақсад "Хореография

¹ Миллий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори 2020 йил 4 февраль

² Абрайкулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2003 й., 7-бет.

санъати асослари" фани бўйича таълим олаётган талабаларни ушбу фан билан таништириш, рақс комбинацияси ва композициясини яратишда ёрдам беришдан иборатдир. Тарихий-маиший рақс фанини ўқитиш икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда мавзу таркибига кирувчи "Пас балансе", "Пас шоссе", "Пас элеве" элементлари ўргатилади. Бунда айрим элементларни бажаришга кўпроқ эътибор қаратилади, ўрганилган ҳаракатлардан рақс композициялари тузишга мисоллар берилади. Иккинчи қисмда ўтилган материаллар ва талабаларнинг имкониятларини ҳисобга олиб тузилган рақс ва рақс композицияларига кўпроқ эътибор берилади [26:27].³

Таниқли санъаткор Р.Каримова раққосанинг гавда ҳолати тўғрисида куйидаги фикрларни келтиради: "Ҳар бир раққоса, гарчи у махсус билимга эга бўлса-да, сахнани тарк этгунга қадар машғулоти давом эттириши зарур. Машғулоти қоматнинг гўзаллигини сақлайди, қўл ва оёқ ҳаракатларини камолга етказди. Қўл ва оёқ ҳолатлари Фарғона услубидаги рақсларни ўрганишда асосий қоида бўлиб ҳисобланади. Ушбу оёқ ва қўл ҳолатларини ёд олган раққоса рақсларни қийналмай ўрганади ҳамда хатосиз ижро этади. Қўл ҳолатлари куйловчан бўлиши учун йирик тўлқин, илон ҳаракатларини мунтазам такрорлаб бориш керак. Хилма-хил айланишлар, сўнг эгилишларга ўтиши зарур. Шу тарзда рақс санъатининг хазинаси бойийди. Ҳар бир услубни қатъий сақлаш керак. Акс ҳолда услублар аралашиб, ўзбек миллий рақс санъатининг кўп қиррали бойлигига катта зиён этади. Дарсни олиб борувчи аввал тайёрланиб, сўнг машғулоти бошлаши керак. Шу қаторда Фарғона услубидаги доира зарбларига мослашган энг асосий ҳаракатлардан шакллланган машғулоти ўтиш ҳар бир рақс санъатчисига илмий хазина бойлиги, туганмас булоқ, янгилик илхом беради. Доира зарбларини мукамал биладиган доирачи ва ҳаракатларни аниқ биладиган муаллим машғулоти бир жойда ўтиши мақсадга мувафиқ. Агар бундай кишилар жойларда йўқ бўлса, мутахассис шахсларни чақириб, семинар ўтказиш керак".⁴

Ўзбек рақс санъатининг тарбиявий таъсирида эътибор талаб хилма хил жиҳатларни кузатиш мумкин. Жумладан, агар катта формадаги рақслар кенг қулоқ ёзиб бажариладиган ҳаракатлар бирлашмаси кескин бажарилиши билан характерланса, кичик формадаги рақслар эса (катта формадаги рақслардаги каби кенг доира бўйлаб қуюндек тез айланишдан бошқа ҳаракатлар мавжуд бўлса ҳам) ҳаракатларнинг оғирлиги, майинлиги ва раққос қиёфасидаги яширин ўйчанлик билан ажралиб туради. "Хона базм" ўйинларнинг ўзига хос хусусиятлари гавданинг юқори қисмидаги ҳаракатлар билан фарқланади. Булар

³ Сайтова Э.Й., Абрайқулова Н.Е. Хореография ва рақс санъати асослари. – Т.: "Наврўз", 2015, 156 б.

⁴ Каримова Р. Тановар (Хореография билим юртлари, бадиий ҳаваскорлик тўғараклари учун қўлланма). – Т., 1993. – 40 б.

қўл панжалари, бош, бўйин, елка, қош-киприклар, лаблар ва кўкракнинг енгил титраши ёки тебранишидан иборат. Бу ўйинларда раққоснинг сезилар-сезилмас бош қимирлатиши, киприklarини пириллтиши, бармоқларининг беихтиёр ҳаракатлари беқиёс гўзаллик ва зеболикни вужудга келтиради. Агар раққос рақсни аҳамияти йўқдек кўринган бу ҳаракатларсиз - фақат рақснинг асосий ҳаракатларинигина ижро этса, бу гўзаллик дарҳол йўқолади. Шунинг учун ҳам кичик формадаги рақсларнинг кўпчилиги чуқур ҳис-туйғу билан суғорилган бўлади. Ашула ва рақс жанрларига кирувчи яллаларнинг рақс қисмлари катта ва кичик формадаги рақсларга энг яқин турган рақслардандир. Яллани кўпинча ашулачи ижро этади ва бир лапарни айтиб, хор жўрлигида ўйинга тушади.

Оммавийлаштирилган рақс сифатида биринчи навбатда "Кема ўйин"ни кўрсатиш мумкин. "Кема ўйин"ни ижро қилувчилар белларига енгил ясама қайиқни боғлайдилар, қайиқдан пастга раққоса оёқларини бекитадиган қилиб нафис мато тутилади; бу эса қайиқда одам ўтиргандек таассурот беради. "Кема ўйин" одатда кечаси ижро қилинганидан қайиқнинг икк учига ёниб турган чироқлар ўрнатилади. Бу ажойиб томошада, одатда, бир қанча раққослар иштирок этади. Рақс бирин-кетин келадиган мураккаб ҳаракатлардан, доира бўйлаб ва бир жойда туриб гир айланишлардан, секин-аста ўтириб, бир томондан иккинчи томонга тебранишлардан, кеманинг дарё тўлкинида чайқалиши, гоҳ сув гирдобига урилиши, гоҳ саёз жойга чиқиб тўхтаб қолиши, гоҳ мавж уриб тўлқинланиб турган сувда сузиб бориши каби ҳаракатлардан иборатдир [16:17].⁵

Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ҳар бир ҳудудий рақс йўналишларида кийимлари турлича. Демак, бу кийимларнинг пайдо бўлиши ҳам, рақс ҳаракатлари тизими вужудга келиши билан мос келади. Ёки аксинча, ҳаракатларга қараб кейинчалик кийим ва ундаги безаклар яратилган, мукаммаллашиб борган. Уларнинг қайси бири олдин ёки кейин пайдо бўлгани аҳамиятга эга эмас. Асосийси, кийимларни рақс ҳаракатига уйғунлашишидир. Масалан, Лазги рақсида ёки умуман Хоразм рақсларида кийим кенг ва ихчамлиги билан ажралиб туради. Шунга мос равишда ҳаракатлар ҳам жуда тез ва пластик ҳолатда, шиддат билан бажарилади.

Бухороча рақсда эса кийимлар кенг ва ёнида икки қаричдан кўпроқ очиқ бўлади, шу тўғрисида қўл ҳаракатларининг тезлиги тананинг тезлиги билан қўшилишиб кичик бир масофада (диапазонда) ҳаракатланишга эътиборни қаратиш лозим.

Фарғонача рақс ҳаракатлари куш каби, қалдирғоч ҳаракатига уйғун келади, шунга мос кийимлари ҳам жуда кенг. Бу рақсда куйловчан ва кичик масофада

⁵ Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. На узбекском языке. Гослитиздат, Ташкент. 1960 г.

(амплитуда)ги ҳаракатлар ҳам ишлатилади. Оёқ ҳаракатларида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади.

Сурхон воҳасида кийимлар ўта қулай ва ихчамлиги, қишлоқ халқи ичидан олиниб, ҳаётийлаштирилгани билан ажралиб туради. Чунки бу рақс тизимида ҳаракатлар асосан елка, қўл ва оёқда бажарилгани учун кийимлар махсус танланади [14-15].⁶

Тадқиқотчи Н.Абрайқулова балетмейстерларни тайёрлаш масаласига қуйидагича ёндашади: "Замон талаби билан балетмейстер чуқур билимли, юксак маданиятли, касбий маҳоратли, ўз замонасининг илғор кишиси сифатларига эга бўлиши керак. Олий ўқув юртлари, ўрта-бўғин тизимидаги таълим муассасалари балетмейстерларда шу ҳислатларни тарбиялашга интиляпти.

Бўлажак балетмейстер қуйидагиларни мукамал ўрганишлари керак:

1. Хореография соҳасини (классик рақс, халқ рақслари, тарихий, замонавий рақслар, дуэт, мерос рақслари).

2. Мусиқа соҳасини (мусиқа драматургияси, сольфеджио, мусиқа назарияси).

3. Режиссёр-сахналаштирувчи соҳани (актёрлик маҳорати, гримм, либос танлаш, сахна безатиш).⁷

Бадий-оммавий тадбирларда жойлардаги қадимдан мавжуд бўлган маросим рақсларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Маросим ва байрамларда сюжетли рақслар, фольклор жанридаги халқ рақслари зўр қизиқиш билан томоша қилинади. Ушбу рақсларда урф-одатлар, анъаналар, кадрятларимиз акс эттирилади.

Бадий-оммавий тадбирларда рақс санъатининг ўрни каттадир. Чунки ҳар қандай зўр қўшиқ ҳам рақс санъати билан янада тўлдирилади, томошабинни зериктирмайди, эстетик дидини оширади. Қўшиқ ёки куйнинг мазмунини, образлар, ҳаракат орқали томошабинга таъсир этиб, етказиб беради. Ўтказилаётган тадбирларнинг мазмуни ва моҳиятини тўла очишга имкон беради⁸.

Ўзбек миллий рақс санъатида ёш раққосанинг мусиқа ритми туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришда қўшимча имкониятлар мавжуд. Булардан бири - санаш. Ижро ўргатилаётган пайтда раққоса тарафидан санаб ижро этиш ритмик тузилишни осонроқ тушунишда ёрдам беради. Умуман, ижрони ўрганиш пайтида санаш мусиқа ритмини ҳис қилиш ва мустаҳкамлашда

⁶ Каримова Р., Собирова Ф. Нурсафардий ҳаракатлар тизимида ўзбек миллий рақслари ва жанговар ўйинлари. Тошкент: "Lider Press" нашриёти, 2008. – 331 с.

⁷ Абрайқулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2003 й., 10-бет.

⁸ Абрайқулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2003. – 56 б.

фойдалидир. Лекин кўп раққосаларнинг ижро этиш пайтида овоз чиқариб санашларига йўл қўймаслик керак. Санашдан фақат рақс ўргатилаётган пайтда фойдаланиш мумкин. Раққосалар орасида тез-тез учраб турадиган камчилик - мусиқадан тезлашиб кетиш ёки орқада қолиш. Буни баргараф этиш учун одатда раққоса билан чапак чалиш, мусиқани овоз чиқариб куйлаш, санаш керак ва яна ижрони давом эттириш керак [:38-39].

Рақс либосларини танлашнинг асосий шартлари мавжуд бўлиб, улардан асосийси унинг мактаби ва йўналиши бўлса, яна бир шarti - рақсни ижро этувчи раққосанинг ташқи кўринишини ҳам ҳисобга олишдир. Бўй-басти рангига мос келишини ўйлаб либос танлаш зарур. Рақснинг талабга жавоб берадиган даражада бўлиши унинг саҳналаштирилгани, ижроси ва либосларнинг танланишига боғлиқ. Ўзбек миллий рақсимиз уч йўналишдан ташқари мумтоз, лирик, фольклор, замонавий жанрларга эга. Бу жанрлардаги рақс либослари ва тақинчоқлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Камзул билан узун халатни, дўппи билан пешанабандни, билак узук билан зангни аралаштириб юбормаслик, зебигардон ва туморнинг ўрнига мунчоқ тақиш каби камчиликларга йўл қўймаслик лозим. Балетмейстер ҳар бир рақс либосининг, тақинчоқларнинг туб моҳияти, келиб чиқиш тарихини билиши зарур. Сочга тақиладиган жамалак, оёққа кийиш учун туфли ёки ковуш ҳам ўзининг жанрига мос бўлиши шарт. Акс ҳолда, бачканалик, ортиқча зебу зийнат томошабиннинг раққосага нисбатан нафратини кўзғатади. Асосийси эса рақснинг асосий мақсадга эришишида халал беради.

Хулоса сифатида ўзбек миллий рақс санъатининг бой тарбиявий аҳамиятга эгаллиги, айниқса маънавий-эстетик жиҳатдан кишин юксалтириши унинг асосий жиҳатидир. Шу туфайли ёшларни рақс санъатига бўлган қизиқишларини ўрганиш ва уларни бу соҳага йўналтириш уларнинг маънавий-эстетик жиҳатдан ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Миллий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори 2020 йил 4 февраль
2. Абрайқулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2003 й.,
3. Сайтова Э.Й., Абрайқулова Н.Е. Хореография ва рақс санъати асослари. – Т.: “Наврўз”, 2015,
4. Каримова Р. Тановар (Хореография билим юртлари, бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари учун қўлланма). – Т., 1993.
5. Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. На узбекском языке. Гослитиздат, Ташкент. 1960 г.

6. Каримова Р., Собирова Ф. Нурсафардийя ҳаракатлар тизимида ўзбек миллий рақслари ва жанговар ўйинлари. Тошкент: "Lider Press" нашриёти, 2008.

7. Абрайкулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2003 й.

8. Фазлиева, З. К. (2020). ЎЗБЕК САҲНА РАҚСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. Oriental Art and Culture, (III).

9. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE PLACE OF THE MAQOM GENRE IN THE ART OF UZBEK NATIONAL DANCE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSII), 3-3.

10. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF THE COMPOSER IN THE ART OF CHOREOGRAPHY. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSII), 2-2.

11. Азатова, Ф. М., & Фазлиева, З. К. (2021). "МУНОЖОТ" АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК РАҚС АСАРИ. Oriental Art and Culture, (6).

12. Фазлиева, З. К., & Абрайкулова, Н. Э. (2018). ТВОРЧЕСТВО МАРИУСА ПЕТИПА. Мирская наука, (12), 439-441.

13. Фазлиева, З. К. (2018). ВЗАИМОСВЯЗЬ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА" МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ УЗБЕКСКОГО ТАНЦА". Теория и практика современной науки, (4), 534-537.

14. Kamarbekovna, F. Z. (2020). UZBEK STAGE DANCE AND ITS WAY OF DEVELOPMENT. International Engineering Journal For Research & Development, 5(4), 4-4.

15. Erkinovna, A. N., & Kamarbekovna, F. Z. (2020). The role of dance in the opening of the idea of the performance and in the art of cinema. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 158-162.

16. FAZLIEVA, Z. (2015). Types of Interlanguage Phraseological Correspondence (Based on English and Turkish Languages). Canadian Center of Science and Education.

17. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 32-35.

18. Tavakulovna, M. D., & Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE IN PROFESSIONAL APPLIED TRAINING IN THE UNIVERSITIES OF ARTS AND CULTURE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(1), 6-6.

19. qizi Rahmatova, S. R. (2021). BALETMEYSTERLIK SAN'ATIDA KOMPOZITORNING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 29-31.

20. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. *Oriental Art and Culture*, 2(1), 32-35.

O‘ZBEKISTONDA BALETMEYSTERLIK SAN’ATINING SHAKLLANISHI

Shohistaxon Ravshanjon qizi Raxmatova
O‘zbekiston davlat xoreografiya akademiyasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada baletmeysterlik san’atining shakllanishi va rivojlanishida milliy raqs san’atimizning asoschilarining ahamiyati haqida bayon etilgan

Kalit so‘zlar: raqs, san’at, baletmeyster, raqs ustalari, ijro, sahna, sahnalashtirish.

FORMATION OF BALLET MASTERY IN UZBEKISTAN

Shohistaxon Ravshanjon qizi Raxmatova
Uzbekistan State Academy of Choreography

Abstract: This article describes the role of the founders of our national dance in the formation and development of the art of choreography

Keywords: dance, art, choreographer, masters of dance, performance, stage, staging.

Tarixdan ma’lumki, bizning ona zaminimizda buyuk allomalar, nomlari tillarda doston san’at ustalari yetishib chiqqan bo‘lib, ustoz - shogird an’analari davom etib kelmoqda.

Ustoz shogirdchilik maxsus shartnoma asosida muayyan bir muddatga tuziladigan axdlashuv, sherikchilik bitimi emas. Bu qalb amri bilan amalga oshadigan jarayon, chirmashib hosil bo‘ladigan insoniy qotishma, muqaddas birlik, parchalnamas ittifoqdir.

Shunday ekan san’at turlari orasida nafis san’at turi betakror raqs san’ati ham shu yo‘sinda davom etib kelmoqda.

Raqs san’atini esa uning yaratuvchisi bo‘lmish, baletmeystersiz ta’savvur qilib bo‘lmaydi. O‘zbekiston baletmeysterlari ijodida milliy raqslarining tutgan rolini atroflicha o‘rganilishi respublika raqs san’atidagi xalqchilik xususiyatlarini batafsil ochib ko‘rsatishda xizmat qiladi. Professional baletmeysterlarning ilk ijod yo‘lini va ular tomonidan sahnalashtirilgan raqslar bilan O‘zbekiston raqs madaniyatiga qimmatli hissa qo‘shgan baletmeysterlar faoliyatining o‘rganilishi ham muhim masaladir.

Mamlakatimizda baletmeysterlik san’atining shakllanishi va rivojlanishi XX asrda yuzaga keldi, deyish mumkin. Aynan shu davrda baletmeysterlik san’atining

noyob durdonalari yaratildi va dunyo yuzini ko'rdi. Bu o'z novbatida Usta Olim Komilov, Tamaraxonim, Mukarrama Turg'unboeva, Galiya Izmayilova, Qunduz Mirkarimova va boshqa bir qancha raqs san'atining yetuk vakillarini yetishtirdi. Ushbu raqs ustalarining boy ijodiy merosi bugungi kun raqs san'atimizning poydevoridir. Shu boisdan ham bugungi kunda xoreografiya san'ati nazariyasi va tarixini o'rganishda, tahlil etishda mazkur raqs ustalarining baletmeysterlik faoliyatiga oid bo'lgan bilimlarni umumlashtirish, tahrirlash, ma'lum bir tizimga solish muhim ahamiyat kasb etadi. Sababi, raqs san'ati ko'p ming yillik tarixga ega bo'lsada, uning avlodan-avlodga o'tib kelishi tarixiy manbalarda yohud badiiy adabiyotlarda o'z aksini so'zlar va tasvirlar orqali topgan. Aynan, boshqa san'at turlaridan farqli ravishda raqs san'ati avlodan-avlodga, el-xalq to'ylarida, bayramlarida ustoz-shogird an'alariga monand yetib kelgan.

XX asr insoniyat ma'naviy olamining taraqqiyoti, xalq- sahna va tomoshaviy san'atlarga bo'lgan e'tiborning kuchayishi raqs san'atini yuksak namunalarini paydo bo'lishiga, ushbu san'atning tarixiy ildizlariga nazar tashlashga olib keldi. Raqs borasida olib borilgan izlanishlar, raqs san'atining an'anaviy badiiy shakllarni tiklash, sahnalashtirish baletmeyster shaxs nomi bilan bog'liq bo'lgan jarayonlarni yuzaga keltirdi.

O'zbekiston xalq raqs san'atining ko'p asrlik boy merosi va uning o'ziga xoc milliy xususiyatlari Usta Olim Komilov, Tamaraxonim, M.Turg'unboeva va Isoxor Oqilovlar singari mahoratli baletmeysterlarni yuzaga keltirishda muhim rol o'ynadi. Zamondosh milliy raqs sahnalashtiruvchilari va baletmeysterlari o'tmish an'alaridan ijodiy foydalanish bilan birga shu merosni boyitib, taraqqiy ettirdilar.

Ular o'zlarining qalb harorati, kuch-g'ayrati, ongli hayoti, boy tajribasi, bilimi, va iste'dodini, bir so'z bilan aytganda umrini, hayotini o'zbek milliy raqs san'atining gullab-yashnashi uchun bag'ishladilar va xalq mehrini, ichonchi va hurmatiga sazovor bo'ldilar.

Baletmeysterlar tajribasi shuni ko'rsatadiki, u yoki bu san'atkor yoshligidan bu sohaga qiziqsa, layoqat ko'rsatsagina ijodiy muvaffaqiyat qozonishi mumkin. Afsuski, ayrim san'atkorlar raqs tushishni tark etgandan so'nggina baletmeysterlikka qo'l uradilar. Bu aksari ijobiy natija bermaydi. Lekin shunday ijodkorlar ham borki bu insonlar tug'ma istedad soxiblaridirlar. Bulardan bir U.Olim Komilovdir.

O'zbek raqs san'ati maktabining yaratilishi va rivojlanishida o'zining ijodiy faoliyati bilan alohida o'rin tutgan Usta Olim Komilovning sahnalashtirgan raqslari, doira usullari nafaqat O'zbekistonda, balki xorijiy davlatlarda ham muvaffaqiyat qozongan va mashhur bo'lgan. Ustoz o'zbek doira ijrochiligi san'atida o'zining betakror ijro uslubi bilan nom qoldirdi hamda bugungi zamonaviy doira ijrochiligining yakkanavoz uslubini mukammal darajada ishlab chiqdi.

Usta Olim Komilov o'zbek raqs san'atidagi turli usullarni mahorat bilan ijro etgan, o'zining takrorlanmas ijrosi bilan go'zal o'zbek raqslariga yanada joziba baxsh etgan san'atkordir. O'zbek raqsLARining xarakteri va mazmunini, o'ziga xos uslubini tomoshabinlarga to'liq holda etkazib berishda mohir sozanda Usta Olim Komilovning xizmatlari beqiyosdir. Ustoz "Doira darsi" nomli ikki qismdan iborat bo'lgan qo'llanma yaratgan bo'lib, raqs san'atida ushbu doira usullari asosida yaratilgan qo'llanma besh qismga bo'linib ijro etiladi va doira ijrochiligini o'zlashtirishda ham bebaho boylik qoldirdi.

Usta Olim Komilovning ijodiy mehnati, yaratgan raqslari, tarbiyalab yetishtirgan raqs ijrochilarining faoliyati natijasida xalq raqs merosi sahnaviy shakllarda bugungi kunga ham etib keldi. Ustoz o'zbek xalqining boy raqs merosini mukammal o'zlashtirdi hamda o'z shogirdlariga o'rgatib keldi. Usta Olim butun umri davomida bir qancha raqqoslarni tayyorladi, hayotini butunlay san'atga bag'ishladi. U choyxonalarda, maktab-internatlarda musiqa to'garaklarini tashkil etdi, o'z bilimi va mahoratini yoshlarga o'rgatishga harakat qildi. Usta Olim etnografik ansambl faoliyatida ishtirok etdi, o'nlab o'zbek qizlariga raqs san'atini o'rgatdi. O'zbek raqs usullarining ajoyib ustasi, baletmeysterlar, O'zbekiston xalq artisti Usta Olim Komilov juda ko'p raqslarni yodida saqlab keldi, shogirlari Tamaraxonim, Mukarrama Turg'unboevalar esa bu raqslarni sahnaga olib chiqdi.

Usta Olim Komilov, Tamaraxonim va Mukarrama Turg'unboeva yaratgan nodir san'at durdonalarini umr bo'yi avaylab keldi hamda professional raqs san'atiga meros sifatida qoldirdi.

Tamaraxonim baletmeyster sifatida ham jonbozlik ko'rsatib Ustozi Usta Olim Komilov bilan "Bahor", "Qizil va oq", "Atirgullar urushi" nomli raqslar, "Gulandon" baletini sahnalashtirdi.

Baletmeyster har doim davr tomoshabinining estetik didini o'stiradigan yangi repertuar tanlamog'i, o'zi ham postanovkalar ijod etarkan, ko'proq yoshlarga tayanib ish olib borardi. Chunki u yoshlarning raqs san'atini klassik an'analar asosida boyitishlari, yangi pog'onalariga ko'tarishlariga ishonardi.

Mana shunday ijodkor, nodir istedod egasi I.Oqilovdir. I.Oqilov o'zbek milliy raqs san'ati rivojida ulkan xissa qo'shgan qobiliyat egasidir. I.Oqilov ustozlari Usta Olim Komilov, Tamaraxonim va Mukarrama Turg'unboevalardan olgan ta'limi ko'plab yangi raqslar yaratishida yordam berdi.

Isoxor Oqilov raqs san'atini boyitish uchun avvalo o'zbek xalq muzika folkloriga murojaat qilishni lozim topdi. CHunonchi, u Buxoro shashmaqomining ashula qismidagi raqsbob kuylarni tanladi. San'atkor, sovet baletmeysteri yangi ifoda vositalarini izlashi kerakligi, ayni vaqtda, har bir raqs nomerining ta'sir kuchini zo'raytirish, tomoshabinni kuldirish, quvontirish, umuman raqs kechalariga ko'proq muxlislarni jalb qilish lozimligini chuqur his etardi. Baletmeyster konsert

programmasi bilan bir qatorda Buxoro va Samarqand teatr postavovkalarida ham raqslarni sahnalashtiradi. «Farhod va Shirin», «Arshin mol-olon» singari pesalarda sahnabop raqslardan birmunchasini yaratadi.

Bu bilan shu narsani bilish mumkinki ilk o‘zbek baletmeysterlari nafaqat raqslarning o‘zini balki teatrdagi sahnalashtirilgan spektakillardagi raqslarni ham sahnalashtirishgan, bu bilan ularning naqadar serqirra ijodkor ekanini ko‘rishimiz mumkin.

Xalq raqsi va sahnaviy raqs bir-birini to‘ldirgan, bir - biriga ta’sir ko‘rsatgan holda XX asrda muayyan bosqichlarni bosib o‘tdi. Bu yo‘lda muvaffaqiyatlar ham, yanglishuvlar va yo‘qotishlar ham bo‘lgan, albatta. Usta Olim Komilov, Tamaraxonim, Mukarrama Turgunboeva, Isoxor Oqilov singari raqs ustalaridan so‘ng Qunduz Mirkarimovanning ijodiy mehnati, sa’y-harakati, y yaratgan raqs kompozitsiyalari, tarbiyalab etishtirgan raqqos va raqqosalarining faoliyati tufayli xalq raqs merosi sahnaviy shakllarda XXI asrga ham o‘tganligini alohida ta’kidlash mumkin.

Qunduz Mirkarimova “O‘zbek raqsining malikasi” Mukarrama Turgunboevaning maktabi ta’limini olgan edi. Bu uning keyingi hayotida, pedagoglik mahoratida ham, baletmeysterlik faoliyati ham professional bo‘lishida muhim rol o‘ynadi.

Ijodiy tajribasidan kelib chiqib Q.Mirkarimovanning aytishicha: “Raqs sahnalashtirish ishlari anchagina murakkab jarayon hisoblanadi. Ayniqasa yuqori, professional darajada ustoz san’atkorlar sahnalashtirgan raqslarni qayta sahnaga tayyorlash, raqs g‘oyasi, dramaturgiyasi, uning nafisligi va nafosatiga putur etkazmaslik muhim masaladir. Hozirgi davrda kompyuter texnologiyalari, video, audio disklar ko‘p qulayliklar tug‘dirdi. Hozir raqs ijrochisi video tasmada o‘z ijrosini ko‘rishi, yo‘l qo‘yilgan xato va kamchiliklarini ustoz bilan birga tahlil etishi, kerakli ishlarni amalga oshirishi mumkin. SHuningdek, avvalgi raqs ijrolarini, milliy raqs san’atimizning darg‘alari raqsini tomosha qilishlari mumkin. Bu ham raqs san’ati ta’limida muhim o‘rin egallaydi”

Qunduz Mirkarimovanning baletmeyster sifatida quyidagi raqslarni sahnalashtirgan:

- “Toshkent zangi”,
- “Qo‘koncha doira raqsi”,
- “Yor istab”,
- “Tanovar-1,2,3”
- “YAngi tanovar”
- “Toshkent tanovari”,
- “Farg‘ona tanovari”,
- “Namangan tanovari”,

- "Qo'qon tanovari",
- "Adolat tanovari",
- "Eysarviravon" (maqom),
- "O'rik gullaganda",
- "O'zbekiston qizlari",
- "Navro'z raqsi",
- "O'zbek miniatyuralari",
- "Xamsa raqsi" (Zebuniso, Uvaysiy, Nodira, Dilshod, Zulfiya)
- "Xotira",
- "Ona qalbi" (kompozitsiya),
- "Barigal" (kompozitsiya),
- "Salom ayting",
- "Katta buxorcha",
- "Bisyor",
- "Olmacha anor",
- "So'zana",

"Palak", "Paxta" - milliy raqslar. "Safti munojot", "Nasir segoh", "Siraxiroj", "Dilxiroj", "Ko'za raqsi" va arab, tunis, yapon, turk, koreyscha yakka raqslar.

Qunduz Mirkarimova Buxoro, Farg'ona, Xorazim maktabi elementlaridan foydalanib raqslar qo'ygan. Chunki u katta maktab ko'rgan, Mukarrama opa maktabda ishlagani uchun yaxshi mutaxassis bo'lgan. Mukarrama Turg'unboeva ham dastlab o'qituvchilik qilib, so'ng baletmeysterlik faoliyatiga o'tgan.

O'zbek baletmeysterligini shakllanishi, usluban boyishi va o'ziga xos badiiy xususiyatlarini namoyon etish masalasini mazkur sohada muvaffaqiyatga erishgan muayyan san'atkorlar ijod yo'lini kuzatish, unga baho berish orqali o'rganish muhim bo'lib, bu raqs san'atimizdagi uslubiy rang-baranglikni aniqlashga imkon beradi. Qolaversa, milliy raqs tarixi va nazariyasini tadqiq etishda o'z ahamiyatiga ega bo'lib, bularning barchasi bugungi kun raqsshunosligining dolzarb masalalaridandir.

Go'zallik va yuksak tuyg'ular san'ati bo'lgan raqs insonni ulug'vorlikka etaklaydi. Shu boisdan raqs san'ati bilan oshno bo'lgan insonlar qalbida xamisha oydin o'ylar, ulug'vor orzular sari intilish xukmronlik qiladi. Ilmiy va tarixiy manbalarning guvohlik berishicha, qo'shiq hamda raqs insoniyatning muloqot vositasi hisoblanmish nutqdan oldin yuzaga kelgan.

Mamlakatimizda o'ziga xos baletmeysterlik maktabi shakllanishida ulkan san'atkorlarning o'rni va alohida xizmati bor. Ularning o'z uslubi, yo'nalishi, o'ziga xos mahorati raqsshunoslar tomonidan baholangan.

O'tgan asr boshlarida mahoratli san'atkorlar Usta Olim Komilov va Tamaraxonim hamkorlikda qadimiy o'zbek raqslarini qayta tiklab, xalqimizga taqdim

etishda mahorat ko'rsatar ekanlar, o'z navbatida milliy baletmeysterlik jabhasiga tamal toshini qo'ygan edilar. Ularning shogirdi, o'zbek raqs san'atining malikasi Mukarrama Turg'unboeva bevosita mazkur sohada namoyon bo'lib, xalq milliy raqslarini professional sahnaga olib chiqishda va shu tariqa o'zbek milliy raqs san'atining ulkan imkoniyatlarini ko'rsatishda olamshumul ishlarni amalga oshirdi.[1.22-23]

Milliy raqs san'atimizda baletmeysterlik sohasi o'ziga xos yo'sinda shakllana borib, qator ijodkorlar o'z nomi va yo'nalishi bilan namoyon bo'ldilar. Xususan bu o'rinda o'z faoliyati bilan Buxoro mumtoz raqsi an'analari va ularning professional o'zbek raqs san'atida tutgan o'rnini ko'rsata bilgan Isoxor Oqilov, o'zbek raqs san'atida shakllangan an'analarni rivojlantirib, mumtoz, xalq va zamonaviy raqslar sahnalashtirishda o'z yo'li va uslubiga ega bo'lgan Qunduz Mirkarimova, raqslarida obrazlilik badiiyatiga sodiq qolgan va raqs spektakllari yaratishda alohida mahorat ko'rsatgan Yulduz Ismatova, raqs tabiatidagi ruhiy qudratni nozik xis qilib, ularda zamonaviy-ijtimoiy ruh ustuvorligiga erishgan Nasiba Madrahimova, maydon tomoshalari uchun maxsus xoreografik kompozitsiyalar sahnalashtirish orqali raqs san'atining. ulkan estetik qudratini ifoda etuvchi Shokir Ahmedov qolaversa uning shogirdi, izdoshi Qodir Mo'minov kabi baletmeysterlar nomini alohida ta'kidlash o'rinlidir.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, o'zlarining butun hayotini o'zbek milliy raqs san'atimizning gullab –yashnashi uchun bag'shida etgan ustozlarimiz izini davom ettirishiz boy merosimizni asrab avaylab kelajak avlodga yetkazishimiz uchun tinmay izlanishimiz, tariximizni o'qib o'rganishimiz, baletmeysterlik san'atining rivojlanishi, yanada ravnaq topishi uchun astoydil ,sidqidildan harakat qilmog' zarurdir! Ishonamizki, yangi 3-reenessanesning yorqin ijodkorlari hamda buyuk baletmeysterlari albatta o'zlarining yangi davrini yangi O'zbekistonning yangi o'zbek milliy raqs durdonalari ila xalq qalbidan joy oladi va alabatta ustozlarimiz boshlab bergan yo'lni gullab yashnatadi!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimova R. Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова -Т.: 1987.
2. Karimova R., Sobirova F. Nursafardiya xarakterlar tizimida o'zbek milliy raqslari va jangovar o'yinlari. -Т.: 2008.
3. Abraykulova N.E. Raqs jamoalari bilan ishlash uslubiyoti. -Т.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004
4. Karimova R, Sayfullaeva D. O'zbek yakka ayollar raqslari-Т.: "Cho'lpon" nashriyoti. 2007
5. Фазлиева, З. К. (2020). ЎЗБЕК САҲНА РАҚСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. Oriental Art and Culture, (III).

6. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE PLACE OF THE MAQOM GENRE IN THE ART OF UZBEK NATIONAL DANCE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSIIL), 3-3.
7. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF THE COMPOSER IN THE ART OF CHOREOGRAPHY. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSIIL), 2-2.
8. Азатова, Ф. М., & Фазлиева, З. К. (2021). "МУНОЖОТ" АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК РАҚС АСАРИ. Oriental Art and Culture, (6).
9. Фазлиева, З. К., & Абрайкулова, Н. Э. (2018). ТВОРЧЕСТВО МАРИУСА ПЕТИПА. Мирская наука, (12), 439-441.
10. Фазлиева, З. К. (2018). ВЗАИМОСВЯЗЬ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА "МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ УЗБЕКСКОГО ТАНЦА". Теория и практика современной науки, (4), 534-537.
11. Kamarbekovna, F. Z. (2020). UZBEK STAGE DANCE AND ITS WAY OF DEVELOPMENT. International Engineering Journal For Research & Development, 5(4), 4-4.
12. Erkinovna, A. N., & Kamarbekovna, F. Z. (2020). The role of dance in the opening of the idea of the performance and in the art of cinema. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 158-162.
13. FAZLIEVA, Z. (2015). Types of Interlanguage Phraseological Correspondence (Based on English and Turkish Languages). Canadian Center of Science and Education.
14. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 32-35.
15. Tavakulovna, M. D., & Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE IN PROFESSIONAL APPLIED TRAINING IN THE UNIVERSITIES OF ARTS AND CULTURE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(1), 6-6.
16. qizi Raxmatova, S. R. (2021). BALETMEYSTERLIK SAN'ATIDA KOMPOZITORNING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 29-31.
17. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. Oriental Art and Culture, 2(1), 32-35.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ҚЎШИҚЧИЛИК САЪАТИ: АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК

Адхамжон Аҳмадович Рисқиев

Насиба Эркиновна Абрайқулова

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Аннотация: Ушбу мақолада анча йиллик тарихга эга булган узбек ва тожик кушиқчилиқ санъати ва ушбу санъатнинг 20-асрлар охирида ривожланиши ва хозирги кунда замонавий ижрочилар томонидан устоз ва шогирд анъаналарининг давом этирилиши хақида байон этилган.

Калит сўзлар: санъат, ривожланиш, янгили, келиб чиқиш, хазина, анъана, қадр қиммат.

UZBEK AND TAJIK SINGING HOURS: TRADITION AND INNOVATION

Adxamjon Ahmadovich Risqiev

Nasiba Erkinovna Abraykulova

Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article describes the art of Uzbek and Tajik singing, which has a long history, and the development of this art in the late 20th century and the continuation of the traditions of teacher and student by modern performers today.

Keywords: art, development, innovation, origin, treasure, tradition, value.

Санъат бу инсоннинг дўсти, йўл бошловчиси, унинг ҳар бир саволга жавоб топгувчиси саналади. Санъат йиллар давомида ривожланиб келиб ҳар бир мамлакат юртнинг маданий маънавий бойлигига айланган қиммат баҳо хазинаси ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек “Хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган тарихнинг не не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларида мадад бўлган. Шу хазинани кўз қорачиғимиздай асраб ва янада бойитишимиз керак” деб бежизга такидлаб ўтмаган эканлар.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак Ўрта Осиё худудларида жойлашган Афғонистон, Бухоро, Марв, Самарқанд, Хўджанд, Хулбук, Балх, Нишапур шаҳарларида санъат ва санъат турлари ривожланиб борди. Худди шундай давлатлардан бири бу Тожикистон эди. Тожикистон Ўрта Осиёда кенг мақомга эга давлат ҳисобланади. Тожикистонинг анъавий мусиқа ва маданияти бой ва хилма хилдир. У бир неча маҳаллий услубдан ташкил топган. Сўғд вилоятида

азалдан ёнма ён яшаб келган тожик ва ўзбек халқларининг мусиқа анъаналари ўзаро қоришиб кетган.

Иккала қардош халқ мусиқа ижодида меҳнат маиший ва маросим қушиқларини “Майда”, “Йор йор”, “Нақш”, “Алла”, “Садр”, “Марсия” каби лирик қўшиқлари лапарлари ашула ва куйлари ижро этилган. Куй ва қўшиқларни бойитиш сифатида дойра, дутор, ғижжак, чанг, най, тор уларга ҳамоҳанг бўлишган.

Халтон вилоятида “Фалак” қўшиқ туркумлари лирик фалсафий мазмундаги форсча шеърларга яққохон хонанда томонидан сўз билан жўрлигида бойитилган. Тожик қўшиқчилиги йўналиши Ўзбекистоннинг Сурхандарё, Қашқадарё мусиқа услубига яқин дoston ва терма жанрлар дўмбира чўпон най ижрочилиги билан мос келади.

Тоғли Бадахшон вилоятида истиқомат қилаётган халқлар “Бобо сафар”, “Муғилбози”, “Дехқоннома” каби меҳнат қушиқлари “Чорбайтхо”, “Ғазалхо” каби лирик қўшиқлари аёллар ижросидаги “Булбулик”, “Дарғилак” каби лирик айтимлар машхур.

Мумтоз куйлар ва мусиқа эса (мақом ашула чолғу куйлари) асосан Хўжанд ва бошқа шаҳарларда шакилланган. XX - аср ўрталарида эса Фарғона-Тошкент мақом йўллари билан бирга Бухоро шашмақом ижрочилиги ҳам ривож топган. Ф.Шаҳобов, Ш.Соҳибов, Б.Файзуллаев ва бошқалар ижодий ривожга катта ҳисса қўшишган.

Тожикистонда дастлаб мусиқа ўқув юртлири ташкил этилди. 1929 йил Хўжанда 1934 йил Душанбеда. 1939 йилда биринчи тожик операси “Восе кўзғалони” композитор С.А.Баласанян бошчилигида намойиш этилди. Тожикистонда кейинчалик Суғд вилояти мусиқали комедия театри, давлат филармонияси, “Гулшан” эстрада ансамбли ўз фаолиятини бошлади. Бастакорлар Акмад Бобоқулов, Маруфхўжа Боходуров, хонандалар Барно Бераховна, Кароматхон Зокирова, Лютфия Кабирова, Зафар Нозимов, Ханифа Мавлонова, Нигина Раупова, Мастона Эргашева, Давлатманд Холов, Жўрабек Муродов, Далер Назаров, Афзалшо Шодиевларнинг тожик қушиқчилиги санъатини ривожлантиришдаги ҳиссалари жуда катта.

Улар басталаган куй ва қўшиқлар ҳозирги кунда ёш ижодкорлар томонидан янги талқинда ижро этилмоқда. Шогирдлар устозларининг нодир мақом, шашмақом, халқ куйларини саклаб ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намойон бўладиган моддий ва маънавий қадриятларини ҳурмат қилмоқдалар бир сўз билан устоз шогирд анъанасини давом этирмоқдалар.



Ўзбекистон халқ артисти академик Юнус Ражабий тожик кўшиқчилик санъатига алоҳида баҳо бериб ўтганлар. Юнус Ражабий басталаган куйларда тожик усулларини эшитишимиз мумкин булади. Тожик усуллари инсонни ўзига жалб этади унда бироз ўйноқчилик, бироз майинлик ва шахтамлик бор дейдилар.

Хозирги замонавий ўзбек кўшиқчилик вакилларининг ҳам ижод жараёнини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг репертуаридан тожик куйлари, классик асарлари жой олган. Шерали Жўраев кўп йиллик хизмати учун Тожикистон халқ артисти унвонига созовор бўлганлар.

Тожикистон ва Ўзбекистон азал-азал қадирдон кўшни мамлакат саналади. Мана шу вақт жараёнида икки давлат барча соҳаларида янгилликлар ва ўзгаришларга эришди. Икки давлатнинг яқинлиги унинг халқи ўртасидаги меҳр оқибат тинчликни таминлашга ёрдам берди. Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларининг истиқболли келажаги ва юксалиши давом этаркан санъат унинг негизи бўлиб икки буюк мамлакатлар хақида куйлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов “Высокая духовность непобедимая сила”
2. История таджикского народа Душанбе 2011
3. Б.Г.Гафуров Таджики средняя и средневековая история.
4. Фазлиева, З. К. (2020). ЎЗБЕК САҲНА РАҚСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. Oriental Art and Culture, (III).
5. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE PLACE OF THE MAQOM GENRE IN THE ART OF UZBEK NATIONAL DANCE. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSIIL), 3-3.
6. Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF THE COMPOSER IN THE ART OF CHOREOGRAPHY. International Engineering Journal For Research & Development, 6(ICDSIIL), 2-2.

7. Азатова, Ф. М., & Фазлиева, З. К. (2021). "МУНОЖОТ" АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК РАҚС АСАРИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

8. Фазлиева, З. К., & Абрайкулова, Н. Э. (2018). ТВОРЧЕСТВО МАРИУСА ПЕТИПА. *Мировая наука*, (12), 439-441.

9. Фазлиева, З. К. (2018). ВЗАИМОСВЯЗЬ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА" МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ УЗБЕКСКОГО ТАНЦА". *Теория и практика современной науки*, (4), 534-537.

10. Kamarbekovna, F. Z. (2020). UZBEK STAGE DANCE AND ITS WAY OF DEVELOPMENT. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(4), 4-4.

11. Erkinovna, A. N., & Kamarbekovna, F. Z. (2020). The role of dance in the opening of the idea of the performance and in the art of cinema. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 158-162.

12. FAZLIEVA, Z. (2015). Types of Interlanguage Phraseological Correspondence (Based on English and Turkish Languages). *Canadian Center of Science and Education*.

13. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. *Oriental Art and Culture*, 2(1), 32-35.

14. Tavakulovna, M. D., & Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE IN PROFESSIONAL APPLIED TRAINING IN THE UNIVERSITIES OF ARTS AND CULTURE. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(1), 6-6.

15. qizi Raxmatova, S. R. (2021). BALETMEYSTERLIK SAN'ATIDA KOMPOZITORNING O'RNI. *Oriental Art and Culture*, 2(1), 29-31.

16. qizi Yangiboyeva, S. F., & Fazliyeva, Z. K. (2021). O'ZBEK MILLIY RAQS SAN'ATIDA MAQOM JANRINING O'RNI. *Oriental Art and Culture*, 2(1), 32-35.

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ МОДУЛЛИ ТИЗИМ АСОСИДА ЎҚИТИШНИ ҚЎЛЛАШ ТИЗИМИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Г.Ходжаметова

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали

Аннотация: Замонавий педагогик технологиялар муоммоли, дидактик-ўйинили, биргаликдаги таълим ва модулли технологияларга бўлинади. Модулли технологияларни амалда қўллаш эса эркинликни, ривожлантиришга имкон беради, режалаштиришни ва фанни ўзлаштиришни назорат қилиш ва ўзўзини баҳолашни ривожлантиради. Хар қандай таълим бажаради: таълим олувчининг фанга мойиллиги ва қизиқишини ривожлантириш, билим ва малакаларини шакллантириш, мақсад сари аниқ қадам ташлаш, узлуксиз таълимга тайёрлаш, мустақил ўрганишга даҳват қилиш.

Калит сўзлар: Муסיқа, санъат, бадий асар, санъаткор, ходисалар, ижодиёт, товушлар ва оҳанглар.

SYSTEM OF APPLICATION OF MUSIC THEORY ON THE BASIS OF MODULE SYSTEM AND ITS EFFECTIVENESS

G.Xodjametova

Nukus branch of Uzbekistan State Institute of Art and Culture

Abstract: Modern pedagogical technologies are divided into problem, didactic-game, co-educational and modular technologies. The practical application of modular technologies, on the other hand, allows for freedom, development, control over planning and mastery of science, and self-assessment. Any education provides: the development of the learner's aptitude and interest in science, the formation of knowledge and skills, a clear step towards the goal, preparation for continuing education, the promotion of independent learning.

Keywords: Music, art, artwork, artist, events, creativity, sounds and melodies.

Бугунги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инноватцион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишнинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиталабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам

ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда маслаҳат бериш ва йўналтирувчилик функцияларини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш.Мирзиёев ўзининг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” номли рисоласида шундай дейди: “Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг хал этувчи кучига айланиб бораётгани барчага ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишлар, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур. Шу мақсадда Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси - ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашдан иборатдир”. [1] Шунинг учун эртанги кун эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Таълимга инновацион ёндашув профессор-ўқитувчиларга ўзлари ўқитаётган фанларини замонавий таълимий, ижодий-амалий ривожлантирувчи ва тарбиявий функцияларини аниқ белгилаб олиб, миллий таълим моделидаги узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида замон талаби даражасидаги етук мутахасисларни тайёрлашдаги ўзларининг шарафли вазифаларини бажаришлари керак. [2.Б.43]

Таълимга инновацион педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш - давр талаби. Мамлакатимизда барча соҳа, барча йўналишларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, бу, ўз навбатида таълим тизимининг бугунги битирувчисининг етук шахс сифатида шаклланишига қатор талаблар қўяди. Таълим олувчиларда илмий-амалий билим, кўникма ва малакалардан ташқари, яна бир қатор ижтимоий сифатларни таркиб топтириш лозим. Бу уларнинг келгуси ҳаёт ва меҳнат фаолиятлари давомида ўзларини намоён қилишлари, эл-юрт, Ватан равнақи йўлида ҳалол ва фидоий меҳнат қилишлари, соғлом турмуш кечиришларида, ҳаётий мақсадларни рўёбга чиқариш ва келажаги буюк жамият қуриш учун яратувчанлик ғоялари билан яшашларида етакчи омил ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунига талаблар таълимни ривожлантириш давлат стратегияси билан белгиланади. Бу стратегия Республиканинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган, таълимни тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича миллий тизимни яратиш ҳисобланади. Таълим мазмунида қуйидаги икки жиҳат кўзга ташланади: миллийлик ва умуминсонийлик. Таълим бериш жараёнида ўқитувчи ўз навбатида тарбиялаб ҳам боради ва бу уйғунлик етук мақсадларга эришишда катта самара беради. [3.Б.95]

Замонавий меҳнат бозоридаги ўзгарувчанлик профессионал таълимдаги вазиятни янгилашга олиб келмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, хозирги замондаги таълим масканларининг вазифаси фақатгина умумий таълим ёки бутун умрга керак бўладиган касбни берибгина қолмасдан, балки таълим олувчиларни кейинги таълим ёки ҳаётини фаолият давомида эгаллаши (шакллантирилиши) лозим бўлган янги технология, техника, малакасини ошириш ва янги мутахассисликларни эгаллашга йўналтириш бўлиши лозим.

Замонавий профессионал таълим жараёнларининг ўзгаришлари инновацион таълимнинг тузилиши, фаолият шаклларига боғлиқ бўлиб қолмоқда ва бунинг натижасида мутахассисларнинг касбий ва умумий компетенцияларига бўлган (қўйилган) талаб ўзгармоқда. Таълимий мақсадларни, вазифалар кўрсатилган ўқув материали ва вазифаларни бажариш бўйича йўриқномаларни бирлаштириш натижасидаги фаолиятни ўз ичига олади. Ахир бугунги ёш қизлар ва ўғил болалар учун бу муҳим, ваҳоланки уларни ҳамма нарсани ўзи бажара олиши лозим бўлган мустақил ҳаёт кутмоқда. [4.Б.152-153]

Модулли таълим технологиясининг имкониятлари чексизлиги сабабли бу "таълим берувчи-таълим олувчи" жараёни(системаси)да марказий ўринни таълим олувчи эгаллаган бўлиб, таълим берувчи эса таълим жараёнини бошқаради - мотивациялайди, рағбатлантиради, йўналтиради, ташкиллаштиради, маслаҳат беради, назорат қилади. Хар қандай таълим бажаради: таълим олувчининг фанга мойиллиги ва қизиқишини ривожлантириш, билим ва малакаларини шакллантириш, мақсад сари аниқ қадам ташлаш, узлуксиз таълимга тайёрлаш, мустақил ўрганишга дахват қилиш.

Замонавий педагогик технологиялар муоммоли, дидактик-ўйинили, биргаликдаги таълим ва модулли технологияларга бўлинади. Модулли технологияларни амалда қўллаш эса эркинликни, ривожлантиришга имкон беради, режалаштиришни ва фанни ўзлаштиришни назорат қилиш ва ўзўзини баҳолашни ривожлантиради. [5]

Ушбу тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Ихтисослаштирилган санъат мактабларида мусиқа назарияси дарсларини модулли тизим асосида ташкиллаштириш ўқувчиларнинг фаоллигини ошириб, кўзланган мақсадларга тўлақонли эришишга ёрдам беради.

2. Модулли таълим тизимини шакллантиришда кенг қамровли маълумотлар, босқичма-босқич ўтиладиган билим ва кўникмаларни тизимлаштириш, содда ва тушунарли шаклда баён этиш лозим.

3. Модулли тизимдаги ўқув элементларининг сони ва сифатини тузишда мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлигини олдиндан режалаштириш, кириш ва чиқиш тестларини шу ўқув элементлари асосида шакллантириш керак.

4. Модулли тизимни анъанавий дарслардаги боблардан фарқини тушуниш ва таълим берувчининг модулли тизим ҳақидаги билимларини бойитиб бориш мақсадга мувофиқ. [6.Б.137]

Фойдаланилган адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси" тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони.

2. Акбаров И.А. Мусиқа луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1997.

3. Апраксина О.А. Методика музыкального воспитания в школе. Учебное пособие. - М.: Просвещение, 1983.

4. Ардабаева Б.К., Белошническо Е.В., Дандыбаева Г.Т., Мишутина Е.И. Методические рекомендации по организации и планированию экспериментальной работы в организациях образования. // - Костанай, 2009 г.

5. Рахимов Қ. Мусиқанинг элементар назарияси. (Маълумотнома), Тошкент, "Мусиқа", 2007.

6. Рахимов Қ. Мусиқанинг элементар назарияси бўйича машқ ва вазифалар тўплами. Тошкент, "Ўзбекистон", 2006

HAMZA HAKIMZODA NIYOZIY DRAMATURGIYASI

Z.Abdunazarov

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining
Farg'ona mintaqaviy filiali

Annotatsiya: Ushbu maqolada Hamza Hakimzoda Niyoziyning dramatik asarlari bu janrning taraqqiyoti to'g'risida ma'lumot berilgan. XX asr o'zbek adabiyotining tamal toshini qo'ygan ijodkorlardan biri Hamza Hakimzoda Niyoziydir. Uning ijodiy merosi boy va rang-barangdir. H.H.Niyoziy qalamiga mansub sharq mumtoz she'riyati an'analari ruhida yaratilgan devoni, jadid-ma'rifatparvarlik g'oyalarini o'zida aks ettirgan "Gul" turkumidagi she'riy to'plamlari hamda XX asr boshidagi o'zbek jamiyati manzaralarini ifodalovchi dramatik asarlari o'zbek adabiyoti xazinasiga ulkan hissa bo'lib qo'shildi.

Kalit so'zlar: Teatr, san'at, dramaturgiya, drama, ariya, p'esa, aktyor, adabiyot.

HAMZA HAKIMZODA NIYAZI DRAMATURGY

Z.Abdunazarov

Fergana regional branch of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article provides information on the development of the genre of Hamza Hakimzoda Niyazi's dramatic works. Hamza Hakimzoda Niyazi is one of the cornerstones of 20th century Uzbek literature. His creative heritage is rich and colorful. Created in the spirit of the traditions of oriental classical poetry by HHNiyazi, the collection of poems in the series "Flower" reflecting the ideas of modern enlightenment, as well as a dramatic representation of the landscape of Uzbek society in the early twentieth century. His works have made a great contribution to the treasury of Uzbek literature.

Keywords: Theater, art, dramaturgy, drama, aria, play, actor, literature.

Ma'lumki, o'zbek dramaturgiyasining ilk namunasi mashhur jadid-ma'rifatparvar Mahmudxo'ja Behbudiy (1875-1919) qalamiga mansub "Padarkush" dramasidir. 1911 yilda yozilib, 1913 yilda Samarqandda nashr etilgan bu drama 1914 yilda sahnalashtirilib, xalqqa namoyish etilgach juda katta shuhrat qozondi. Bu asardan ta'sirlangan Abdulla Qodiriy "Baxtsiz kuyov" dramasini yaratdi. H.H.Niyoziyning ilk dramatik asarlari ham ayni shu davrda "Padarkush" dramasi ta'sirida vujudga keldi. U 1914-1916 yillarda "O'ch" (1914), "Zaharli hayot, yohud ishq qurbonlari" (1915), "Ilm hidoyati", "Mulla Normuhammad domlaning kufr

xatosi”, “Ochlik qurbonlari” (1916), “Muhtoriyat yoki avtonomiya” (1917) kabi kichik sahna asarlarini yaratdi.

Hamza sovet davrida “Kim to’g’ri”, “Tuhmatchilar jazosi”, “Boy ila hizmatchi”, “Ishchilar hayotidan” (1918), “Loshmon fojeasi” (1916-1918), “Farg’ona fojeasi” (1918-1920), “Qizil qon ichida yosh go’daklar”, “Mahbus to’raning holi” (1919) singari pyesalarini yozgan. Ammo bu asarlarning aksariyati bizgacha etib kelmagan. H.H.Niyoziy keyinchalik targ’ibot va tashviqot yo’nalishida “Pastki SHO’rolar saylovi munosabati ila yozilgan cho’pchaklar”, “Burung’i saylovlar” (1926), “Jahon solnomasining eng oxirgi kunlari” (1927), kabi pyesalarini ham yaratdi. Ayni shu davrda H.H.Niyoziy o’zbek dramaturgiyasining mumtoz namunalaridan bo’lgan “Maysaraning ishi” komediyasi hamda “Paranji sirdaridan bir lavha yoki yallachilar ishi” dramasi ham yozgan. Agar adibning ilk dramalari bo’lgan “Zaharli hayot”da melodrama va sentamentalizm unsurlari mavjud bo’lsa, keyinroq yozilgan “Tuhmatchilar jazosi”, “Boy ila hizmatchi”, “Paranji sirlaridan bir lavha” pyesalarida realizm kuchli ekanligini ko’rish mumkin.

XX asrning 20-30-yillari davomida H.H.Niyoziyning “Zaharli hayot”, “Boy ila hizmatchi”, “Maysaraning ishi”, “Paranji ishi sirlari” (“Xolisxon”) “Burungi saylovlar” kabi dramatik asarlari O’zbekistonning ko’plab teatrlarida bir necha martadan sahnalashtirilib, tomoshabinlarga taqdim etilgan.

1989 yili Hamza Hakimzoda Niyoziy tavalludining 100 yilligi munosabati bilan adibning 5 tomlik “To’la asarlar to’plami”ni nashr etildi. Uning pyesalari mazkur nashrning 3, 4-tomlariga kiritilgan. Ularning soni 20 tadir. Albatta, ularning ichida hammasi bir xil emas. Ba’zi pyesalar ayrim kichik lavhalar shaklida bo’lsa, ayrimlari esa bir necha pardadan iborat yirik dramatik asarlardir.

H.H.Niyoziyning bizgacha etib kelgan ilk pyesalaridan biri, “O’ch” bo’lib, u uch ko’rinishidan iborat. Ushbu pyesada chorizm mustamlakasi davridagi mustamlakachi ma’murlar hamda mahalliy amaldorlarning xalqni nodonlikda saqlash uchun olib borgan xatti harakatlari va ularning jabr-zulmiga qarshi jadidchilik kayfiyatidagi ayrim ziyolilarning kurashi qisqa lavhalarda bayon etilgan. Asardagi Hokim, Noib, Boy, Mingboshi singari obrazlar orqali o’sha davrdagi xalqqa ikki tarafdin zulm qiluvchilar qiyofasini, Haydarqul timsolida esa bu jabr-zulmga qarshi kurashuvchi jadid-ziyolilarni bir misolini ko’rish mumkin.

Hamzaning “Zaharli hayot yoxud Ishq qurbonlari” asari fojeasi (tragediya) bo’lib, 1915 yilda yozilgan va 1916 yilda toshbosma usulda chop etilgan. Bu asar haqida o’zbek teatr tarixchisi Miyon Buzruk Solihov shunday deb yozgan: “Bu pyesa Hakimzodaning pyesa janri ustida bergan eng oldingi asaridir: uning soddaligi va, yuzakiroq chiqqan shu boshlang’ich asar bo’lishidan ilgari kelgan holdir; chunki,

Hakimzodaning so’nggi asarlari bu pyesaga qaraganda san’at jihatidan ustun turadurlar”¹

“Zaharli hayot”ning bosh qahramonlari Mahmudxon ismli yosh yigit va uning sevgilisi Maryamxondir. Mahmudxon yangi usul maktablarida tahsil olgan zamonaviy kiyinadigan, jadidchilik harakatiga hayrihoh yigit: uning sevgilisi Maryamxon garchi eski maktablarda o’qigan bo’lsada Mahmudxon ta’sirida u ham yangicha fikrlashga intiladi.

Dramada jaholat, qoloqlik, mutaassiblik ilm-ma’rifat, taraqqiyot fidoiylari Mahmudxon va Maryamxonni fojeaga olib keladi.

Asarning ikki qahramoni Maryam va Mahmud zamonasining hal qiluvchi kuchlari mutaassib kuchlarga qarshi kurashadilar. Tomonlar o’rtasidagi kurash eng yuqori nuqtaga ko’tariladi: ularning istiqbol haqidagi yuksak orzulari chilparchin bo’ladi. Natijada ilojsiz qolgan yoshlar mavjud tuzumga, feodal tartiblarga, jaholatga, mutaassablarga qarshi isyon tariqasida o’z jonlariga qasd qiladilar. Asardagi Mahmudxon manologlarida senlamentsollik shu darajada kuchliki, tinglovchining qalban larzaga soladi. Mahmudxonning o’limi oldidagi monologi fojeaning asl mohiyatini yanada to’laroq ochishga xizmat qiladi.

Hamzaning “Muxtoriyat yoki avtonomiya” pyesasi 1917 yilda yozilgan. Yozuvchining o’zi izoh berganidek, bu pyesa “Turkistonda hurriyat bo’luvi munosabati ila yoshlar va ulamolar orasida ixtilof o’laroq ulamolarning ayrilib ketuvlari” va Turkiston muxtoriyatini tashkil etish g’oyasining paydo bo’lishi munosabati bilan yaratilgan. Hamza ushbu asarda “Sho’royi islom” tashkilotining Qo’qonda Turkiston muxtoriyatini barpo etish masalalariga bag’ishlangan majlisini tasvirlab bergan.

Bu komediyaning personajlari “Sho’royi islom” tashkilotining a’zolaridan iborat bo’lib, muallif ularning ismlarini to’la bermay, bu nomlarni bosh harflarinigina keltiradi. Bu bosh harflarda berilgan nomlar real kishilarning ismlaridir.

Hamza bu asar asosidagi spektaklni Qo’qonda G’ishtko’prikdagi Mahmud tarasha mehmonxonasida sahnalashtirib namoyish etgan.² Bu komediya matni birinchi marta Hamza “Asarlar”ining II tomida ayrim qisqartirishlar bilan e’lon qilingan. Asarning to’liq matni, Hamza Hakimzoda Niyoziy To’la asarlar to’plamining uchinchi tomida chop etilgan.

Hamzaning sovet davrida eng ko’p shuhrat topgan asari, bu “Boy ila xizmatchi” pyesasidir. Bu asarning yozilish sanasi haqida har xil taxminlar bor. Ba’zi adabiyotshunoslar (masalan, Sotti, Husayn) uni oktyabr inqilobidan ilgari yozilgan, inqilobdan keyin qayta ishlangan desalar, boshqalar (masalan, Yusuf Sultonov) bu drama 1918 yilda yozilgan deb hisoblaydi. Bu pyesada Solihboy ismli bir boyning

¹ М.Бузрук Солихов. Ўзбек театр тарихи учун материаллар. Тошкент. 1935.Б.113.

² Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. Тошкент. 1959. 125 б.

G’ofir ismli xizmatchining xotinini zo’ravonlik bilan tortib olishi haqidagi mojarolar bayon etilgan.

Asar o’z vaqtida adabiyot va san’at bilan shug’ullanuvchi ayrim kishilarga manzur bo’lmagani uchun nashr etilmagan va qo’lyozmasi yo’qolgan.

Pesaning bizgacha etib kelgan yagona qo’lyozma nusxasi Vali Burhon tomonidan ko’chirilgan bo’lib, u Abu Rayxon Beruniy nomidagi SHarqshunoslik instituti qo’lyozmalar fondida saqlanadi. Uning hajmi 55 betdan iborat.

Bu asar 1939 yilda hukumat topshirig’i bilan Kamol Yashin tomonidan mavjud qo’lyozma nusxa hamda Hamza zamondoshlarining xotiralari alohida butunlay qayta ishlangan. “Boy ila xizmatchi” pyesasini sovet mafkurasiga moslangan ushbu varianti 1991 yilgacha respublika teatrlarida sahnalashtirilib, namoyish etilgan.

Hamzaning “Kim to’g’ri” pyesasi ham 1918 yilda yozilgan va o’sha vaqtda sahnalashtirilgan. Asar o’z vaqtida nashr ettirilmagani uchun uning asl nusxasi yo’qolgan. Bu asarning 1920 yilda ko’chirilgan nusxasi Muzaffar Muhammedov tomonidan Hamza yubileyining o’ttizinchi kamissiyasiga topshirilgan. SHu nusxa asosida 1939 yildan boshlab Hamza asarlar to’plamida nashr etilib kelmoqda.

“Kim to’g’ri” bir pardali komediya bo’lib uning qahramonlari Qodirjon ismli bir ziyoli, uning xotini Maryam hamda ularning xizmatkorlari Xolmat va Ruzvondir. Asar maishiy mavzuda bo’lib, oilada er-xotinning bir-birlarini aldamasligi bo’lib qanday holga tushishlari ishonarli tarzda ko’rsatib berilgan.

Hamzaning “Burungi qozilar yoki Maysaraning ishi” nomli komediyasi 1926 yilda yozilgan. Bu komediya o’zbek dramaturgiyasi va teatrining keyingi taraqqiyotiga katta ta’sir ko’rsatdi. Bu asar bilan Hamza o’zbek komediyasi tilini qanday o’stirish, ishlash kerakligini ko’rsatib berdi. “Maysaraning ishi”dagi qaxramonlar pyesaning o’ziga xos ishlashi diqqatni jalb qiladi” deb yozgan edi Sotti Husayn.³ Bu asar asosida keyinchalik “Maysaraning ishi” nomli opera yaratildi va kinofilm ham suratga olindi.

“Paranji sirlaridan bir lavha yoki yallachilar ishi” nomli besh pardali drama 1927 yilda yozilgan. Asarda 1882 yildan 1919 yilgacha bo’lib o’tgan voqealar badiiy ifodalagan. pyesa birinchi marta 1940 yil 7 avgustda Hamza nomidan o’zbek davlat drama teatrida E.Bobojonov tomonidan sahnalashtirilgan. Bu asar keyinchalik respublika teatrlarida “Xolisxon” nomi bilan sahnaga qo’yilgan. YUksak badiiy mahorat bilan yozilgan bu pyesa o’zbek dramaturgiyasining mumtoz namunalari qatoridan o’rin olgan.

Xulosa qilib aytganda, Hamza Hakimzoda Niyoziyning dramatik asarlari bu janrning taraqqiyotiga ulkan ta’sir ko’rsatadi va rang-barang obrazlar, bilan uni boyitdi. Ularning ayrimlarini bugungi kunda ham sahnalashtirish o’zbek

³ Сотти Хусайн. Ҳамза Ҳакимзода. Ҳаёти ва фаолияти. Тошкент-Самарқанд. 1940. Б.43.

tomoshabinlari uchun haqiqiy san'at namunasi qanday bo'lishi lozimligini ko'rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Rizaev O. XXI asr o'zbek teatri: muammolar va rejalar. "Teatr", 2002 yil, 6-son.
2. K.S. Stanislavskiy "Aktyorning o'z ustida ishlashi" - T., Yangi asr avlodi., 2010.
3. Jumanov I. Sahna nutqi - T., "Abu matbuot-konsalt" MCHJ nashriyoti - 2015.
4. Boltaboeva U. M. Sahna nutqi - o'quv qo'llanma Toshkent, "Innovation ziyo"-2021.
5. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.
6. Абдуназаров, З. (2021). ИЖОДИЙ СИНТЕЗ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РЕЖИССЁРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).
7. Haydarov, A., Akbarov, T., & Abdunazarov, Z. (2020). High purpose and leading action. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 609-615.
8. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.
9. Абдуназаров, З. (2020). Тимсоллар сиймосини яратиш. *Oriental Art and Culture*, (III), 146-150.
10. Абдуназаров, З. (2020). Миллий ўйинларимиз иштирокида ёш актёрларни тасавури ва диққатини чархлаш. *Oriental Art and Culture*, (III), 134-138.
11. Akbarova, M., Tursunova, G., & Abdunazarov, Z. (2020). Pedagogical approaches to the formation of musical literacy of students in the system of Higher Education. *European Journal of Arts*, (1), 125-128.
12. Болтабоева, У. (2020). ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ГУРУҲЛАРИДА САҲНАВИЙ НУТҚНИНГ АҲАМИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, 1(5), 85-92.
13. Boltaboeva, U., Gofurova, B., Pulatov, R., & Mamatkulov, B. (2020). Methods of improving the young actors speech. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1114-1123.
14. Болтабоева, У. (2021). МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ АСАРЛАРНИНГ РОЛИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

15. Эргашев, К., & Болтабоева, У. (2021). УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЁШЛАР НИГОҲИДА. *Oriental Art and Culture*, (6).
16. Болтабоева, У. (2021). ЎЗБЕК ТЕАТРИ САҲНАЛАРИДА ТИЛ ВА НУТҚ МУТАНОСИБЛИГИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 171-180.
17. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Usmonov, S. (2021). The balance of language and speech in the Uzbek theater. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 788-792.
18. Usmonov, S., Boltaboeva, U., & Akbarov, T. (2021). Principles of working on a monologue with future actors. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 28-38.
19. Boltaboeva, U., Usmonov, S., & Akbarov, T. (2021). A Look at Askia Art. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2277-2284.
20. Usmonov, S., Boltaboeva, U., Rahmonova, N., & Akbarov, T. (2021). Pedagogical Approaches To Educating Future Actors. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(05), 85-90.
21. Болтабоева, У. (2019). Ижодкор шахс-актёрни тарбиялашда жонли сўзинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 37-39.
22. Раҳматуллаева, Ш., Болтабоева, У., & Каримов, Б. (2019). Фольклор санъати ва халқ дostonлари: кеча ва бугун. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 46-49.
23. Boltaboeva, U., Abdunazarov, Z., & Tursunova, G. (2020). Importance of tongue twisters and proverbs in overcoming speech defects. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2902-2905.
24. Болтабоева, У. (2020). Нутқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental Art and Culture*, (I (2)), 26-32.
25. Boltaboeva, U. (2019). Using Oral Folk Art Methods in Improving Speech Technology. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
26. Boltaboeva, U., Sh, U., & Rahmonova, N. (2019). Creative person-the role of live word in educating an actor. *European Journal of Arts*, (3).
27. Boltaboyeva, U., Rakhmonova, N., & Usmonov, S. (2020). Characteristics of speech Art: problems and solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 559-567.
28. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). Factors that should be considered in musical theater actors education. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 57-61.
29. Tursunova, G. (2021). BALET RAQS SAN'ATINING O'RNI VA TARIXIY TARAQQIYOTI. *Oriental Art and Culture*, (6).

30. Tursunova, G., & Karimov, B. (2020). PEARLS OF UZBEK NATIONAL DANCE. International Engineering Journal For Research & Development, 5(Conference), 4-4.

31. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.

32. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2225-2232.

33. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. European Journal of Arts, (1), 121-124.

34. Юлдашева, С. Н. (2020). СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ АУДИТОРИИ. ТИПОЛОГИЯ ЧИТАТЕЛЕЙ. Oriental Art and Culture, (V).

35. Sohibaxon, Y. (2021). O'ZBEKISTONDA KUTUBXONACHILIK SOHASINING RIVOJI. Oriental Art and Culture, (7), 260-268.

36. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2225-2232.

37. Yuldasheva, S., Habibjonov, I., & Haydarov, A. (2020). Librarianship in the formation of book reading. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 12(2), 2925-2927.

38. Юлдашева, С. (2019). Китоб мутолаасини шакиллантиришда кутубхоначилик фаолияти. Oriental Art and Culture, (IV (1)), 59-62.

39. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2225-2232.

40. Yuldasheva, S., & Madumarova, M. (2020). TASKS AND CONTENT OF BIBLIOGRAPHIC WORKS. European Journal of Arts, (1), 148-152.

41. Yunusov, G. X., Juraev, I., & Ahmedov, R. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.

42. Gofirjon Yunusov, R. A., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look at the Folklore of Fergana Valley or History of a Song in the Series of Tanovar. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 2822-2827.

43. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. European Journal of Arts, (1), 121-124.

44. Talaboyev, A., Yunusov, G., & Ahmedov, R. (2020). Local methods of traditional singing. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2916-2920.

45. Yunusov, G., Ahmedov, R., Jurayev, I., & Yuldasheva, S. (2021). A Look At The Folklore of Fergana Valley or History of A Song in The Series of Tanovar. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2225-2232.

46. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A LOOK AT THE REGIONAL SEASONAL FOLKLORE AND THEIR ORIGIN. THE ROLE AND IMPORTANCE OF FOLKLORE IN THE DEVELOPMENT OF DANCE ART. *European Journal of Arts*, (1), 121-124.

47. Usmonov, S., & Talaboyev, A. (2021). Work of the director with an artist. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2407-2410.

48. Талабоев, А. (2019). Мақом санъатида сўзнинг ўрни. *Oriental Art and Culture*, (IV (1)), 25-28.

49. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. (2020). SONG PERFORMING IN TRADITIONAL PERFORMING ARTS: PAST AND PRESENT TIM. *European Journal of Arts*, (1), 85-88.

50. Dadaboev, Y., & Dehqonov, R. Hordo Structures in Central Asian Architecture.

51. Дехқонов, Р. (2020). СОҒЛОМ АВЛОДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (V).

52. Utaganov, R., Dehqonov, R., & Tuxtasinov, M. (2020). MAIN ADVANTAGES OF TEACHING METHODS IN ARTS. *European Journal of Arts*, (2), 146-148.

53. Usmonov, S., Utaganov, R., & Dehqonov, R. (2020). Director's knowledge and approach in performing classical plays. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2921-2924.

54. Haydarov, A. (2019). АКTYORLIK SAN'ATIDA VOKALNING O'RN. *Интернаука*, (19-4), 55-56.

55. Haydarov, A. (2020). QOSHIQLAR ORQALI O'QUVCHILARDA VATANPARVARLIK TUYGUSINI SHAKLLANTIRISH. *Oriental Art and Culture*, (IV).

56. Ҳайдаров, А. (2021). ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЭСТЕТИК БАРКАМОЛ БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Oriental Art and Culture*, (6).

57. Haydarov, A. (2021). The role of Uzbek folklore in the aesthetic development of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1973-1977.

58. Askarova, M. (2020). Homil yakubov's views on navoi studies. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 788-792.

59. Асқарова, М. (2021). АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИСИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 209-216.

60. Askarova, M. (2021). Homil Yakubov's views on Oybek lyrics. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2412-2415.

61. Мад, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРА ХОНИМНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА САНЪАТДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. *Oriental Art and Culture*, (7), 160-170.

62. Мадолимов, Д. (2021). ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДА ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (1941-1945 ЙИЛЛАР). *Oriental Art and Culture*, (7), 144-151.

YOSH OILALARDA OILAVIY MUNOSABATNING SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Dilnoza Murtazoyevna Qodirova
dilya_kodirova_92@mail.ru
Buxoro davlat universiteti

Annotatsiya: ushbu maqolada yosh oila to'g'risidagi umumiy tassavurlar hamda yosh oiladagi er-xotin munosabatlarning psixologik xususiyatlari keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Qadriyat, halollik, rostgo'ylik, or-nomus, sharmu-hayo, mehru-oqibat, mehnatsevarlik, beqarorlik, genogramma, semptomatik, diagramma, psixoterapiya, ota-onalik

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF FAMILY RELATIONSHIP IN YOUNG FAMILIES

Dilnoza Murtazoyevna Qodirova
dilya_kodirova_92@mail.ru
Bukhara State University

Abstract: The article provides an overview of a young family and the psychological characteristics of the relationship of a young couple.

Keywords: Value, honesty, truthfulness, honor, shame, kindness, hard work, instability, genogram, symptomatic, diagram, psychotherapy, parenting.

Oila - har bir shaxsda ilk yoshligidan boshlab shakllanadigan insoniy fazilatlar, ezgu-istaklar, qadriyatlar takomil topadigan, ming yillar davomida shakllangan o'zbek xalqining qadriyatlari va ma'naviy merosi ravnag'ini ta'minlovchi tarbiya maskanidir. "Halollik, rostgo'ylik, or-nomus, sharmu-hayo, mehru-oqibat, mehnatsevarlik kabi barcha insoniy fazilatlar, eng avvalo, oilada shakllangan". Bola shakllanishining ilk maktabi esa ota-onaning o'zaro munosabatlari majmui bo'lib hisoblanadi. Ayniqsa yosh oilalarda ota-onalik ma'suliyatini o'z zimmasiga olib o'zaro munosabatlar tizimini to'g'ri shakllantirish jarayonlarida kuzatiladi.

Yosh oila deb, avvalo, er va xotinning ikkalasi ham 30 yoshdan oshmagan yoki oilaviy turmush qurish tajribasi 10 yildan oshmagan yoshlar oilasi nazarda tutiladi. Birinchi yondashuv, ya'ni, er va xotinning pasport yoshini inobatga olib, oilaga maqom berish to'g'riroq bo'lib, qachon turmush qurganligidan qat'iy nazar, albatta, shu muddat orasida xali yigit ham qiz ham tom ma'noda katta mehnat stajiga ega bo'lmaydi, va ko'p hollarda ayol-ona aynan shu davrda farzandli bo'lib, uy bekasi

bo'lib o'tirib qolishi ehtimoli katta. Agar ikkinchi yondashuv bo'yicha yosh oilani oilada yashash muddatiga ko'ra tabaqalashtirilsa, unda u yoki bu jamiyatda nikoh yoshining o'rtacha ko'rsatgichi ortib yoki kamayib borishini nazarda tutish lozim. Chunki ayrim davlatda va ayrim milliy-madaniy muhitda yoshlarni juda erta turmush qurishi rag'batlantirilsa, boshqalarida, ayniqsa, oxirgi yillarda aksincha, yigit va qizlarning kasb-hunar o'rttirish bo'yicha professional malakaga erishish asosiy qadriyat hisoblangan sharoitlarda 30 yoshdan oshgan odam endi oila qurgan yoki xali ham turmush qurmagan bo'lishi ham mumkin.

Umuman, fanda yosh oilani tavsiflaganda quyidagi mezonlar inobatga olinadi:

- juda yosh oila - nikohga kirgan vaqtdan toki 4 yilgacha;
- yosh oila - 5 yildan 9 yilgacha;
- o'rta oilaviy hayot muddati - 10 yildan 19 yilgacha;
- katta oilaviy hayot muddati - 20 yil va undan ortiq muddat turmush kechirganlar oilasi.

Ko'plab olimlarning ta'kidlashlaricha, yosh oilaning mustahkamlanib, oyoqqa turib ketishi, turli maishiy muammolarni o'zi mustaqil xal qilishi uchun zarur bo'lgan muddat aslida turmush qurgan ikki shaxsning bir-biriga bo'lgan samimiy munosabatiga, oila va uning atrofidagi turli qadriyatlarga nisbatan uyg'un qarashlariga, ota-ona oilasida ibrat sifatida ko'rgan-kechirganlarini uchun o'z oilasida qo'llay bilish mahoratiga bevosita bog'liqdir. Lekin baribir har bir oila aynan yoshlik davridagi qiyinchiliklarni boshdan kechiradiki, bu muammolar quyidagi holatlarga bog'liq tarzda namoyon bo'ladi:

- oilaviy hayotni bir maromda kechishini ta'minlash, ishlash, o'qish yoki boshqa masalalarni xal qilish uchun vaqtning yetishmasligi;
- vaqtni yaxshi o'tkazish, ko'ngilxushliklarning cheklanganligi;
- yangi sharoitda erkakning ham ayolning jismonan toliqishi, asablarning charchashi;
- iqtisodiy qiyinchiliklar.¹

Yosh oilalarda munosabat tizimi asosiy rol o'ynaydi bunda ikki yoshning bir - birini tushunishi evaziga oiladagi tashqi ta'sirlarning yuzaga kelishining oldini olinadi. Psixologik nuqtai nazardan biologik, psixologik hamda ijtimoiy qovushish turlarining o'zaro almashib turishi yosh oilalardagi o'zaro munosabatlarda muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Tarixiy ma'lumotlarning guvohlik berishicha, oilaviy munosabatlar madaniyati sharq xalqlarida juda qadimdan rivojlangan ijtimoiy voqelik ekanligini ko'rsatadi. 40 yillik faoliyati davomida doktor Bouen yangi nazariyani hamda uning nazariyasiga asoslangan yangi psixoterapiya usulini ishlab chiqdi. Bouen nazariyasining uni

¹ ПСИХОЛОГИЯ СЕМЬЯ: Учебник для педагогических Вузов // Автор: В.М.Каримова. – Т.: 2007. – 316 с.

an'anaviy psixoterapiya nazariyasidan ajratib turadigan asosiy asosi: oila - bu hissiy birlik va oila emotsional birlikning bir a'zosining hissiy faoliyatidagi har qanday o'zgarish taxminiy va avtomatik ravishda hissiy faoliyatdagi o'zgarishlar bilan qoplanadi. Bouen uchun avvalgi an'anaviy psixologiya o'ylaganidek shaxs emas, balki hissiy faoliyatning asosiy birligi bo'lgan. Ushbu tamoyil ikkita muhim ahamiyatga ega: 1) har bir oila a'zosining hissiy faoliyati, bitta oila a'zosida tibbiy, psixiatrik yoki ijtimoiy kasallik paydo bo'lishida muhim rol o'ynaydi va 2) davolash simptomatik odamga qaratilishi shart emas.

Semptomatik odamda to'g'ridan-to'g'ri davolanishga majbur bo'lmaslik, og'ir klinik holatlarga yangi moslashuvchanlikni keltirib chiqardi - masalan, simptomatik odam terapiyadan voz kechgan yoki faqat oila bosimi ostida terapiyaga borgan. Binobarin, agar oilaning bir a'zosi o'zining hissiy faoliyatini o'zgartirishi mumkin bo'lsa, agar u o'zi mavjud bo'lsa va u oilada hisobga olinadigan bo'lsa, butun oila o'sha odamning o'zgarishi qobiliyatiga javoban o'z faoliyatini yaxshilaydi. Bu sinaluvchilarga «oilaviy terapiya», albatta, butun oila a'zolari bilan maslahatlashuvlarni anglatishini tushunishiga yordam berishi kerak. Aksincha, «oilaviy terapiya» bu oila a'zolari o'rtasida o'zaro munosabatni kontseptsiyalashtiradigan fikrlash uslubiga asoslangan maslahatdir.

Ushbu asosda Bouen o'zining nazariyasini aks ettiruvchi sakkizta prinsipni ishlab chiqdi: 1) o'zlikni farqlash, 2) uchburchak, 3) yadroviy oilaviy hissiy jarayon, 4) oilani proektsiyalash jarayoni, 5) ko'p avlodlarni uzatish jarayoni, 6) birodarlarning pozitsiyasi, 7) hissiy uzilish va 8) jamiyatdagi hissiy jarayonlar.

